

МАКТАБ КУТУБХОНАСИ

Н. В. ГОГОЛЬ

РЕВИЗОР

5 пардали комедия

КИБРИЕ ва АБДУЛЛА ҚАҲҲОР
таржимаси

«УЎҚИТУВЧИ» НАШРИЯТИ
ТОШКЕНТ—1974

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

Антон Антонович Сквозник-Дмухановский, шаҳар ҳокими.
Анна Андреевна, унинг хотини.
Марья Антоновна, қизи.
Лука Лукич Хлопов, мактаблар нозир.
Унинг хотини
Аммос Фёдорович Ляпкин-Тяпкин, судья.
Артёмий Филиппович Земляника, худойхоналар мутасаддис.
Иван Кузьмич Шпекин, почта мудир.
Пётр Иванович Добчинский } шаҳар.
Пётр Иванович Бобчинский } помешчиклари.
Иван Александрович Хлестаков, петербурглик чиновник.
Осиц, унинг хизматкори.
Христиан Иванович Гибнер, уезд доктори.
Фёдор Андреевич Люлюков } шаҳарнинг мўътабар кишилари,
Иван Лазаревич Растаковский } истеъфога чиққан чиновниклар.
Степан Иванович Коробкин
Степан Ильич Уховёртов, даҳа пристава.
Свистунов
Пуговицин } миршаблар.
Держиморда }
Абдуллин, савдогар.
Февронья Петровна Пошлепкина, слесарь хотини
Унтер-офицер хотини.
Мишка, ҳокимнинг хизматкори.
Трактир хизматкори.
Меҳмонлар, савдогарлар, мешчанлар ва арзга келган одамлар.

ХАРАКТЕРЛАР ВА КИЙИМЛАР

Жаноб актёрларга изоҳ ва уқтиришлар.

Ҳоким, ҳукумат хизматида қариган, ўзича хийла ақлли одам. Пирахўр бўлса ҳам ўзини жуда улугвор тутати; анчагина сипо, ҳатто бир қадар насиҳатгўй; қаттиқ ҳам гапирмайди, секин ҳам, кўп ҳам гапирмайди; оз ҳам. У ҳар бир

сўзни салмоқлаб гапиреди. Афтангори паст амалдан бошлаб катта амалга етгунча кўп машаққат тортган кишиларники сингари дағал. Тўқим табиат одамлар сингари ваҳимага тушиши ҳам, хурсанд бўлиши ҳам, пасткаш бўлиши ҳам, такаббур бўлиши ҳам осон. Доим пеллициали мундир, шпор тақилган ва қўнжи узун этик кийиб юради. Сочи қирқилган, оқ тушган.

Анна Андреевна, унинг хотини, сатанг, ҳали ёши қайтмаган. Қисман роман ва альбом ўқиб тарбия топган бўлса, қисман уйда рўзғор икир-чикири ва хизматкор қизлар доирасида тарбия топган. Узига керак ва нокерак ҳар қанақа нарсага қизиқадиган, мақтанчоқ. Баъзида унинг танбеҳларига жавоб бера олмагани учунгина эридан устун келиб қўяди, лекин бу фақат майда-чуйда ишларда, эрига танбеҳ қилиш ва уни калака этиш доирасидан чиқмайди. Пьесадаги воқеа давомида тўрт хил кийимда кўринади.

Хлестаков, йигирма уч ёшларда, ориқ, жиккак бир йигит, центакроқ ва калласи пуч одамлардан. Айтадиган гапини ҳам, қиладиган ишини ҳам мулоҳаза қилмайди, бирон фикрга диққатини жалб қилишдан ожиз. Сўзлари лалапартиш, гаплари томдан тараша тушгандай. Бу ролни бажарувчи киши қанчалик самимият ва соддалик кўрсатса, шунча яхши. Кийими модага мувофиқ.

Осип, ёши қайтиброқ қолган оддий хизматкор. Гаплари жиддий, бир оз ерга қараб гапиреди; насиҳатгўй, хўжайинига қиладиган насиҳатини ўзига айтиб ўтиришни яхши кўради. У ҳамма вақт бир зайлда гапиреди, хўжайинига унча-мунча гап қайтаради ва ҳатто тўнглик қилади: хўжайинидан кўра ақллироқ бўлгани учун зийракроқ, лекин кўп гапиришни ҳушламайди; индамас, айёр. Костюми кулранг ёки кўк нимдош сюртук.

Бобчинский билан Добчинский, иккови ҳам пакана, керак бўлса бўлмаса ҳар нарсани билишга қизиқадиган; иккови бир-бирига ниҳоятда ўхшаган, бир оз қорин солган, иккови ҳам бидирлаб гапиреди, гапирганда фикрини кўпроқ имо-шора билан англатади. Добчинский Бобчинскийга қараганда салгина новчароқ ва сипороқ, лекин Бобчинский Добчинскийга кўра сурроқ ва жонсарак.

Ляпкин-Тяпкин, судья, умрида беш ёлтита китоб ўқиган, шунинг учун бир озгина фикри очикроқ. Ҳар бир ҳодисага тахмилан маъно беришни яхши кўради ва ҳар бир сўзига аҳамият беради. Буни ўйнайдиган киши ҳамма вақт юзида улуғворлик кўрсатишга тиришмоғи керак. Овози йўғон, сўзни хириллаброқ, чўзиброқ гапиреди.

Земляника, худойхоналар мутасаддиси, жуда семиз ва қўпол, лекин доғули ва писмиқ киши, лаганбардор ва жонсарак.

Почтамудир, содда ва гўл одам.

Бошқа роллар айрим изоҳ талаб қилмайди. Бундай одамларнинг нусхалари ҳамма вақт кўз олдимизда.

Жаноб актёрлар айниқса сўнги кўринишга эътибор қилмоқлари лозим. Энг сўнг айтилган сўз ҳаммага бирдан ва жуда қаттиқ таъсир қилиши керак. Бутун группа вазиятини бир дамда ўзгартиришни, хотинларнинг ҳайронлик нидолари гўё бир оғиздан чиққандай бўлиши керак. Бу уқтиришларга эътибор қилинмаса ўйиннинг таъсири йўқолади.



БИРИНЧИ ПАРДА

ҲОКИМНИНГ ҲОВЛИСИДА БИР БУЛМА.

І М А Ж Л И С

Ҳоким, худойхоналар мутасаддиси, мактаблар нозири, судья, пристав, доктор, икки миршаб.

Ҳоким. Сизларни чақиртиришдан мурод, жаноблар, кўп совуқ бир хабарни эшиттириб қўйиш: бизнинг томонга ревизор келяпти.

Аммос Фёдорович. Ревизор?

Артёмий Филиппович. Ревизор?

Ҳоким. Ҳа, Петербургдан, яширин ном, яна махфий топшириқ билан келяпти.

Аммос Фёдорович. Ана холос!

Артёмий Филиппович. Бир ками шу эди.

Лука Лукич. Субҳонолло, тагин махфий топшириқ билан-а!

Ҳоким. Ўзимга ҳам худди аён бўлгандай эди: шу бугун кечаси билан тушимга иккита ғалати каламуш кириб чиқди. Бунақа каламушни сира кўрган эмасман: қоп-қора, каттакон! Келиб искаб-искаб яна қочиб кетди. Андрей Иванович Чмихов менга хат ёзибди. Уни сиз танийсиз, Артёмий Филиппович. Хатда мана бундай дебди: «Муҳтарам дўстим ва қадрдоним...» (ичида ўқийди) «...сени хабардор қилиб қўяй». Ҳа, мана: «Шуни ҳам маълум қилиб қўяйки, губернямизни (бармоғи билан таъкидлаб), айниқса бизнинг уездимизни текширгани алланечук бир чиновник махфий топшириқ билан келган эмиш. У чиновник экан-


лигини яшириб, ўзини фуқаро кўрсатиб юрган бўлса ҳам мен бунинг тайинлик одамлардан билдим. Бошқалар қатори сенда ҳам баъзи қусурлар бор, эсинг жойида бўлгани учун қўлга кирган нарсани қўлдан чиқариб юборишни ҳушламайсан, шунинг учун...» (ўқишдан тўхтади). Хайр, бу ерда бегона одам йўқ... «Шунинг учун ҳушёр бўлмоғингни маслаҳат кўраман, сабабки, у тўсатдан келиб қолиши мумкин, балки аллақачон келиб ўзини фуқаро кўрсатиб, текшириб ҳам юргандир... кеча мен... Хайр, бу ёғи оилавий ишларга тааллуқли гаплар; «Хамширамиз Анна Кириловна эрлари билан ташриф буюрдилар. Иван Кирилович жуда семириб кетибдилар, нуқул скрипка чаладилар...» ҳоказо ва ҳоказо! Мана, аҳволни кўрдиларингми?

Аммос Фёдорович, Ҳа, аҳвол... Чатоқ! Чатоқ! Тагида бир гап бор?

Лука Лукич. Нега бундоқ бўпти экан-а, Антон Антонович, нега ревизор келади?

Ҳоким (уф тортиб). Нега бўлар эди! Пешана-да, пешана! (Уф тортиб.) Шукур, шу вақтгача бошқа шаҳарларга бориб юрар эди, энди навбат бизга келибди.

Аммос Фёдорович. Менинг фаҳмимча, Антон Антонович, бунинг тагида нозик ва зўр бир сиёсат бор. Бунинг маъноси шуки Россия... ҳм... Россиянинг бирон мамлакат билан урушмоқ муддаоси бўлса керак. Ана шунинг учун министрлик



Шаҳар ҳокими.

чиновник юбориб, бу ерларда бирон хиёнат йўқмикан деб разм сола ётибди.

Ҳоким. Ухў, ваҳимангизни қаранг-а! Тагин эслик одам эмиш бу киши! Уезд шахрида хиёнат бўлар эмиш! Нима, чегарага яқин шаҳармиди бу? Бу ердан уч йил от чопсанг ҳам бирон мамлакатга чиқмайсан киши.

Аммос Фёдорович. Йўқ, мен сизга айтсам, сиз ҳалигидай... йўқ, сизлар... а... Катталар чуқур ўйлаб: чегарадан узоқ бўлса ҳам олдини олиб қўяйлик дейди-да.

Ҳоким. Олдини оладими, олмайдами, иш қилиб жаноблар, мен айтдим қўйдим: ҳушёр бўлинглар. Мен ўзимга тегишли бўлган баъзи бир амр-фармонларни қилдим, сизларга ҳам маслаҳат шу! Хусусан сизга, Артёмий Филиппович! Келадиган чиновник бу ерга тушса, сизга қарашли худойихоналарни албатта текширади, шунинг учун оркаолдингизни йиғиштириб туринг; касаллар киядиган қалпоқлар тоза бўлсин, ундан кейин, гўлаҳига ўхшаб юришмасин унақа.

Артёмий Филиппович. Бу-ку, ҳеч гап эмас-а, тоза қалпоқ кийдирсак кийдираверамиз.

Ҳоким. Шундай бўлсин. Кейин ҳар бир каравотга латинчами ё бўлак бирон тилдами ёзувлар осиб қўйилсин. Бунинг биласиз, Христиан Иванович,—қандай касал, ким ўзи, қачон ва қайси куни касал бўлган... Касалларингиз жуда ўткир тамаки чекишади, бу яхши эмас. Кирсанг чучкиравериб эсинг кетади. Касаллар озроқ бўлса яна яхши; бўлмаса яхши қаралмас экан, доктор нобоп экан дейди.

Артёмий Филиппович. Ухў, Христиан Иванович икковимиз даволаш хусусида бошқача йўл тутганми? Ҳамма гап мижозда, шунинг учун қимматбаҳо дорилар ишлатиб ўтирмаймиз. Одамзод деган ўзи жўн нарсга бўлади! ўладиган бўлса бари бир ўлади, тузаладиган бўлса барибир тузалади. У ёғини суриштирсангиз Христиан Иванович-

нинг касаллар билан англашуви ҳам қийин: бир оғиз ҳам русча сўзни билмайди.

Христиан Иванович қисман «и» га, қисман «е» га ўхшаб кетадиган овоз чиқаради.

Ҳоким. Сиз ҳам Аммос Фёдорович, маҳкаманингизга қаранг. Арз билан келган одамлар ўтирадиган йўлагингизда қоровуллар ғоз асраб жўжа очиришибди, жўжалар оёқ остида ўралишгани ўралашган. Майли-ку, ҳар ким ҳам уй-рўзғор ғамини еса отасига раҳмат, нега қоровуллар ҳам рўзғор ғамини емас экан? Лекин бунақа жойда асраш яхши эмас . . . Мен бурунроқ ҳам шуни сизга айтаман деб юрар эдим-у, нима бўлиб эсимдан чиқар эди.

Аммос Фёдорович. Мен шу бугуноқ ҳаммасини ошхонага олдираман. Майлингиз бўлса, бизникига обедга марҳамат қилинг.

Ҳоким. Бундан ташқари маҳкаманинг ичига кир-чир ёйилиши, ҳужжатлар турган жавон устида сопқон осилиб туриши ҳам дуруст эмас. Биламан, сиз овни яхши кўрасиз, аммо ҳар қалай, ревизор ўтиб кетгунча шуни олиб қўйинг. Ўтиб кетгандан кейин яна осиб қўя берасиз. Заседателингиз ҳам . . . ўзи-ку кўп билимдон киши, аммо олдига борсангиз шундай бир ис анқиб турадики, худди ҳозир вино заводидан чиқибди дейсиз, бу ҳам яхши эмас. Мен буни сизга аллақачон айтаман деб юрган эдим-у, нимагадир алақсиз эсимдан чиқибди. Агар, ўзи айтгандай ҳақиқатан бу ис туғма ис бўлса, йўқотишнинг иложи бор: пиёзми, саримсоқ пиёзми ё бошқа бирон нарса есин. Христиан Иванович ҳам бирон дори-дармон қилар.

Христиан Иванович «и»—«е» га ўхшаган товуш чиқаради.

Аммос Фёдорович. Йўқ, бу исни йўқотиб бўлмайди: ўзининг айтишига қараганда болалигида онаси бир оз лат едирган экан, ўшандан буён ундан жиндай арақ ҳиди келиб турар эмиш.

Ҳоким. Мен айтдим, қўйдим-да, сизнинг қандай амр-фармон қилишингиз лозим эканлиги, Андрей Иванович хатда «қусурлар» деган нарсалар нималиги тўғрисида ҳеч нарса деёлмайман. Ғалати гап-да, гуноҳдан пок одам бор эканми? Худонинг ўзи бандасини шунақа қилиб яратган. Волтерианларнинг бунга қарши шаккоклик қилишлари беҳуда.

Аммос Фёдорович. «Қусур» деганини сиз нима деб ўйлайсиз, Антон Антонович? Қусурда ҳам қусур бор. Мен пора олишимни ҳеч кимдан яширмайман, аммо қанақа пора? Мен порага исковуч итнинг боласини оламан. Бу тамоман бошқа гап.

Ҳоким. Кучук оласизми, бошқами, барибир — ҳаммаси ҳам пора-да.

Аммос Фёдорович. Йўғ-е, Антон Антонович, мана, масалан, бировнинг пўстини 500 сўм бўлса, яна бунинг устига хотинига ипак рўмол . . .

Ҳоким. Хўш, нима бўлибди, порага кучук олар экансиз? Худога ишонмаганингиз-чи? Бир умр бутхонага бормайсиз. Мен, ҳар қалай, динга маҳкамман. Ҳар якшанба куни бутхонага боришни тарк қилмайман. Сиз бўлсангиз. . . Э, биламан мен сизни: дунёнинг яратилиши тўғрисида гапиргудай бўлсангиз, кишининг тепа сочи тикка бўлиб кетади.

Аммос Фёдорович. Ахир мен буни ўзим, ўз ақлим билан топдим.

Ҳоким. Жуда ақлли бўлиш, баъзида, буткул ақлсиз бўлишдан ҳам ёмонроқ бўлади. Уезд суди хусусида мен шунчайики айтдим-да, бўлмаса у ерга, тўғрисида айтганда, ким кирар эди: бу



Ляпкин-Тяпкин.

шундай маҳкамаки, худойи таолонинг ўзи ҳамиша паноҳида сақлайди. Аммо сиз, Лука Лукич, мактаблар нозири бўлганингиз учун хусусан муаллимларга эътибор қилишингиз керак бўлади. Булар, албатта, ўзлари билимдон одамлар, ҳар хил мактабларда таълим олган кишилар, аммо илм аҳлларига муносиб бўлмаган ғалати қилиқлари бор. Шулардан биттаси, масалан, ҳалиги... бор-ку, бети катта... Оти нима эди ҳали... шу кафедрага кирганда албатта афтини мана бундай қилади (*юзини буриштириб кўрсатади*), кейин галстугининг остидан қўлини чиқариб соқолини силайди. Албатта, шогирдларига афтини шунақа буриштирса-ку ҳеч бокиси йўғ-а, эҳтимол шундай қилиши лозимдир, унисини билмайман, аммо ўзингиз ўйлаб кўринг, четдан келган одамга шундай қилса яхшими? Жаноб ревизор ё бошқа биров буни ўзига олиши мумкин. Ким билади, оқибати нима бўлади.

Лука Лукич. Нима қилсам экан энди бу одамни? Унга кўп айтдим. Буни айтмайсизми: яқинда мактабга оқсоқолимиз кирган эдилар, шу кишига афтини шунақаям бадбашара қилдики, умрим бино бўлиб бундай башарани кўрганим йўқ. Унинг кўнглида, албатта, ҳеч ғарази йўқдир. Аммо менга гап тегди: болаларга нима учун эркин фикрлар талқин этилади, дедилар.

Ҳоким. Тарих муаллими хусусида ҳам сизга айтиб қўйишим керак: у ўзи-ку мияли одам-а, афтидан кўришди турибди, маълумотни ҳам жуда кўп йиққан, аммо дарс бериб турганида шунақа ҳам қизишиб кетадики, ўзини йўқотиб қўяди. Мен бир кириб дарсига қулоқ солиб эдим: осурийлар билан бобийлар тўғрисида гапирганида, хайр, тузук эди, аммо Искандар Зулқарнайнга ўтганда шундай бўлдики, нимасини айтасиз. Азбаройи худо, ўт тушдими дебман! Югуриб бориб стулни олса-ю, қулочкашлаб ерга урса бўладими? Ҳа, тузук, Искандар Зулқарнайн қаҳрамон ўтган экан, стул синдиришининг нима кераги бор? Ҳазинага зарар.

Лука Лукич. Рост, ўзи бир оз тезроқ. Мен буни ўзига кўп айтганман... «Нима десангиз денг, аммо мен илм йўлида жонимни ҳам аямайман» дейди.

Ҳоким. Тақдири азалнинг тушуниб бўлмайдиган қонуни шундай: мияли одам ё пиёниста бўлади ёки афтини мана шунақа буриштиради.

Лука Лукич. Худо ҳеч бандасига илм хизматида бўлишни насиб қилмасин! Жонингни ҳовучлаб турасан: ҳар ким аралашади, ҳар ким ўзини доно қилиб кўрсатгиси келади.

Ҳоким. Шугина бўлса-ку майли-а! Мана бу махфий ревизорни айтинг. Тўсатдан келиб «Хўш, сизлар шу ердამисизлар, қўзичоқларим! Қани, бу шаҳарнинг судьяси ким бўлади? Ляпкин-Тяпкинми? Қани ўша Ляпкин-Тяпкинни бу ёққа айтиб келинг-чи? Худойихоналар мутасаддиси ким бўлади? Земляниками? Қани бу ёққа айтиб келинг-чи» деб қолса, мана бу ёмон!

ИМЖЛИС

Ҳалигилар ва почта мудир.

Почта мудир. Нима гап ўзи, жаноблар, қанақа чиновник келаётган эмиш?

Ҳоким. Ҳали эшитганингиз йўқми?

Почта мудир. Пётр Иванович Бобчинскийдан эшитдим. У киши ҳозиргина почтахонага келиб кетган эдилар.

Ҳоким. Қани, хўш? Буни нима деб ўйлайсиз?

Почта мудир. Нима деб ўйлар эдим? Турклар билан уруш бўлади.

Аммос Фёдорович. Фикримиз бир жойдан чиқди. Мен ҳам худди шундай деб ўйлаган эдим.

Ҳоким. Икковларинг ҳам номаъқул айтибсизлар!

Почта мудир. Йўқ, шунақага ўхшаб қолди, турклар билан уруш бўлади, ҳар балони бошлаган французлар.

Ҳоким. Турклар билан қанақа уруш бўлади? Турк-

ларга эмас, бизга ёмон бўлади, бизга. Бу турган гап. Менга хат келди.

П о ч т а м у д и р и. Ундай бўлса турклар билан уруш бўлмайди.

Ҳ о к и м. Хўш, қани, сиз нима дейсиз, Иван Кузьмич?

П о ч т а м у д и р и. Мен нима дер эдим? Узингиз нима дейсиз, Антон Антонович?

Ҳ о к и м. Нима дер эдим? Қўрқадиган ерим йўқ, аммо ҳалигидай, бир оз . . . савдогарлар билан қора халқ мени ташвишга солиб турибди. Мен уларга юк тушган эмишман. Мен битта-яримтадан пора олган бўлсам ҳам, азбаройи худо, бирон ғараз билан олган эмасман, менинг устимдан шу (*уни қўлтиқлаб четга олиб чиқади*), шу, менинг устимдан бирон чақув бўлдими деб ўйлайман-да. Уйланг ахир, нега бўлмаса бизнинг шаҳарга ревизор келади? Менга қаранг, Иван Кузьмич, ҳаммамизга ҳам нафи тегадиган бир иш қилсангиз қалай бўлар экан: почтахонангизга келадиган, кетадиган ҳамма хатларни, ҳалигидай, оз-моз очиб кўрсангиз: шикоят ё бошқа бирон гап чиқиб қолмасмикан. Ҳеч гап бўлмаса яна бекитиб қўяверасиз, ҳатто шундай, очқиқлигича юборавсангиз ҳам бўлаверади, ҳеч бокиси йўқ.

П о ч т а м у д и р и. Биладан, биладан . . . Буни менга ўргатманг. Эҳтиёткорликдангина эмас, кўпроқ янги гапларга қизиққанамдан ўзим ҳам хатларни очиб кўриб тураман: оламда қандай янги гаплар борлигини билишни ўлардай яхши кўраман. Мен сизга айтсам, бировнинг хатини очиб ўқиш жуда ғалати бўлади-да . . . Баъзи бир хатларда ҳар хил ажойиб воқеаларни шундай ёзадик, ўқиб ҳузур қиласиз . . . Турган-битгани ҳикмат . . . «Московские Ведомости» ни ўқиб ҳам бунчалик миянгиз тўлмайди.

Ҳ о к и м. Хўш, менга қаранг, ўша хатларда Петербургдан келадиган чиновник тўғрисида ҳеч гап йўқми?

П о ч т а м у д и р и. Йўқ, петербурглик чиновник хусусида ҳеч гап йўқ. Аммо Кострома, Саратов чиновниклари тўғрисида гап кўп. Аттанг, бу хатларни ўқимайсиз-да, шундай ғалати жойлари борки . . . Мана, яқинда бир поручикнинг ўртоғига ёзган хатини ўқидим; бални шундай бошлаб тасвирлабдики, бай, бай . . . «Азиз дўстим—дебди—менинг ҳаётим ҳузур-ҳаловатда ўтаётди: нозанинлар кўп» . . . Шундай ёзибдики, асти қўйинг. Хатни атайин олиб қолдим. Ўқиб берайми?

Ҳ о к и м. Ҳозир бунинг мавриди эмас, қулоққа кирмайди. Барака топинг, Иван Кузьмич, шундай қилинг: агар бирон шикоят ёки маълумот учраб қолса, ҳеч қандай мулоҳазага бориб ўтирмасдан, дарров олиб қўйинг.

П о ч т а м у д и р и. Жоним билан.

А м м о с Ф ё д о р о в и ч. Эҳтиёт бўлинг, бир кун эмас, бир кун балого қоласиз.

П о ч т а м у д и р и. Худо сақласин.

Ҳ о к и м. Йўқ, йўқ, ҳеч. Овоза бўладиган бир иш қилсангиз экан, ўзаро бўладиган нарса-да.

А м м о с Ф ё д о р о в и ч. Ҳа . . . кўп бемаъни иш бўлди! Мен, ростини айтсам, сизни бир кучук билан хурсанд қилай деб келган эдим! Ана у ўзингиз билган кучукнинг ҳамшираси эди. Чептович билан Варховинскийнинг судлашиб юрганидан хабарингиз бор-ку, энди ҳузур-ҳузур меники бўлиб қолди: унисининг ҳам ерида қуён овлайман, бунисининг ҳам.

Ҳ о к и м. Шу вақтда қуён юракка сиғадими, азизим? Фикру-ёдим шу лаънати махфий ревизорда бўлиб қолди. Худди ҳозир эшик очилиб, лоп этиб кириб келаётгандай . . .

III МАЖЛИС

Ҳ а л и г и л а р, Д о б ч и н с к и й ва Б о б ч и н с к и й
(иккови ҳовлиқиб киради).

Б о б ч и н с к и й. Ҳой, эшитдиларингми?
Д о б ч и н с к и й. Ғалати бир хабар!

Ҳамма. Нима, нима бўпти?

Добчинский. Хаёлга келмаган бир иш: мусофирхонага борсак ...

Бобчинский (унинг сўзини бўлиб). Пётр Иванович икковимиз мусофирхонага борсак ...

Добчинский (унинг сўзини бўлиб). Э, шошманг, Пётр Иванович, мен айтай.

Бобчинский. Э, йўқ, мен ўзим ... Шошманг, шошманг ... Сиз гапни бопполомайсиз.

Добчинский. Сиз адашиб кетасиз, ҳамма гап эсингизда турмайди.

Бобчинский. Эсимда туради, азбаройи худо эсимда туради. Шошманг энди, мен гапириб бераман, тек туринг! Худо ҳайрингизни берсин, жаноблар, сизлар айтинглари, бу киши тек турсин.

Ҳоким. Айта қолинг энди, азбаройи худо, нима гап ўзи? Юрагим қинидан чиқай деб турибди. Жаноблар, ўтиринглари! Курси олинглари. Пётр Иванович, мана сизга курси (ҳамма иккала Пётр Иванович атрофига тизилишиб ўтиради). Хўш, нима бўлибди?

Бобчинский. Шошманг, шошманг, мен ҳаммасини бир бошдан айтиб бераман. Жаноблари ўша келган хатни олиб ташвишманд бўлганларида олдиларидан чиқиб кетиш шарафига ноил бўлишим биланоқ, югуриб ... Жон биродар, Пётр Иванович, гапга қўш солманг! Ҳаммаси, ҳаммаси ёдимда бор. Югурганимча Коробкиннинг олдида бордим; борсам, Коробкин уйда йўқ экан, ундан чиқиб Растаковскийникига бордим, Растаковский ҳам уйда йўқ экан; кейин, сизга келган хабарни айтай деб Иван Кузьмичникига кирдим, бу кишиникидан чиқиб келаётиб, Пётр Иванович билан учрашиб қолдим.

Добчинский (сўзини бўлиб). Сомсапаз дўкони олдида ...

Бобчинский. Сомсапаз дўкони олдида. Пётр Ивано-

вични кўриб, «Антон Антоновичга келган хатда айтилган янгиликдан хабарингиз борми?» деб сўрадим. Пётр Иванович буни хизматкорингиз Авдотъядан эшитган экан. Уни сиз, билмадим, нима иш биландир Филипп Антонович Почечуевникига юборган экансиз.

Добчинский (сўзини бўлиб). Француз арағига бочка олиб келгани юборган экансиз.

Бобчинский (унинг қўлини итариб қўйиб). Француз арағига бочка олиб келгани ... Пётр Иванович иккаламиз кетдик ... гапга қўш солманг, биродар, гапга қўш солманг! ... Икковимиз Почечуевникига қараб кетдик. Йўлда Пётр Иванович «Юринг, майхонага кирамиз, қорин жуда ҳам ... эрталабдан бери ҳеч нарса еганим йўқ» дедилар. Пётр Ивановичнинг қорни ... «Майхонага янги тутилган балиқ келтиришибди, овқатланиб чиқамиз» дедилар. Мусофирхонага шундай кирсак, бирдан ёшгина бир йигит ...

Добчинский Афтбоши келишган! Устида гражданча кийим.

Бобчинский. Афтбоши келишган, устида гражданча кийим ... Уйланиб у ёқдан-бу ёққа юрибди ... Афт-башараси ... Юриш-туриши ... (пешанасини кўрсатиб) бунда гап кўп. Мен, худди каромат қилгандай, Пётр Ивановичга «Бунинг бир балоси бор»



Бобчинский ва Добчинский.

дедим. Пётр Иванович секин имлаб майхоначини, Власни чақирди. Унинг хотини уч ҳафта бўлади, туққан. Боласи бирам тетикки, катта бўлса худди отасига ўхшаб майхона очади. Пётр Иванович Власни чақириб секин «Бу йигит ким?» деб сўради. Влас айтдики «Бу одам...» шошманг, энди, Пётр Иванович, гапга қўш солманг, худо хайрингизни берсин, қўйинг, сиз гапириб беролмайсиз, азбаройи худо, удда қилолмайсиз, битта тишингиз йўқ, мен биламан, ҳамма гап оғзингиздан пис-пис бўлиб чиқади... Ҳа, «Бу йигит чиновник экан» деди, «Петербургда келибди» деди, «Саратов губернясига кетаётган эмиш, номи Иван Александрович Хлестаков» деди. «Ғалати киши экан» деди, «икки ҳафтадан бери майхонадан чиқмайди, овқатни нуқул насияга олиб, бир пул бермайди» деди. Шундай дегандан кейин дарров калламга бир фикр келди, Пётр Ивановичга «эй» дедим.

Д о б ч и н с к и й. Йўқ, Пётр Иванович, аввал мен «эй» дедим.

Б о б ч и н с к и й. Аввал сиз «эй!» дедингиз, кейин мен ҳам ... Пётр Иванович икковимиз «эй!» дедик. «Саратов губернясига борадиган бўлса, бу ерда нима қилиб ўтиради?» Уша чиновник мана шунинг ўзгинаси.

Ҳ о к и м. Ким, қанақа чиновник?

Б о б ч и н с к и й. Олган хатингизда айтилган чиновник, ревизор.

Ҳ о к и м (*ваҳимага тушиб*). Қўйсаларинг-чи худо сақласин, у эмас.

Д о б ч и н с к и й. Уша! Насияга овқат еб пул бермаса, бир ёққа кетмаса, ўша бўлмай ким бўлади? Қоғози Саратовга ёзилган эмиш.

Б о б ч и н с к и й. Уша, азбаройи худо ўша, ... ҳамма ёққа разм солаётибди; ҳамма ёқни кўзда кечираётибди, Пётр Иванович икковимизнинг балиқ еб ўтирганимизни

кўриб ... Пётр Ивановичнинг қорни жуда оч бўлгани учун кўпроқ балиқ олган эдик ... Олдимиздаги тарелкага ҳам қараб қўйди. Ҳамма ёққа шундай разм соладикки, эсим чиқиб кетди.

Ҳ о к и м. Худоё худовондо, биз осийларни ўзинг кечир! Қайси уйда турар экан?

Д о б ч и н с к и й. Зинанинг тагидаги бешинчи номерда.

Б о б ч и н с к и й. Бултур офицерлар муштлашган уйда.

Ҳ о к и м. Қачондан бери турар экан?

Б о б ч и н с к и й. Икки ҳафтача бўлибди. Байрам куни келган экан.

Ҳ о к и м. Икки ҳафта! (*Четга қараб.*) Ё азизлар, ё авлиё-ю анбиёлар, ўзларинг мадад қилинглар! Бу икки ҳафта ичида унтер-офицернинг хотини калтакланди, маҳбусларга озиқ-овқат берилмади! Кўчалар қовоқхонага ўхшайди, ифлос! Шармандагарчилик (*бошини ушлайди*).

А р т ё м и й Ф и л и п п о в и ч. Нима қилдик энди, Антон Антонович, саф бўлиб мусофирхонага борайлик бўлмаса.

А м м о с Ф ё д о р о в и ч. Йўқ, йўқ! Олдин катталар, руҳонийлар, савдогарлар борсин. «Иоан Масон қилмишлари» деган китобда ҳам шундай дейилган.

Ҳ о к и м. Йўқ! Йўқ! Бу ишни ўзимга қўйинглар. Умримда кўп қийинчиликларни кўрганман, ҳаммасини эплаб, яна раҳмат эшитганман. Бу сафар ҳам худонинг ўзи ёр бўлар. (*Бобчинскийга.*) Сиз ҳали ёш йигит дедингизми?

Б о б ч и н с к и й. Ёш, йигирма уч ё йигирма тўртдан сал ошгандир-да.

Ҳ о к и м. Бундай бўлса кўп яхши. Ёш йигитнинг қўйнига қўл солиб кўриш осон. Қаридан худо сақласин! Ёшнинг бор-йўғи сиртида бўлади. Сизлар, жаноблар, ўз ишларинг саришта қилинглар. Мен ўзим ёки Пётр Иванович билан биргаликда шундай айлангани чиққан бўлиб, мусофирлардан хабар олганимизни чиқамиз. Хой, ~~Сидустуров!~~

С в и с т у н о в. Лаббай!

Ҳ о к и м. Югур, приставни чақириб кел; йўқ, шошма, сен менга кераксан. Бирон кишига айт, тезроқ приставни айтиб келсин, ўзинг тезроқ кел.

М и р ш а б шошиб-пишиб чиқиб кетади.

А р т ё м и й Ф и л и п п о в и ч. Юринг, юринг, Аммос Фёдорович! Чиндан ҳам бир бало бўлиши мумкин.

А м м о с Ф ё д о р о в и ч. Сиз нега қўрқасиз? Касалларга тоза қалпоқлар кийгизсангиз бўлади-да, бошқа нимадан қўрқасиз.

А р т ё м и й Ф и л и п п о в и ч. Э, қалпоқни қўйсангизчи! Касалларга сўк оши буюрилган, лекин бутун коридорлардан карам ҳиди келади, димоғни ёриб юборай дейди.

А м м о с Ф ё д о р о в и ч. Уз ишимдан кўнглим тўқ. Дарҳақиқат, уезд суд маҳкамасига ким ҳам кирар эди дейсиз? Биронта қоғозга кўз ташлагундай бўлса, дунёга келганига минг-минг пушаймон бўлади. Мана мен ўн беш йилдан бери судлик қиламан, баъзида битта-яримта қоғозни ўқиб кўрай десам, тарс ёрилиб кетгундай бўламан. Бу қоғоздаги гапларнинг қайсиси рост, қайсиси ёлғон эканини худонинг ўзи ҳам билмайди.

Судья, худойихоналар мутасаддис, мактаблар нозир ва почта мудир чиб кетаётиб, эшикда миршабга дуч келадилар.

IV МАЖЛИС

Ҳ о к и м, Бобчинский, Добчинский ва Миршаб.

Ҳ о к и м. Арава турибдими?

М и р ш а б. Турибди.

Ҳ о к и м. Бор, кўчага чиқиб тур . . . Йўқ, туратур! Бор, олиб кел. . . Бошқалар қани? Битта ўзингми? Ахир, Прохоров ҳам келсин демабми эдим? Қани Прохоров?

М и р ш а б. Прохоров миршабхонада. Ишга ярагундай эмас.

— 18 —

Ҳ о к и м. Нега?

М и р ш а б. Эрталаб ўлар ҳолатда олиб келишган эди— маст. Икки челақ сув билан ҳам ўзига келмади.

Ҳ о к и м (бошини ушлаб). Оббо худо урди! Дарров кўчага чиқ . . . Шошма, аввал югуриб уйдан қилич билан янги шляпамни олиб чиқ. Югур! Қани! Пётр Иванович, юринг!

Б о б ч и н с к и й. Мен ҳам, . . . мен ҳам рухсат этинг, мен ҳам борай, Антон Антонович!

Ҳ о к и м. Йўқ, йўқ, Пётр Иванович, бўлмади, бўлмади, яхши эмас, аравага сиғишмаймиз, ҳам.

Б о б ч и н с к и й. Майли, майли, ҳеч бокиси йўқ, сиғишмасак мен пиёда араванинг кетидан чопқиллаб боравераман. Мен шунчайики эшикнинг тирқишидан қарасам бас; кўрай-чи, авзойи қалай.

Ҳ о к и м (қиличини олиб, миршабга). Ҳозир бориб ўнбошиларга айт, ҳар қайсиси . . . Бу қилични кўринг-а? Лаънати савдогар Абдулин ҳокимнинг қиличи эскириб қолганини кўриб туриб, янгисини юбормайди-я! Оббо муғамбирлар-ей! Бу муттаҳамлар ҳали енг учуда узатгани ариза ҳам битиб қўйгандир дейман. Айт, ҳар қайсиси биттадан қўлига кўча олсин. . . Э, кўча эмас, супурги, супурги олсин дегин! Майхонагача ҳамма ёқни супуриб-сидириб топ-тоза қилсин . . . Эшитдингми! Ҳой, менга қара, сен! Мен сени билман: ҳамиша кумуш қошиқларни ўғирлаб, этигинг қўнжигатикасан. Мени билмайди дейсанми? Савдогар Чернаевни нима қилдинг? А? У сенга мундир тикдиргани икки газ мовут берган эди, ҳаммасини еб кетдинг. Пора олсанг амалингга яраша олгин-да, бор!

V МАЖЛИС

Ҳ а л и г и л а р ва да ҳ а п р и с т а в и.

Ҳ о к и м. Э, Степан Ильич! Азбаройи худо қаерларда юрасиз? Шу ҳам гап бўлдими?

Да ҳ а п р и с т а в и. Мен шу ерда эдим. Ташқарида эдим.

2*

— 19 —

Ҳо к и м. Менга қаранг, Степан Ильич! Петербургдан чиновник кепти-ку, нима ишлар қилдингиз?

Да ҳ а п р и с т а в и. Ўзингиз айтгандай қилдим: миршаб Пуговицинни ўнбошилар билан бирга йўлкаларни тозаллагани юбордим.

Ҳо к и м. Держиморда қаерда?

Да ҳ а п р и с т а в и. Держиморда ўт ўчирувчилар билан бирга кетган эди.

Ҳо к и м. Прохоров мастми?

Да ҳ а п р и с т а в и. Маст.

Ҳо к и м. Нечук сиз бунга йўл қўйдингиз?

Да ҳ а п р и с т а в и. Ким билибди дейсиз. Кеча шаҳардан ташқарида катта муштлашиш бўлган экан, шуни бос-тириб келгани бориб, маст бўлиб келибди.

Ҳо к и м. Менга қаранг, сиз бундай қилинг: миршаблардан Пуговицин ... бўйи баландроқ бўлгани учун тартиб сақлаган бўлиб кўприкда турсин. Этикдўзнинг ёнидаги эски деворни дарров йўқотиб, ўрнига бордон тўсиб қўйилсин, тоинки, шаҳар кўчалари план билан солинаётганга ўхшаб турсин. Бузилган жой қанча кўп бўлса, шаҳар ҳокими шунча ишчан кўринади. Э, худо урди, ўша деворнинг ёнида қирқ аравача ахлат уйилиб ётган эди-ку, сира эсимда йўғ-а! Бу қандай расво шаҳар экан! Қаерга бирон ҳайкал ўрнатсанг, ё девор қилсанг дарров тагига аллақайси гўрдан балою-баттар тўпланади, қолади! (*Уф тортади.*) Ҳа, айтгандай, агар у чиновник хизматдагилардан, аскарлардан «хурсандмисизлар!» деб сўрагудай бўлса, ҳамма «жуда хурсандмиз, жаноби олийлари» десин; битта-яримта «норозимиз» дейдиган бўлса мен унга кейин норозиликни кўрсатиб қўяман. Уҳ, уҳ, уҳ! Гуноҳим кўп, кўп гуноҳим! (*Шляпасини оламан деб ғилофни олади.*) Э, худо, шу ташвишлардан қутқарсанг, шукронасига бутхонага шундай шамлар ёқар эдимки, бунақа шамни ҳеч ким ёқмаган бўлар эди; лаънати савдогарларнинг ҳар бирига уч пуддан мум

шам солар эдим. Э, худо! Поко парвардигоро! Қани, юринг, Пётр Иванович (*шляпа деб қоғоз ғилофни киймоқчи бўлади*).

Да ҳ а п р и с т а в и. Антон Антонович, бу шляпа эмас, ғилоф.

Ҳо к и м (*ғилофни ташлаб*). Ғилоф бўлса ғилофдир-да, минг лаънат! Ҳа, бундан беш йил бурун худойихоналар ҳузурида бутхона солиш учун пул чиқарилган эди, шу бутхона нега ҳозиргача солинмайди деб сўраса «Солинаётган эди, битай деганда ўт тушди» дейишни эсингиздан чиқарманг. Мен бу хусусда рапорт ҳам топширганман, тагин битта-яримта одам, эсида йўқ, аҳмоқлик қилиб, «Бутхона солиш ҳаракати ҳам бўлган эмас» деб ростини айтиб қўйма-син. Ундан кейин Держимордага айтиб қўйилсин, муштим бор деб ҳаммани ура бермасин. Тартиб жорий қиламан деб ҳамманинг қаншарини ёриб юради — гуноҳкорни ҳам уради, гуноҳсизни ҳам уради. Қани, юринг, юринг, Пётр Иванович! (*Чиқиб қайтиб киришади.*) Кейин, солдатлар кўчага чиқарилмасин: бу маҳлуқларнинг ички кўйлак-сиз мундирнинг ўзини кийиб чиқиб кетаверадиган одати бор.

Ҳаммалари чиқиб кетишади.

VI МАЖЛИС

Анна Андреевна билан Марья Антоновна югуриб сахнага чиқади.

Анна Андреевна. Қани, қани булар? Вой худойим! (*Эшикни очиб.*) Ҳо, отаси! Антоша, Антон! (*Тез-тез гапириб.*) Ҳамма айб сенда, сен мени шунча алаҳситдинг: «Тўғнағич тақай, рўмол ўрай» деб ивирсиб ўтирдинг. (*Югуриб бориб деразадан чақиради.*) Антон! Қаёққа! Қаёққа! Нима, келдими? Ревизор? Мўйлови ҳам борми? Мўйлови қанақа?

Ҳо к и м (*овози*). Кейин, кейин, онаси!

Анна Андреевна. Кейин? Шу ҳам гап-у! Кейин эмиш! Керакмас кейин ... Бир оғиз сўз, шуни айт: полков-

ник эканми? А? *(Жаҳли чиқиб.)* Кетди! Қараб тур ҳали! Ҳаммаси мана шунинг касофати: «Шошманг, онажон, рўмолимни боғлаб олай; ҳозир бўламан» деб одамни тутди. Мана энди нима бўлди? Ҳамма гандан беҳабар қолдик. Олифталик ҳам ўлсин. Почта мудирни келганини эшитиб пардозу-андоз қилиб ўлди. Ўзига оро бериб ойнага ҳали бундай қилиб қарар, ҳали ундай қилиб қарар! У одамни ўзингга жазман деб ўйлайсан шеклилли. У бўлса ҳамма вақт орқангдан афтини **бурштириб** қолади.

Марья Антоновна. Нима қипти, онажон? Икки соатдан кейин барибир **ҳамма** гапни эшитамиз.

Анна Андреевна. Икки соатдан кейин эмиш! Қуллуғ-э! Хўп гапни **гапирдилар**-да! Хайрият бир ойдан кейин демадинг *(деразадан)*. Ҳой Авдотья! А? Биров келган эмиш, ким келди, **эшитмадингми?** Эшитганинг йўқми? Вой сатқай одам кет! **Қулини** силкитади? Силкитса силкита бермайдими, **сўрасанг** бўлар эди. Фаҳминг қурсин! Сенинг эс-ҳушинг **куйда**. А? Дарров кетиб қолишди? Араванинг кетидан **югурмайсанми!** Бор, бор ҳозир, югур! Менга қара, югур **дейман**; қайққа кетишди экан, суриштир. Ким кепти, қанақа одам экан, яхшилаб сўра, эшитдингми? Тирқишдан **қараб бил**: кўзи қанақа, қорами, йўқми; ундан кейин дарров кел. Тушундингми? Қани, бўл тезроқ. Бўл, бўл, бўл! *(Парда тушгунча қичқиради. Парда тушганда, иккови дераза ёнида турган бўлади.)*



ИККИНЧИ ПАРДА

Мусофирхонада кичкина бир бўлма. Қаравот, стол, чамадон, бўш шиша, этик, кийим чўтқаси ва ҳоказо.

І М А Ж Л И С

О с и п (хўжайиннинг каравотида ётибди).

Бу қурғур қорин шунанқаям очқадики, ичакларим сурнай чалапти. Аҳвол шу бўлса уйга ҳам етиб боролмаймизми дейман-да! Нима ҳам дейсан бунга! Питердан чиққанимизга бир ойдан ошди! Бутун пулни йўлда ютқизиб мана энди думини қисиб ўтирибди, парвойи палак! Уша пулларни арава кирага бериб тезроқ етиб олсак-ку бўлар эди; йўқ, бу киши ҳар шаҳарда ўзларини кўрсатмасалар бўлмайди! *(Хўжайинни масхара қилади.)* «Ҳой Осип, бор, яхшироқ уй танла, овқатнинг ҳам яхшироғини сўра: мен бемаза овқатни еёлмайман, менга яхши овқат бўлмаса бўлмайди». Кошки бирон арзийдиган одам бўлса, амали—кичкинагина бир регистратор. Уткинчилар билан танишиб карта ўйнагани-ўйнаган. Мана энди бутун пулни ютқизиб шип-шийдам бўлиб ўтирибди. Бунақа тирикчилик жонимгаям тегди-да!



Хлестаков.

Қишлоқ яхши-е: қишлоқда томоша бўлмаса ҳам ташвиш оз; битта хотинни оласан-у сомса еб, юмшоқ тўшакда ёта-верасан. Албатта Питерда туриш яхшику-я, бунга, нима етсин. Пул бўлса бас, туриш-турмуш сиёсат-у нафосат. Театрхоналарни айтасанми, итларнинг ўйинга тушишини айтасанми! Кўнглинг нимани хоҳласа бор. Ҳамма нозик иборалар билан гаплашади, шундай гаплашадики, дворянлардан қолишмайди. Шчукин бозорига борсанг савдогарлар «Марҳамат қилсинлар» деб туради; дарёдан ўтгани қайиққа тушсанг бирон чиновникнинг ёнига ўтириб қоласан; улфатчиликни хоҳлаб қолсанг бирон дўконга кирасан; орден таққан офицер лагердан гапириб беради, осмондаги юлдузлардан гапириб ҳаммасини мана шундай кўз олдинга келтиради қўяди. Офицернинг кампир хотини кириб қолади; баъзан бирон оқсоч қиз кириб чиқади, шунақаям... Ҳай, Ҳай! (*Кулимсирайди ва бош чайқайди.*) Ҳеч кимнинг оғзидан ножўя гап эшитмайсан: ҳамма сени сизлайди. Юриб чарчасанг извош кира қиласан-у боярга ўхшаб керилиб кетаверасан, кира бергинг келмаса бермайсан: ҳар бир ҳовлининг иккита дарвозаси бор, биттасидан кирасан-у иккинчисидан чиқиб кетаверасан, извошчи сени топиб бўпти. Фақат бир томони ёмон: баъзан овқатни хўп еб ёрилгудай бўлсанг, баъзан мана бунақа, очликдан тиришиб ўтирасан. Ҳамма айб хўжайинда. Унга нима ҳам деб бўлади? Отасику пул юборади, шу пулни тежаб-тергаб сарф қилса бўлмай-дими! Қаёқда, совургани-совурган: ҳали извош, ҳали театрхона. Бир ҳафтадан кейин қарайсанки яна чўнтагида бир пул йўғ-у янги фрагини қўлимга тутқазиб, чайқов бозорига юборади. Шундай вақтлар ҳам бўладики, ҳамма ёғини сотиб эски камзул-у эски шинель билан қолади. Худо ҳақи! Шундай яхши, мовут кийимлар! Бир фракнинг ўзи юз эллик сўм туради-ю, бозорга чиқариб йигирма сўмга соттиради. Шимни қанчага соттирганлигини қўяверинг — тупроқ баҳоси. Бунга нима сабаб? Сабаб шуки иш қилмайди; хизматга бо-

риш ўрнига кўчада томоша қилиб юради, карта ўйнайди. Буни отаси билмайди-да, билса-ку, чиновник эканлигига ҳам қарамай, этагини кўтариб хўп савалар эди-я; шундай савалар эдики, уч-тўрт кун кетини ерга қўя олмас эди. Хизмат қиладиган бўлсанг хизмат қилгин-да! Мана энди майхоначи «қарзларингни бермасаларинг бошқа овқат бермайман» деб ўтирибди; қарзимизни бермасак нима бўлади. (*Уф тортиб.*) Э худоё, бир қошиққина карам шўрва бўлсачи-я! Ҳозир бутун дунёни икки ямлаб бир ютишга тайёрман. Тақилляпти; келди (*каравотдан шошиб туради.*)

И М А Ж Л И С

О с и п билан Хлестаков

Х л е с т а к о в. Ма, буни ол. (*Шапкаси билан ҳассасини беради.*) Ҳа, яна каравотга ағанадингни?

О с и п. Ағанаб нима қиламан? Нима, каравотни энди кўрибманми?

Х л е с т а к о в. Ёлғон айтасан, ағанагансан, қара, ғижим бўлиб ётибди.

О с и п. Нима қиламан каравотингизни? Нима, умримда каравот кўрмабманми? Оёғим бор, тикка турсам ҳам бўлаверади. Каравотингизга зор бўлибманми?

Х л е с т а к о в (*нари-бери юриб*). Камзулнинг чўнтагини қара-чи, тамаки борми?

О с и п. Тамаки нима қилади? Қолган-қутганини қоқиштириб чекканингизга тўрт кун бўлди-ку.

Х л е с т а к о в (*нари-бери юради, лабларини ҳар хил қилиб қимтийди, ниҳоят, баланд ва кескин товуш билан*). Менга қара... Ҳой, Осип!

О с и п. Нима дейсиз?

Х л е с т а к о в (*баланд овоз билан, лекин ботинмайроқ*). Бир тушиб чиққин.

О с и п. Қаёққа?

Х л е с т а к о в (*секин ва тортиниброқ, илтимос тарзида*). Пастга, буфетга... Айтгин... Менга овқат беришсин.

О с и п. Қўйсангиз-чи, бормайман.

Х л е с т а к о в. Нега гапимни қайтарасан, аҳмоқ!

О с и п. Нега бўлар эди, борганим билан барибир ҳеч нарса чиқмайди. Майхоначи «бундан кейин овқат бермайман» деди.

Х л е с т а к о в. Нега бермас экан? Ана бемаъни гап-у!

О с и п. «Хўжайининг уч ҳафтадан бери овқат еб пул бермайди, бориб ҳокимга арз қиламан» дейди. «Муттаҳам экансизлар, хўжайининг ҳам қаллоб экан, биз сизларга ўхшаган товламачи муттаҳамларни кўп кўрганмиз» дейди.

Х л е с т а к о в. У шундоқ деган бўлса сен шуни менга айта қолмасанг нима бўлади, ҳайвон!

О с и п. «Мана шунақа келишади, хўп туришади, қарздор бўлишади, ундан кейин ҳайдаб чиқаришнинг ҳам иложи бўлмай қолади» дейди. «Мен ғиди-биди қилиб ўтирмайман, тўғри миршабхонага арз қилиб бораман-у қаматиб қўяман» дейди.

Х л е с т а к о в. Бўлди, бўлди, аҳмоқ! Бор, бор, айт! Шундай тўнг ҳайвон!

О с и п. Майхоначининг ўзини чақириб кела қолай.

Х л е с т а к о в. Чақириб нима қиласан? Ўзинг бориб айт.

О с и п. Э, хўжайин...

Х л е с т а к о в. Хўп, бор, минг лаънат! Майхоначини чақириб кела қол!



Осип.

О с и п чикди.

Х л е с т а к о в (ёлғиз). Қорин роса очқади-да! Нафс ором олмасмикин деб бир айланиб ҳам келдим, қаёқда! Иштаҳа карнай. Пензада пулни ҳаром-ҳаришга сарф қилмаганим-да уйга етиб олар эдим. Пиёда аскар капитани қурғур, картага жуда эпчил экан. Чораки соат дегунча шилиб олди-қўйди-я. Шундай бўлса ҳам яна бир ўйнагим келди-ю бошқа тўғри келмади-да. Кўп расво шаҳар экан-да! Бақоллари насияга ҳеч нарса бермайди-я! Бу жуда ҳам пастлик! (Авал «Роберт» операсидан, сўнгра бир куйда ҳуштак чалади, ниҳоят қандай куй чалаётганини билиб бўлмайди.)
Ҳеч ким келмаяпти-ку.

Хлестаков, Осип ва майхона хизматкори.

Х и з м а т к о р. Хўжайин бориб сўраб келгин, нима ишлари бор экан дедилар.

Х л е с т а к о в. Салом, ука! Қалай, саломатмисан?

Х и з м а т к о р. Шукур.

Х л е с т а к о в. Хўш, меҳмонхона ишлари қалай? Жойидами?

Х и з м а т к о р. Шукур, жойида.

Х л е с т а к о в. Меҳмон кўп тушиб турадимми?

Х и з м а т к о р. Ҳа, етиб турибди.

Х л е с т а к о в. Менга қара ука, менга ҳануз овқат олиб келишгани йўқ, сен бориб айтгин, тезроқ беришсин, овқатдан кейин қиладиган ишларим бор.

Х и з м а т к о р. Хўжайин энди овқат бермайман деган эдилар-ку! У киши ҳокимга арз қилгани ҳам бормоқчи эдилар.

Х л е с т а к о в. Арзи нимаси? Ахир ўзинг ўйлаб кўр, қандоқ қилай? Қорним оч. Бу аҳволда сулайиб қоламан. Очликдан юрагим гумириб кетаётибди; ҳазили йўқ.

Х и з м а т к о р. Хўжайин «илгари еган овқатлар-

нинг пулини бермагунча бошқа овқат бермайман» дейдилар. У кишининг жавоблари шу.

Х л е с т а к о в. Сен унга тушунтир, йўлга сол.

Х и з м а т к о р. Ахир мен у кишига нима ҳам дейман?

Х л е с т а к о в. Сен дурустроқ уқтир, қорни оч, овқат емаса бўлмайди дегин. Пул ўз йўли билан. Мени ҳам ўзига ўхшаган мужик, бир-икки кун овқат емаса ҳеч нарса бўлмайди деб ўйлайди шекилли. Шу ҳам гап бўлди-ю!

Х и з м а т к о р. Бўпти, айтаман.

V М А Ж Л И С

Х л е с т а к о в (*ёлғиз*). Овқат бермаса жуда ёмон бўлади-ку. Ҳеч қачон қорним бунчалик оч қолган эмас эди. Кийим-кечакдан биронтасини пулласаммикин? Шалваримни сотсаммикин? Йўқ, оч қолсам қолайки, уйга Петербург кийимида борай. Афсуски Иохим соябон аравасини бермади-да, берганда уйга соябон аравада кириб борсам жуда соз бўлар эди. Бирон қўшни помешчикнинг эшиги олдига қўш фонарлик соябон арава келиб тўхтаса, орқада ясанган Осип турса... Тўс-тўполон бўлиб кетар дейман! «Ким экан, нима гап?» Лакей кириб: (*лакейга тақлид қилиб*): «Петербургдан Иван Александрович Хлестаков келибдилар, қабул қиладиларми?» дейди. Бу галварслар «қабул қиладиларми» деган гапнинг маъносини қаёқдан билсин. Буларнинг уйига биронта тўқим табиат помешчик келса сўрамай-нетмай, айиққа ўхшаб, тўғри меҳмонхонага кираверади. Битта-яримта қиз кўриниб қолса секин олдига бориб: «Ойимқиз, мен шундай ҳам...» (*қўлларини бири-бирига ишқаб, таъзим қилади*). Тфу! Очликдан кўнглим озиб кетди.

VI М А Ж Л И С

Х л е с т а к о в, О с и п, сўнгра хизматкор.

Х л е с т а к о в. Ҳа нима бўлди?

О с и п. Овқат олиб келяпти.

— 28 —

Х л е с т а к о в (*ўзида йўқ хурсанд*). Опкеляпти, опкеляпти! Опкеляпти!

Х и з м а т к о р (*тарелка ва сальфеткалар билан кироди*). Хўжайин «бу сафар ҳам бердим, бундан кейин бермайман» дедилар.

Х л е с т а к о в. Хўжайин, хўжайин эмиш... Тфу ўша хўжайинингга! Нима овқат?

Х и з м а т к о р. Шўрва билан қовурма.

Х л е с т а к о в. Ие, икки хил холосми?

Х и з м а т к о р. Ҳа, икки хил холос.

Х л е с т а к о в. Ана бемазагарчилиг-у! Олиб кет керак эмас. Хўжайинингга айт, бу нима деган гап ўзи!... Кам бу!

Х и з м а т к о р. Хўжайин шуни ҳам кўп деяптилар.

Х л е с т а к о в. Нега қайласи йўқ?

Х и з м а т к о р. Қайла йўқ.

Х л е с т а к о в. Нега бўлмас экан? Ошхонанинг олди-дан ўтаётиб ўз кўзим билан кўрдим, қайла кўп эди. Эрта-лаб столовойда иккита пакана одам балиқ, яна алланималар еб ўтирган эди.

Х л е с т а к о в. Борликка бор-у, лекин йўқ.

Х л е с т а к о в. Нега йўқ?

Х и з м а т к о р. Йўқ-да.

Х л е с т а к о в. Балиқ-чи, котлет-чи?

Х и з м а т к о р. Булар дурустроқ одамларга берилади.

Х л е с т а к о в. Вой аҳмоғ-ей!

Х и з м а т к о р. Шунақа.

Х л е с т а к о в. Вой чўчқа-ей... Нега улар ер экан-у мен емас эканман? Улар еганда мен нега еяолмайман? Улар ҳам менга ўхшаган мусофир-да ахир?

Х и з м а т к о р. Сизга ўхшаган эмас.

Х л е с т а к о в. Қанақа бўлмаса?

Х и з м а т к о р. Қанақа бўлар эди? Қанақалиги маълум: еган овқатига пул беради.

Х л е с т а к о в. Мен сен аҳмоқ билан айтишиб ўтир-

— 29 —

майман (*шўрва қуйиб ичади*). Бу қанақа шўрва? Шўрва деб сув олиб келибсан-ку; маза-матраси йўқ, сассиқ. Ичмайман бу шўрвани, бошқа шўрва олиб кел!

Хизматкор. Майли, олиб кетаман. Хўжайин, агар ичмаса олиб келавер деган эдилар.

Хлестаков (*шўрвани бермайди*). Ҳай, ҳай, ҳай. . . тегма, аҳмоқ! Сен бошқаларга шунақа муомала қилиб ўргангансан, мен сен айтган одамлардан эмасман. Мен билан пашшалашма . . . (*Шўрвани ичади.*) Бай, бай, бай! Бу қанақа шўрва! (*Ичаверади.*) Мунақа шўрвани дунёда ҳеч ким кўрмагандир: ёғнинг ўрнига аллақанақа патлар сузиб юрибди (*товуқни кесади*). Бай, бай, бай, товуқни қара-я! Қовурмани бер! Косада жиндай шўрва қолди, олиб ич, Осип. (*Гўштни кесади.*) Бу қанақа қовурма? Бу қовурма эмас.

Хизматкор. Нима экан бўлмаса?

Хлестаков. Нима бўлса бордир, лекин қовурма эмас. Гўшт деб болтани қовуриб берибди (*ейди*). Муттаҳамлар! Берган овқатини қара-я! Гўштан бир бурдасини есанг жағинг тушади. (*Бармоғи билан тишини ковлайди.*) Аблаҳлар! Худди дарахтнинг пўстлоғи-я, тишга кирса чиқариб бўлмайди; бунақа овқатни есанг тишинг ҳам қорайиб кетади. Муттаҳамлар! (*Оғзини салфетка билан артади.*) Бошқа овқат йўқми?

Хизматкор. Йўқ.

Хлестаков. Товламачи! Аблаҳлар! Лоақал жиндай қайла ё бирон ширинлик берса-чи. Ишёқмаслар! Мусофирларни шилишни билади холос.

Хизматкор тарелка ва салфеткани олиб **Осип** билан бирга чиқиб кетади.

VII МАЖЛИС

Хлестаков сўнгра **Осип**.

Хлестаков. Бу овқати чап ичагимга ҳам юқ бўлгани йўқ; иштаҳани баттарроқ очди холос. Майда пул бўлганда бозордан нон олдиран эдим.

Осип (*киради*). Негадир ҳоким келиб сизни суриштиряпти, сўраяпти.

Хлестаков (*чўчиб*). Ана холос! Бу лаънати майхоначи аллақачон арз қилганга ўхшайди-ку! Ҳоким турмага судраб қолса нима қиламан? Хайр, қандоқ қиламан? Агар яхшиликча бўлса олдига тушиб . . . Йўқ, йўқ, бўлмайди! Шаҳарда офицерлар изғишиб юрибди, одам ҳам кўп; мен, худди аксига олгандай, бир савдогарнинг қизи билан кўз қисишиб ҳам қўйган эдим. . . Йўқ, бормайман. . . Нима у, мени қамашга нима ҳақи бор? Мен савдогар ё косибмидим? (*Дадил бўлиб қоматини ростлайди.*) Тўғри ўзига айтаман: нима ҳақинг бор дейман? (*Эшикнинг қабзаси буралади, Хлестаков ранги оқариб, жунжаяди.*)

VIII МАЖЛИС

Хлестаков, **Ҳоким** ва **Добчинский**. Ҳоким бўсагадан ўтиб тўхтади. Иккови ҳам қўрқанидан бир-бирига қараб бақрайганича қолади.

Ҳоким (*сал ўзини тутиб олгач қўлларини тушириб гоз туради*). Соғлиқ тилаймиз.

Хлестаков (*таъзим қилиб*). Марҳамат.

Ҳоким. Афв этсинлар.

Хлестаков. Зарари йўқ.

Ҳоким. Мен бу шаҳарнинг ҳокими бўлганлигим учун мусофирларга ва ҳамма олижаноб кишиларга азият етмаслигидан хабардор бўлиб туришни вазифам деб биламан. . .

Хлестаков (*аввал бир оз тутилади, кейин баланд овоз билан*). Қандоқ қилай. . . Ҳақини бераман. . . Қишлоқдан менга пул юборишади. (*Бобчинский эшикдан бошини тиқиб қарайди.*) Айб ўзида: берган гўшти ёғочга ўхшайди; шўрва деб алланима балони берибди, деразадан тўкиб ташладим. Кун бўйи менга овқат бермай очликдан тириштиради. . . Чойдан бўлса-ку балиқ ҳиди келиб туради. Мен бунинг нимасига. . . Шунақа ҳам бўладими!

Ҳо к и м (*қўрқиб*). Кечирасиз, айб менда эмас. Менинг бозорларимда ҳамма вақт яхши гўшт бўлади. Гўштни хол-могорлик савдогарлар олиб келишади, ҳаммаси ҳам эслик, яхши одамлар, билмадим бу бунақа гўштлирни қаердан олар экан. Агар ундоқ бўлса . . . Ижозат беринг, сизни бошқа уйга элтиб қўяй.

Х л е с т а к о в. Ҳеч кераги йўқ. Биламан у бошқа уйни, бошқа уй турма бўлади. Нима ҳақингиз бор? Қандай журъат қиласиз?.. Мен. . . Мен Петербургда хизмат қиламан. (*Дадил бўлади.*) Мен, мен, мен. . .

Ҳо к и м (*четга*). Оббо худо урди, жаҳли ёмон экан-ку! Ҳаммасини билибди, лаънати савдогарлар ҳаммасини етказибди!

Х л е с т а к о в (*дадил бўлиб*). Бутун ясовулларингиз билан келганингизда ҳам бормайман. Тўғри министрга арз қиламан! (*Столга мушлайди.*) Бу қандай гап? Бу қандай гап?

Ҳо к и м (*ғоз туради, вужуди титрайди*). Раҳм қилинг хароб қилманг. Хотиним бор, ёш болаларим бор . . . Бир одамни бахти қора қилманг.

Х л е с т а к о в. Йўқ, дедим, йўқ! Гапини қара-ю! Менга нима? Бола-чақангиз бор деб мен турмага борайми, ана гап-у!

Б о б ч и н с к и й эшикдан бошини тиқиб қарайди ва қўрқиб дарров бекинади.

Йўқ, бормайман! Қуллуқ!

Ҳо к и м (*қалтираб*). Тажрибасизлик, азбаройи худо, тажрибасизлик. Камбағалчиликдан . . . Узлари ўйлаб кўрсинлар: подшолик берадиган ойлик чой билан қандга ҳам етмайди. Пора олган бўлсам ҳам жуда оз, унча-мунча овқат-у, битта-иккита кийимга яраша олганман холос. Марҳум унтер-офицернинг савдогарлик қилиб юрадиган хотинини урганлигим тўғрисидаги гап қуруқ тухмат, худо ур-

сини, тухмат! Бу гап менинг душманларимдан чиққан; бу одамлар мени ўлдириб қўя қолишга ҳам тайёр.

Х л е с т а к о в. Қўйсангиз-чи! У одамлар билан менинг нима ишим бор. . . (*Ўйлаб.*) Билмадим, менга сизнинг душманларингиз-у унтер-офицер хотинининг нима дахли бор. . . Унтер-офицернинг хотини буткул бошқа одам, лекин мени уролмайсиз, қўлингиз калталиқ қилади . . . Гапини қара-ю! Тавба!.. Ҳақини бераман дедим бераман, лекин ҳозир пулим йўқ, ёнимда бир тийиним бўлмагани учун ҳам шу ерда ўтирибман-да.

Ҳо к и м (*четга*). Усталигини қара-я. Бу гапнинг замирига унча-мунча одам етолмайди! Нимадан даромад қилишингни ҳам билмайсан! Ҳар нима бўлса ҳам бир уриниб кўрай, таваккал, бир уриниб кўрай. (*Баралла.*) Агар пулга ё бошқа бирон нарсага зориққан бўлсалар, хизматларига тайёрман. Мусофирларга ёрдам бериш менинг бурчим.

Х л е с т а к о в. Беринг, менга қарз беринг! Майхоначининг ҳақини ҳозир бераман. Менга бирон икки юз сўм, ҳатто ундан камроқ бўлса ҳам етади.

Ҳо к и м (*пулни узатиб*). Роса икки юз сўм, овора бўлиб санамасалар ҳам бўлади.

Х л е с т а к о в (*пулни олиб*). Қуллуқ, раҳмат. Қишлоққа боришим биланоқ юбораман. . . Пулим бирдан шунақа. . . Жуда олижаноб одам экансиз. Мана бундай бўпти.

Ҳо к и м (*четга*). Худога шукур, пулни олди. Энди иш жўнашиб кетадиганга ўхшайди. Икки юз сўм деб тўрт юз сўм қистирдим.

Х л е с т а к о в. Ҳой, Осип! (*Осип киради.*) Майхона хизматкорини чақир! (*Ҳоким ва Добчинскийга.*) Нега тикка турибсизлар, марҳамат қилинглар, ўтиринглар. (*Добчинскийга.*) Қани, ўтирсинлар.

Ҳо к и м. Майли, тикка турсак ҳам бўлаверади.

Х л е с т а к о в. Марҳамат қилинг, ўтиринг. Жуда очиқ,

меҳмондўст одам экансизлар. Ростини айтсам, мен аввал сизлар мени . . . (*Добчинскийга.*) Утиринг.

Ҳоким билан Добчинский ўтиради. Бобчинский эшикдан бошини тикиб қарайди ва қулоқ солади.

Ҳоким (*четга*). Дадилроқ бўлиш керак. Билиб қўй, мен махфий ревизорман демоқчи-да! Хўп, ўзимизни анқовликка соламиз: бу одам ким эканлигини билмаган бўлайлик. (*Баралла.*) Биз шахримизнинг помешчикларидан Пётр Иванович Добчинский билан бирга маҳкама иши билан айланиб юрган эдик, мусофирлардан ҳам хабар олгани кирдик, чунки мен ҳеч нарса билан иши йўқ бошқа ҳокимлардай эмасман; ўз вазифамдан ташқари инсонпарвар христиан бўлганим учун ҳар бир одамга яхшилиқ қилишни истайман; буни қарангки, толе сиз билан кўришмоқни насиб этди.

Хлестаков. Мен ҳам ниҳоятда хурсандман. Сиз кирмаганингизда бу ерда ўтираверар эдим: қарзни қандай қилиб узишни билмай ўтирган эдим.

Ҳоким (*четга*). Бу гапни кимга гапираётибсан! Қарзни қандай қилиб узишни билмай ўтирган эмиш! (*Баралла.*) Сўрашга ҳаддим сиғадими: қайси томонга ва қаерларга борадилар?

Хлестаков. Мен Саратов губернясига, ўз қишлоғимга кетаётибман.

Ҳоким (*четга истеҳзоли бир қиёфада*). Саратов губернясига эмиш! Қип-қизил ёлгон гапириб, қизармайди ҳам! Уҳў, бу билан гаплашганда жуда ҳушёр бўлиш керак экан (*баралла*)! Жуда яхши ният қилибсиз. Йўл тўғрисида шуни айттайки, бир томондан, бекатларда отга маҳтал бўлиб қолади киши дейишади, лекин, иккинчи томондан, саёҳат кинининг баҳрини очади. Сиз кўпроқ сайр-у саёҳат учун йўлга чиққан бўлсангиз керак?

Хлестаков. Йўқ, падаримиз чақиртирдилар. Петербургда хизмат қилиб шу маҳалгача бирон мукофотга сазо-

вор бўлмадинг деб хафа бўлаётибдилар. Петербургга бордингми, дарров кўкрагингга Владимир осиб қўяди деб ўйлайдилар-да. Ўзлари хизмат қилиб кўрсалар билар эдилар.

Ҳоким (*четга*). Бунинг найрангини қара-я! Чол отасини ҳам ўртага солди-ку! (*Баралла.*) У ерда қанча турадилар?

Хлестаков. Ўзим ҳам билмайман. Отам ўлардай қайсар, миясини еган бир чол. Мен: «нима десангиз денг, Петербургдан кетолмайман» дедим. Рост-да, нега энди умримни мужиклар орасида бекорга ўтказар эканман! Илгариги замон ўтиб кетган: мен маърифат талаб одамман.

Ҳоким (*четга*). Ёлгонни қийворади-я! Шунча ёлгон гапириб бирон марта тили тутилса-чи! Ўзи кўримсиз, пакана, тирноқ билан боссанг қирс этгудай ҳоли бор-у. Шошмай тур ҳали! Тилингдан тутиласан! Мен сени бир гапга солай (*баралла*). Ҳақ гапни гапирдингиз. Қишлоқ жойда нима қилади киши? Мана бу ерни олинг: кечалари ухламайсан, ватан деб жонинг ҳалак, ҳеч нарсангни аямайсан, лекин мукофотдан дарак йўқ. (*Уйга разм солади.*) Уйингиз захроқ шекилли?

Хлестаков. Расво уй, канасини айтинг, умримда бунақа канани кўрган эмасман: худди итдай талайди.

Ҳоким. Буни қаранг-а! Шундай маърифатлик меҳмон бир беҳуда, дунёга келмаса ҳам бўладиган махлуқдан азият тортиб ўтирса-я! Қоронғи ҳам экан-ку?

Хлестаков. Ҳа, жуда қоронғи. Майхоначи шам бермайдиган қилиқ ҳам чиқарди. Баъзан бирон иш қилсамми, ўқисам ёки илҳом келганда бирон нарса ёзсам дейман. Илож йўқ: қоп-қоронғи.

Ҳоким. Бир илтимос қилсам ҳаддим сиғармикин . . . Йўғ-е мен ким-у, сиз ким. . .

Хлестаков. Нима эди?

Ҳоким. Йўқ, йўқ! Мен ким-у . . . менга ким қўйибди! Хлестаков. Нима, нима ахир?

Ҳоким. Ҳаддим сиққанда . . . менинг ҳовлимда жуда яхши, ёруғ, тинчгина, сиз боп бир уй бор эди . . . Йўғ-е, бундай шарафга лойиқ эмаслигимни ўзим сезиб турибман . . . Тагин хафа бўлманг, азбаройи очиқлигимдан айтдим.

Хлестаков. Аксинча, жоним билан. Бу қовоқхонада тургандан кўра сизнинг уйингиз яхшироқ.

Ҳоким. Бошим осмонга етар эди! Хотинимнинг хурсанд бўлишини айтинг! Менинг табиатим шу: болалигимдан меҳмондўстман, хусусан меҳмон маърифатли одам бўлса . . . Яна хушомадгўйлик қилаётибди деб ўйламанг; йўқ, бунақа касалим йўқ, чин кўнглимдан айтаётибман.

Хлестаков. Ташаккур, ташаккур. Ўзим ҳам мунофиқ кишиларни ёмон кўраман. Сизнинг очиқлигингиз, меҳмондўстлигингиз менга жуда ёқиб қолди. Ростини айтсам, ҳурмат билан садоқат-у садоқат билан ҳурматдан бошқа ҳеч нарсани истамайман.

IX МАЖЛИС

Ҳалигилар, майхона хизматкори ва унинг кетидан Осип.
Бобчинский эшикдан бошини тиқиб қарайди.

Хизматкор. Чақирдиларми?

Хлестаков. Ҳа, қани, счёт олиб кел.

Хизматкор. Счётни ҳали ташлаб кетган эдим-ку.

Хлестаков. Счёт-пчётингни билмайман. Айт, неча пул эди?

Хизматкор. Келган кунингиз овқат олдингиз, эртасига озроқ балиқ едингиз, ана шундан бу ёғи ҳаммаси насия бўлган.

Хлестаков. Аҳмоқ! Ҳаммасини айтиб ўтиради. Неча пул бўлганини айтиб қўя қолмайсанми!

Ҳоким. Сиз ташвиш қилманг, кейин олади. (Хизматкорга.) Йўқол, ўзлари юбордилар.

Хлестаков. Ҳа, рост айтасиз. (Пулни чўнтагига солади.)

Хизматкор чиқиб кетади. Бобчинский эшикни очиб қарайди.

Ҳоким. Энди шахримиздаги баъзи муассасаларни кўришга майллари қалай, чунончи: худойихоналарни ва бошқа жойларни . . .

Хлестаков. Нима бор экан у ерда?

Ҳоким. Ҳеч, шундай, ишларимизни кўрасиз . . . Танишасиз . . . Сайру саёҳат қилиб юрган бўлсангиз . . .

Хлестаков. Жоним билан, бораман.

Бобчинский бошини эшикдан тиқади.

Ҳоким. Агар майлингиз бўлса ўшанақаси уезд мактабига ҳам кирамиз, илм ўқитиш тартибини ҳам кўрасиз.

Хлестаков. Яхши бўлади, яхши бўлади.

Ҳоким. Ундан кейин, агар хоҳишлари бўлса, шаҳар турмасига ҳам кирадилар, жинойткорларнинг маишатини ҳам кўрадилар.

Хлестаков. Турмада нима қиламиз? Ундан кўра худойихоналарни кўра қолайлик.

Ҳоким. Ихтиёр ўзларида. Ўз экипажларида борадиларми ё менинг аравамда борадиларми?

Хлестаков. Сизнинг аравангизда бора қолай.

Ҳоким (Добчинскийга). Ундоқ бўлса, Пётр Иванович, сиз сизмайсиз-ку.

Добчинский. Майли, мен пиёда бора қоламан.

Ҳоким (секин Добчинскийга). Менга қаранг, ҳозир иккита хат ёзиб бераман, чопқиллаганингизча, биттасини худойихоналар мутасаддиси Земляникага, иккинчисини хотинимга етказасиз. (Хлестаковга.) Ижозат берсалар ҳузурларида хотинимга тўрт энликкина хат ёзсам, токи хотиним муҳтарам меҳмонни кутиб олишга тайёрлик кўриб турса?

Хлестаков. Нима ҳожати бор? . . . Лекин сиёҳ бор-у қоғоз йўқ. . . Мана счётнинг орқасига ёзсангиз ҳам бўлади.

Ҳо ким. Майли... (Еза туриб ўзича.) Зиёфатни еб арақ-ни ичканингдан кейин кўрамиз... Губерня мадераси ўзи кўримсиз бўлса ҳам, лекин филни йиқитади. Мен бунинг ўзи ким ва бундан қанчалик эҳтиёт бўлиш кераклигини билиб олсам бас. (Хатни ёзиб Добчинскийга беради. Добчинский эшикни очар экан, у томонда қулоқ солиб турган Бобчинский бехосдан ичкарига мункиб тушади. Ҳамма бирдан «ух» деб юборади. Бобчинский ўрнидан туради.)

Хлестаков. Нима бўлди, бирон жойингиз майиб бўлмадими?

Бобчинский. Йўқ, йўқ, ҳеч нарса бўлгани йўқ, қаншарим салгина лат еди холос! Югуриб Христиан Ивановичнинг олдига бораман, бир малҳами бор, шундан жиндак суркаб қўйса тузалади.

Ҳо ким (Бобчинскийга таҳдид қилади. Хлестаковга). Қўяверинг! Қани, марҳамат қилсинлар! Хизматкорингизга айтаман, чамадонингизни бизникига олиб боради (Осипга). Укагинам, бу ердаги ҳамма нарсани бизникига олиб бор, ҳоқимнинг уйи қайси десанг ҳамма кўрсатиб беради. Марҳамат қилсинлар! (Хлестаковни олдинга ўтказди ва орқасига қайрилиб Бобчинскийга.) Хў ўлинг! Йиқилгани бошқа жой қуриб кетганмиди! Шу ерда йиқилиб тарвайиб ётса-я! (Чиқиб кетади, унинг кетидан Бобчинский ҳам чиқади.)



УЧИНЧИ ПАРДА

Г М А Ж Л И С

БИРИНЧИ ПАРДАДАГИ БУЛМА.

Анна Андреевна, Марья Антоновна ҳамон ўша вазиятда дераза олдида туришади.

Анна Андреевна. Мана, бир соатдан бери кутамиз. Ҳамма иллат сенинг бемаъни таннозлигингда: нозандай кийинган эдинг-ку, яна ивирсиб ўтиришга бало бормиди... Қаёқдан ҳам сенга қулоқ солдим! Мана энди нима бўлди. Аксига олиб, одам қораси кўринмайди-я!

Марья Антоновна. Оббо, онажон, ҳадемай ҳаммасини билиб оламиз... Ҳозир Авдотья келиб қолади. (Деразадан ташқарига қараб қичқириб юборади.) Вой, онажон, ҳу ана, кўчанинг бошида биров келяпти.

Анна Андреевна. Қани? Нуқул шунақа йўқ нарсаларни гапириб юрасан. Ҳа, келяпти. Ким экан у? Бўйи ўрта... Устида фрак. Ким бўлса экан? А? Вой ўлсин! Ким эди ўзи бу?

Марья Антоновна. Добчинский, онажон.

Анна Андреевна. Қўйсанг-чи. Чолни кўрсанг бувам дея берасан: Добчинский эмиш. (Рўмолчасини силжийди.) Ҳой, бу ёққа келинг, тезроқ келинг.

Марья Антоновна. Рост, онажон, Добчинский.

Анна Андреевна. Бир гапни тутиб олсанг ҳеч қўймайсан. Добчинский эмас дедим-ку, ахир.

Марья Антоновна. Ана, ана Добчинский экан-ку.

Анна Андреевна. Ҳа, Добчинский экан. Энди танидим. Мен ҳам шунақа деяпман-ку. (Деразадан қичқиради.) Югуринг! Тезроқ юрсангиз-чи. Ўша ердан гапираринг. Бари бир. Нима гап? Жуда баджаҳл эканми? А?

Эрим-чи, эрим? (*Деразадан бир оз четланиб, фиғони чиқиб.*)
Мунча ҳам расво бўлмаса: уйга кирмагунича бир оғиз ҳам гапирмайди.

И М А Ж Л И С

Ҳалигилар ва Добчинский.

Анна Андреевна. Ҳали сиздан келган иш шу бўл-
дими? Мен сизни туппа-тузук одам деб юрган эдим. Ҳамма
югуриб кетса сиз ҳам шуларнинг кетидан кетдингиз-қол-
дингиз! Мана энди нима бўлганини билолмай, гаранг бў-
либ ўтирибман. Уялмайсизми? Мен сизнинг ўглингиз Ва-
ничкани, қизингиз Лизанкани чўқинтирган бўлсам-у, сиз
шунақанги қилиб ўтирсангиз!

Добчинский. Худо ҳақи, жигарим, сизга шу гап-
ни тезроқ етказа қолай деб, югура бериб ўпкам оғзимга
тиқилиб қолди.

Марья Антоновна. Салом, Пётр Иванович.

Анна Андреевна. Хўш, нима бўлди, нима гап,
гапиринг.

Добчинский. Антон Антонович сизга хат бериб
юбордилар.

Анна Андреевна. Ким экан ўзи? Генералми?

Добчинский. Йўқ, генерал-ку эмас, лекин генерал-
дан қолишмайди: жуда ҳам ўқиган, басавлат одам экан.

Анна Андреевна. Ҳа! Эримга келган хатда ай-
тилган одам шу.

Добчинский. Ҳа, ўшанинг ўзи. Пётр Иванович
икковимиз ҳаммадан бурун билган эдик.

Анна Андреевна. Қани, гапира қолинг: нима
гап ўзи?

Добчинский. Худога шукур, хотиржамлик. Аввал
Антон Антоновичга дағдаға қилди, жаҳли чиқиб: «Меҳ-
монхона ёмон экан, уйингга бормайман, сени деб турмага

тушмоқчи эмасман» деди; лекин Антон Антоновичнинг
айби йўқлигини билиб, бир-икки оғиз гаплашгандан кейин,
ҳовридан тушди, худога шукур, ишлар ўнгарилиб кетди.
Ҳозир касалхонани кўргани кетишди. Ростини айтсам,
бирон чақув бўлмадимикин деб Антон Антонович хийла
чўчиган эдилар, мен ҳам хийла қўрқдим.

Анна Андреевна. Сиз нега қўрқасиз? Хизматда
эмассиз-ку.

Добчинский. Қайдам, подшолик одам гапирганда
юрагим орқамга уриб кетади.

Анна Андреевна. Хайр, бу гапларни қўя беринг.
Қанақа одам экан ўзи, ёшми, қарими? Шунинг айтинг.

Добчинский. Ёш, йигирма учларга кирган йигит.
Лекин худди чолга ўхшаб гапиради: «Марҳамат қилинг,
мен (*қўли билан ишора қилади*) у ёққа ҳам боравераман,
бу ёққа ҳам боравераман. . . » дейди. Гапни жуда ўринла-
тади. «Мен — деди — ўқишни ҳам, ёзишни ҳам яхши кўра-
ман, лекин уй қоронғироқ» дейди.

Анна Андреевна. Ўзи қанақа, ўзи, оқдан кел-
ганми, қорамағиздан келганми?

Добчинский. Буғдой ранг. Кўзлари шундай ўйнаб
турадики, одам тоб беролмайди.

Анна Андреевна. Нима деб ёзди экан? (*Уқийди.*)
«Сенга бетўхтов маълум қиламанки, ҳолим хароб бўлган
эди, лекин худонинг марҳаматидан умид қилиб, икки дона
тузлаган бодринг ва айниқса ярим порци балиқ уруғи
бир сўм 25 тийин. . . » (*Тўхтади.*) Тушунолмадим: тузла-
ган бодринг билан балиғи нимаси?

Добчинский. Антон Антонович шошиб, хатни ал-
лақандай бир сўтга ёзган эдилар.

Анна Андреевна. Ҳа, шундоқ экан. (*Уқийди.*)
«Лекин худонинг марҳаматидан умид қилиб, ишимнинг
охири бахайр бўладиганга ўхшайди. Сарик қоғоз ёпишти-
рилган уйни тезлик билан муҳтарам меҳмонга тайёр қилиб

қўй; обедга уринмай қўя қол, чунки Артёмий Филипповичнинг ҳузурида, касалхонада овқат еймиз; лекин винони кўпроқ ғамлаб қўй: савдогар Абдулинга айт, энг яхши виноларидан юборсин, юбормайдиган бўлса омборини ағдар-тўнтар қилиб ташлайман. Қўлингни ўпиб қолгувчи Антон Сквозник-Дмухановский . . . » Вой худо урди! Тезроқ ҳаракат қилиш керак! Ҳой, ким у? Мишка!

Добчинский. *(Эшикка томон югуриб қичқиради.)*
Миша! Мишка! Мишка! .

Мишка киради.

Анна Андреевна. Менга қара, югуриб савдогар Абдулинникига бор. . . Шошма, хат ёзиб бераман. *(Столга ўтириб хат ёзар экан гапирди.)* Бу хатни извошчи Сидорга бер, савдогар Абдулиннинг олдига бориб вино олиб келсин. Ўзинг дарров ана у уйни йиғштириб, озода қилиб қўй. Каравот, умивальник яна бошқа керакли нарсаларни қўй.

Добчинский. Хўп, Анна Андреевна, мен югуриб борай-чи, у ёқда нима бўляпти экан.

Анна Андреевна. Боринг, бора қолинг.

III МАЖЛИС

Анна Андреевна ва Марья Антоновна.

Анна Андреевна. Қани, Машенька, кел, яна пардоз-андоз қилайлик. Пойтахтдан келган одам, тагин, худо уриб, бизни кулги қилмасин. Сен бурмалик ҳаво ранг кўйлагингни кия қол.

Марья Антоновна. Қўйинг ўша кўйлакни, онажон. Менга ҳеч ҳам ёқмайди. Ляпкин-Тяпкиннинг қизи

ҳам, Земляниканинг қизи ҳам ҳаво ранг кўйлак кияди. Қўйинг, мен гуллик кўйлагимни кияман.

Анна Андреевна. Гулли кўйлак эмиш! Аксига олмасанг ҳеч кўнглинг жойига тушмайди. Ўша кўйлагингни киявер, яхшироқ бўлади, чунки мен сариқ кўйлак киймоқчиман. Мен сариқ кўйлакни яхши кўраман.

Марья Антоновна. Э, онажон, сариқ кўйлак сизга ярашмайди.

Анна Андреевна. Менга ярашмайдими?

Марья Антоновна. Ярашмайди, ўлай агар ярашмайди: кўзингиз қоп-қора бўлганда ярашар эди.

Анна Андреевна. Ана гап! Менинг кўзим қора эмасми? Қоп-қора. Гапингни қара-ю. Ўзимга ҳамиша қора мошшоқ моткаси билан ром очаман-у, қора бўлмайдими?

Марья Антоновна. Йўқ, онажон, сиз топпон моткаси.

Анна Андреевна. Бўлмаган гап, беҳуда гап. Мен ҳеч қачон топпон моткаси бўлган эмасман. *(Марья Антоновна билан шошиб-пишиб чиқиб кетади ва саҳнанинг орқасида гапирди.)* Қачон топпон бўлган эканман, қайдаги гапларни гапирасан.

Булар чиқиб кетган замон эшик очилади ва Миша супуринди чиқариб ташлайди. Бошқа эшикдан бошида чамадон Осип киради.



Анна Андреевна ва Марья Антоновна.

Мишка билан Осип.

Осип. Қаёққа қўяй?

Мишка. Мана бу ёққа, амаки.

Осип. Шошма, нафасимни ростлаб олай, шўрим қурсин. Қорин оч бўлгандан кейин жиндек юк ҳам оғирлик қилар экан.

Мишка. Амаки, генерал қачон келади?

Осип. Қанақа генерал?

Мишка. Хўжайингиз-чи.

Осип. Хўжайинимми? Хўжайиним генерал эмишми?

Мишка. Генерал эмасми?

Осип. Генералликка генерал-ку, лекин бошқачароқ генерал.

Мишка. Қанақа генерал, чинакам генералдан каттароқми, кичкинароқми?

Осип. Сал каттароқ.

Мишка. Ҳ қурғур-ей! Шунинг учун уйимиз алғовдалғов бўлган экан-да.

Осип. Менга қара, ука эпчилгина болага ўхшайсан, овқат-повқатнинг ҳаракатини қилсанг-чи.

Мишка. Сизга атаган овқатимиз ҳали пишгани йўқ, амаки. Бундайроқ овқатни емайсиз, хўжайинингиз келгандан кейин сиз ҳам ўша овқатдан ейсиз.

Осип. Бундайроқ овқатдан нима бор?

Миша. Карам шўрва, бўтқа, сомса бор.

Осип. Олиб кел, ўша карам шўрва, бўтқа, сомсангни. Майли, борига барака. Чамадонни олиб кириб қўяйлик. У ёқда бошқа эшик борми?

Мишка. Бор.

Иккови чамадонни нариги уйга олиб киришади.

Миршаблар дарвозанинг икки палласини очишади. Хлестаков киради. Унинг кетидан Ҳоким, худойихоналар мутасаддиси, мактаблар нозири, Добчинский ва бурнига малҳам ёпиштирган Бобчинский. Ҳоким йўлда ётган қоғозни миршабларга кўрсатади. Иккала миршаб югуриб, бир-бирини итариб, қоғозни ердан олади.

Хлестаков. Худойихоналаринг яхши экан. Яхши одатларинг бор экан, йўловчиларга шаҳарларингни кўрсатар экансизлар. Бошқа шаҳарларда менга ҳеч нарсани кўрсатишгани йўқ.

Ҳоким. Бошқа шаҳарларда, тўрам, шаҳар ҳокимлари ва мансабдорлар кўпроқ ўзларини, яъни ўз манфаатларини кўзлайдилар, бу ердагилар эса ҳалол хизмат ва ҳушёрлик билан улуғларнинг илтифотига сазовор бўлишдан бошқа нарсани ўйлашмайди.

Хлестаков. Овқат жуда яхши бўлган экан, бўкиб қола ёздим. Ҳар куни шунақа яхши овқат ейсизларми?

Ҳоким. Бугун азиз меҳмон шарофатлари билан шундоқ бўлган эди.

Хлестаков. Жон-дилим овқат. Киши деган дунёда ҳузур-ҳаловат гулини тергани яшайди-да. Ҳалиги қанақа балиқ эди?

Артёмий Филиппович (югуриб унинг олдига боради). Лабардан, тўрам.

Хлестаков. Жуда ширин экан-да. Қаерда овқат едик, касалхонадами?

Артёмий Филиппович. Шундоқ, тўрам, касалхонада.

Хлестаков. Ҳа, ҳа, каравотлар турган эди. Касаллар тузалиб чиқиб кетишганми? Касал оз эди шекилли?

Артёмий Филиппович. Бирон ўнта касал қолган холос. Бошқа ҳаммаси тузалиб чиқиб кетган. Бизда тартиб шунақа. Мен мутасаддиликни ўз қўлимга олганимдан бери — эҳтимол сизга фавқулодда туюлар, касаллар

пашпадай тузалишаётибди. Касал касалхонага қадам қўйиши биланоқ, тузалади қолади. Дори-дармондан ҳам кўра тартиб ва покизалик кўпроқ даво бўлаётибди.

Ҳ о к и м. Мен сизга айтсам, шаҳар ҳокими бўлишдан мушкулроқ нарса йўқ. Биргина покизалик, шикаст-рехт ва бошқа нарсаларнинг ўзи бир дунё иш. Энг ақлли одам ҳам шошиб қолади. Лекин, худога шукур, ҳамма иш жойида бўлиб турибди! Бошқа ҳоким бўлганда, албатта, ўз фойдасини кўзлар эди, лекин мен, ишонинг-ишонманг, кечаси кўрпага кирганимда ҳам: Э, худо, қандоқ қилсам улуғлар менинг жон куйдирганимни кўриб рози бўлишар экан деб ўйлайман. Улуғлар мукофот беришадими, йўқми—ўзлари билишади, лекин ҳеч бўлмаганда кўнглим тинчийди-ку. Шаҳар озода бўлса, кўчаларга сув сепиб турилса, маҳбусларга яхши қаралса, арақхўрлар кам бўлса... Менга бошқа нима керак? Ҳеч қандай мартабанинг кераги йўқ. Албатта, одамнинг ҳаваси келади, лекин савоб бўлган жойида бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ.

А р т ё м и й Ф и л и п п о в и ч (*четга*). Бу такасалтанг ўзини мунча мақтамаса! Худо хўп тил берган экан-да.

Х л е с т а к о в. Рост айтасиз. Ростини айтсам, ўзим ҳам баъзан наср билан, баъзан назм билан иш қилиб тураман.

Б о б ч и н с к и й (*Добчинскийга*). Тўғри, тўғри, Пётр Иванович. Гапини кўрдинг, хийла илмли одамга ўхшайди.

Х л е с т а к о в. Менга қаранг, шаҳарларингда дилхушлик қиладиган, карта-парта ўйнайдиган бирон жой йўқми?

Ҳ о к и м (*ўзича*). Эҳе, бу гапни кимга тегизиб айтаётганлигини биламиз (*баралла*). Бизнинг шаҳарда бунақа ишлар бўлмайди. Менинг ўзим умримда қўлимга карта олган одам эмасман: карта ўйинини билмайман ҳам. Картани кўрсам жиним қўзғайди. Битта-яримта гиштин шохи-гами, бошқасигами кўзим тушиб қолса, кўнглим озади. Бир куни болаларни ўйнатиб ўтириб картадан уй ясаган

эдим, ўша кечаси тонг отгунча ёмон тушлар кўриб чиқдим. Афти қурсин. Наинки одам азиз умрини картага сарф қилса!

Л у к а Л у к и ч (*ўзича*). Вой аблаҳ-ей, ўтган куни картада юз сўмимни ютиб олган эди-я.

Ҳ о к и м. Картага сарф қиладиган умримни ҳукумат фойдасига сарф қилганим яхши эмасми?

Х л е с т а к о в. Йўқ, сиз жуда ҳам унақа... гап ҳар нарсига қандай кўз билан қарашда... Омад кетганда, албатта, карта деган нарса... Йўқ, карта ҳар қалай қизиқ ўйин.

VI МАЖЛИС

Шулар, Анна Андреевна билан Марья Антоновна.

Ҳ о к и м. Каминангизнинг оиласи: хотиним, қизим.

Х л е с т а к о в (*таъзим қилиб*). Илтифотингизга сазовор бўлганим учун хурсандман, хоним.

А н н а А н д р е е в н а. Биз сизнинг илтифотингиздан кўпдан-кўп хурсандмиз.

Х л е с т а к о в. Йўқ, хоним, аксинча, мен кўпдан-кўп хурсандман.

А н н а А н д р е е в н а. Наҳот шундоқ бўлса! Кўнглимиз учун шундоқ десангиз ҳам қуллуқ. Марҳамат қилсинлар, ўтирсинлар.

Х л е с т а к о в. Сизнинг ёнингизда тикка туришнинг ўзи ҳам давлат; ўтир десангиз, майли, ўтирай. Сизнинг ёнингизда ўтиришга муяссар бўлганим учун бахтлиман.

А н н а А н д р е е в н а. Кечирасиз, мен бундай гапларга арзимамайман... Пойтахтдан чиқиб бунчалик йўл юриш сизга жуда оғир тушгандир.

Х л е с т а к о в. Жуда-жуда. Киборлар доирасида бўлган одам, *Comptenez vous*¹ бирдан сафарга чиқиб қолса, қийналар экан; хуллас тракторлар, жаҳолат... Агар тақдир менга шу ҳолни насиб қилмаганда... Мана (*Анна Андреевнага қараб таъзим қиладиган*) ҳордигим чиқди.

А н н а А н д р е е в н а. Чиндан қийналгандирсиз.

¹ Биласизми.

Х л е с т а к о в. Лекин ҳозир жуда роҳат қилиб ўтирибман.

А н н а А н д р е е в н а. Йўғ-е! Бизни жуда ҳам осмонга кўтариб юбордингиз. Мен бунга лойиқ эмасман.

Х л е с т а к о в. Нега лойиқ эмас экансиз? Лойиқсиз, хоним.

А н н а А н д р е е в н а. Мен қишлоқда тураман...

Х л е с т а к о в. Ҳа, қишлоқнинг ҳам ўзига яраша фазилятлари бор... Албатта. Петербургга солиштириб бўлмайдику-я. Э, Петербург! Нимасини айтасиз! Сиз балки мени маҳкамада хат кўчириб ўтирадиган бирон мирза деб ўйларсиз, йўқ, маҳкама бошлиғи қалин ўртоғим бўлади. Баъзан елкамга шундай қўлини ташлайди-ю: «бизникига обедга келгин» деб қолади. Мен маҳкамага «уни ундоқ қил, буни бундоқ қил» дегани бир кириб чиқаман холос. Ҳамма хатни мирза ёзади. Қаламини тириллатгани-тириллатган. Мени коллежский ассесор қилмоқчи бўлишган эди, кўнмадим — нима кераги бор? Маҳкаманинг зинасида қоровул мени кўриб қолса чўткасини олиб орқамдан югуради, «ижозат беринг, Иван Александрович, этигингизни чўткалаб қўяй» дейди (*ҳокимга*). Нега тикка турибсизлар, жаноблар, марҳамат қилинглар, ўтиринглар.

Бир вақтда {
Х о к и м. Мансабимиз унча дегулик эмас, тикка турсак ҳам бўлаверади.
А р т ё м и й Ф и л и п п о в и ч. Майли, тикка турамиз
Л у к а-Л у к и ч. Ташвиш тортмасинлар.

Х л е с т а к о в. Мансабга қарамаглар, марҳамат, ўтиринглар. (*Ҳоким ва бошқалар ўтиришади.*) Такаллуфга ҳушим йўқ. Ҳамма вақт кўзга кўринмасликка тиришаман, лекин ҳеч бўлмайди, бари бир кўришади. Бирон жойга чиқдимми — бас, дарров «ана, Иван Александрович кел-яптилар» дейишади. Бир куни мени бош қўмондон деб ўйлашибди: солдатлар гауптвахтдан югуриб чиқиб милтиқ

билан чест беришса бўладими! Кейин бир таниш офицер: «Биз сени бош қўмондон деб ўйлабмиз-а» деди.

А н н а А н д р е е в н а. Буни қаранг-а.

Х л е с т а к о в. Мени ҳамма танийди... Чиройли артисткалар билан танишман. Мен ҳар хил томоша асарлари... адиблари тез-тез кўриб тураман. Пушкин билан орамиздан қил ўтмайди. Баъзан: «Хўш, оғайним, Пушкин, аҳвол қалай?» десам, «Ёмон эмас, оғайни» дейди. Ўзи ҳам жуда ғалати одам-да.

А н н а А н д р е е в н а. Сиз ёзиб ҳам турасизми? Ёзувчилик ҳам яхши ҳунар. Журналларга ҳам ёзиб турсангиз керак?

Х л е с т а к о в. Ҳа, журналларга ҳам ёзиб тураман. Кўп асар ёзганман: «Фигаронинг уйланиши», «Роберт Дьявол», «Норма». Баъзиларининг оти эсимда ҳам йўқ. Асли ёзувчи ҳам эмас эдим-ку, лекин театрнинг директори ҳол-жонимга қўймай: «Бир нарса ёзиб бермасанг бўлмайди, оғайни» деб туриб олди. «Хайр, ёзсам ёза қолай» деб ҳаммасини бир кечада ёздим-у, одамларнинг оғзини очиб қўйдим. Зеҳним жуда ўткир. Барон Брамбеус номи билан чиққан ҳамма китоблар, «Фрегат Надежда», «Московский телеграф»... ҳаммасини мэн ёзганман.

А н н а А н д р е е в н а. Ўша Брамбеус сизмисиз?

Х л е с т а к о в. Бўлмаса-чи, ҳаммасининг мақоласини мэн ўзим тузатиб бераман. Хизматимга Смирдин қирқ минг сўм беради.

А н н а А н д р е е в н а. Ундоқ бўлса «Юрий Милославский» ни ҳам сиз ёзган экансиз-да?

Х л е с т а к о в. Ҳа мэн ёзганман.

А н н а А н д р е е в н а. Мэн буни ҳозир пайқадим.

М а р ь я А н т о н о в н а. Онажон, бу китоб жаноб Загоскин асари деб ёзилган-ку?

А н н а А н д р е е в н а. Шу ерда ҳам гап қайтарасан деб турган эдим.

Х л е с т а к о в. Ҳа, ҳа, тўғри, тўғри, бу асар Загоскин-ники. Бошқа бир «Юрий Милославский» деган асар бор. Буниси меники.

А н н а А н д р е е в н а. Ҳа, мен сизникини ўқиганман. Жуда ҳам яхши ёзилган-да.

Х л е с т а к о в. Ростини айтсам адабиёт билангина тирикман. Менинг уйим Петербургда биринчи уй. Иван Александровичнинг ҳовлиси десангиз ҳамма билади. (*Ҳаммага.*) Петербургга бориб қолсаларинг марҳамат қилинглар, киринглар. Мен ҳам бал бериб тураман.

А н н а А н д р е е в н а. Сиз берадиган бал унча-мунча бал бўлмас дейман.

Х л е с т а к о в. Нимасини айтасиз. Столда, масалан, тарвуз, етти юз сўмлик тарвуз: шўрва тўппа-тўғри Париждан биқирлаб қайнаб турган ҳолда қозони билан пароходда олиб келинган бўлади. Қозоннинг қопқоғи кўтарилса шундай буғи чиқадики, табиат оламида бундай буғни ҳеч ким кўрган эмас. Мен ҳар куни балда бўламан. Карта ўйнайдиган улфатларим кўп: бири ташқи ишлар министри, бири француз сафири, бири Англия сафири, бири немис сафири ва ҳоказо. Карта ўйнаб шундоқ ҳам чарчайманки, нимасини айтасиз. Тўртинчи қаватга аранг чиқаман-у оқсочимга: «Ма, Маврушка, шинелимни ол» дейишга зўрға дармоним етади. Э, э, эсимдан чиқибди, иккинчи қаватда тураман. Битта зинадан чиқаман холос. . . Эрталаб мен ҳали уйқудан турмасимдан бурун меҳмонхонамни кўрсангиз: графлар, князлар гиж-гиж бўлиб ўтиришади; аридай гўнғиллашгани-гўнғиллашган . . . Баъзан министр ҳам келади. (*Ҳоким ва бошқалар ўти ёрилиб, ўринларидан туришади.*) Менга юборилган хатларнинг устига ҳам: «жаноб олийларига» деб ёзишади. Бир вақт ҳатто департаментни ҳам бошқарганман. Қизиқ: директор кетиб қолди, қаёққа кетгани маълум эмас. Турган гап, бу ўринга ким ўтиради деб шов-шув бўлиб қолди. Кўп генераллар талабгор

бўлиб келди-ю, лекин ҳеч қайсиси уддасидан чиқолмади. Четдан қараганда осон кўринади-ю, лекин, ҳақиқатда қийин иш. Ҳеч ким удда қилолмагандан кейин менга муржаат қилишди. Курьер кетидан курьер, курьер кетидан курьер, қани энди кети узилса. Уттиз беш минг курьер келса бўладими! Ўзи нима гап деб сўрадим. «Иван Александрович, марҳамат қилиб департаментни бошқаринг» дейишди. Ростини айтсам бир оз шошиб қолдим; устимда халат, чиқиб, «йўқ» демоқчи бўлдим-у, лекин подшонинг қулоғига етиб қолса деб, «ҳа, майли, афандилар, қабул қилсам қабул қила қолай, лекин билиб қўйинглар, менинг қулоғим динг мен иш бошида бўлганимдан кейин ундай бундай гаплар бўлмаслиги керак» дедим. Ҳақиқатан ҳам департаментдан шундай ўтсам, худди зилзила бўлгандай, ҳамма дағ-дағ титрарди. (*Ҳоким ва бошқалар кўрқиб қалтирашади. Хлестаков қизишиб кетади.*) Мен ҳазил-пазилни билмайман. Ҳаммасига зарбимни ўтказиб олганман. Мендан давлат кенгаши ҳам кўрқади. Ҳа, нима? Шундоқ одамман ўзим. Мен ҳеч кимни риоя қилмайман. Ҳаммага: «ўзимни ўзим биламан, ўзим» дейман. Ҳеч қаерда, ҳеч иш менсиз битмайди. Саройга ҳар куни бориб тураман. Хоҳласам эртага фельдмаршал бўламан. (*Сидирилиб ерга йиқилай деганда, бошқалар ҳурмат билан тутиб қолишади.*)

Ҳ о к и м (*титраб-қалтираб*). Ж-ж-ж-ж. . .

Х л е с т а к о в (*кескин товушда*). Нима дейсиз?

Ҳ о к и м. Жа. . . Жа. . . Жа. . .

Х л е с т а к о в (*ҳамон ўшандай товуш билан*). Тушунолмадим, қўйсангизчи.

Ҳ о к и м. Жа-жа-жаноб олийлари, бир оз дам олмайдиларми? Мана уй, ҳамма нарса тахт.

Х л е с т а к о в. Қўйсангиз-чи. Майли, дам олсам ола қолай. Овқатларинг жуда яхши бўлган экан, маза қилдим. . . (*Декламация қилиб.*) Лабардан! Лабардан (*ён то-*

мондаги уйга киради, унинг кетидан Ҳоким ҳам киради).

VI МАЖЛИС

Хлестаков билан Ҳокимдан бошқа ҳамма.

Бобчинский (Добчинскийга). Одам деган мана бундоқ бўлибди, Пётр Иванович. Ана буни одам десанг бўлади. Умримда бундай катта одамнинг суҳбатида бўлган эмас эдим, юрагим ёрилиб ўлаёздим. Қани, Пётр Иванович, айтинг, бу одам мансаб жиҳатидан ким бўлса, экан?

Добчинский. Менимча генерал бўлса керак.

Бобчинский. Йўқ, менимча генерал бунинг патига ҳам арзимади; агар генерал бўлса генералиссимусдан кам эмас. Давлат кенгашини болаганини эшитдингизми? Юринг, тезроқ бориб Аммос Фёдорович билан Коробкинга айтايлик. Хайр, Анна Андреевна.

Добчинский. Хайр, азизим.

Иккови чиқиб кетади.

Артёмий Филиппович (Лука Лукичга). Юрагим ёрилгундай бўляпти, лекин нимадан қўрқаётганимни ўзим ҳам билмайман. Мундиримизни ҳам киймабмиз. Уйқудан туриб Петербургга маълум қилса нима бўлади? (Мактаб нозири билан бирга уйдан чиқиб кетади.) Хайр, бекам!

VII МАЖЛИС

Анна Андреевна, Марья Антоновна.

Анна Андреевна. Зап одам экан-да.

Марья Антоновна. Асти қўйинг.

Анна Андреевна. Назокатини қара-я. Пойтахтдан келган одамлиги шундоққина кўриниб турибди. Турган-битгани фазилат-а... Ҳай, ҳай! Шундай йигитларга жонингни қоқсанг ҳам арзийди. Буткул маҳлиё бўлиб қолдим. Лекин мен ҳам унга ёқиб қолдим: зеҳн солсам, ҳадеб менга қарайди.

Марья Антоновна. Вой, онажон, менга қаради-ку.

Анна Андреевна. Беҳуда гапингни қўй, ҳозир ҳеч ўрни эмас.

Марья Антоновна. Йўқ, онажон, рост, менга қаради.

Анна Андреевна. Яна гап қайтаради-я! Гап ташламасанг кўнглинг жойига тушмайди. Бас! Нега сенга қарар экан? Нима қилади қараб?

Марья Антоновна. Қаради, кўп қаради, адабиётдан гап бошлаганда қаради, сафирлар билан карта ўйнагани тўғрисида гапирганда ҳам қаради.

Анна Андреевна. Бирон марта қараган бўлса қарагандир, лекин ўшанда ҳам шунчайики «бир қараб қўйайчи» дегандир-да.

IX МАЖЛИС

Ушалар ва Ҳоким.

Ҳоким (оёқ учида юриб киради). Жим...

Анна Андреевна. Нима?

Ҳоким. Ичирганимга ҳам пушаймонман. Уша гапирган гапларининг ярми рост бўлганида ҳам, биласанми, нима бўлади? (Уйланади.) Рост бўлмай нима бўлади? Ичкилик одамнинг ичидагини сиртига чиқаради. Унча-мунча ёлғони ҳам бор-ку, лекин гап бўлгандан кейин ичида ёлғони ҳам бўлади-да. Министрлар билан карта ўйнаса, саройга бориб турса... Худо ҳақи ўйлаган сайин бошим говлайди. Худди ё жар ёқасида, ё дор остида турганга ўхшайман.

Анна Андреевна. Мен ҳеч қўрққанам йўқ. Менинг назаримда ўқиган, кибор, олий мақом бир одам холос, мансаби билан нима ишим бор.

Ҳоким. Хотин бўлганингдан кейин шу-да! Шунақа бўлмасаларинг хотин бўлармидиларинг. Сизларга шунақа гаплар бўлса бас. Тўсатдан қаёқдаги бемаъни гапни гапи-

риб қўясизлар. Сизларга ҳеч гап йўқ, балога биз эркаклар қоламиз. Сен у билан мунча ёйилиб гаплашасан, нима у сенга, Добчинскиймиди?

А н н а А н д р е е в н а. Бу тўғрида менга ўргатмай қўя қолинг, биз ҳам унча-мунча биламиз (*қизига қарайди*).

Ҳ о к и м (*ўзича*). Сизларга гап уқтириб бўладими: бошга битган балосизлар. Қўрққанамдан ҳали-ҳали ўзимга келолмайман (*эшикни очиб ичкарига*) Мишка! Миршабларни — Свистунов билан Держимордани чақир. Шу ерда, дарвозанинг олдида бўлса керак (*бир оз жимликдан сўнг*). Ажаб замона бўлди-да: савлатлироқ бир одам бўлса ҳам гўрга экан—ориқ, мижғов одам бўлса, қаёқдан биласан унинг кимлигини. Ҳарбий кийимда бўлса-ку хайр, лекин фрак кийиб олса худди қаноти юлинган пашшадай бўлади қолади. Тракторда ҳам хўп ўзини сипо тутди, шунақаям киноялар қилдики, икки дунёда бунинг тагига етолмайсан; мана энди очилди кетди, керагидан ҳам ортиқроқ лақиллаб қўяди. Ёш-да!

Х М А Ж Л И С

Уш а л а р в а О с и п. Бармоғи билан имо қилиб ҳамма унга томон югуради.

А н н а А н д р е е в н а. Бу ёққа кел, жигарим!

Ҳ о к и м. Жим. . . Нима? Нима? Ухлаб ётибдими?

О с и п. Йўқ, керишяпти.

А н н а А н д р е е в н а. Менга қара, отинг нима?

О с и п. Осип, хоним.

Ҳ о к и м (*қизи билан хотинига*). Бўлди, бўлди, бас. (*Осипга*.) Хўш, дўстим, қорнингни яхшилаб тўйғизишдими?

О с и п. Ҳа, жуда тўйдим, қуллуқ.

А н н а А н д р е е в н а. Ҳой менга қара, хўжайинингнинг олдида графлар, князлар кўп келишадими?

О с и п (*четга*). Нима десам экан. Ҳалитдан шунча овқат беришса, бундан кейин яна ҳам кўпроқ беришар (*баралла*). Ҳа, графлар ҳам келиб туришади.

М а р ь я А н т о н о в н а. Осип, жонгинам, хўжайининг мунча ҳам яхши одам экан!

А н н а А н д р е е в н а. Ҳой, менга қара, Осип, хўжайининг ўзи. . .

Ҳ о к и м. Э, қўйсаларинг-чи! Қаёқдаги беҳуда гаплар билан мени ишдан қўйманглар. Хўш, дўстим?

А н н а А н д р е е в н а. Хўжайининг қанақа мансабада.

О с и п. Қанақа мансабада бўлар эди.

Ҳ о к и м. Оббо, шу бемаъни гапларингни қўясизларми, қўймайсизларми? Гапни гапга қўшмайсизлар-а! Хўш, дўстим, хўжайининг қалай? Қаттиққўлми? Одамларни қовуриб турадими?

О с и п. Ҳа, тартибни яхши кўради, ҳар иш вақтида, ҳар нарса жойида бўлсин дейди.

Ҳ о к и м. Сен менга жуда ёқиб қолдинг. Яхши одам бўлсанг керак, дўстим. Хўш. . .

А н н а А н д р е е в н а. Менга қара, Осип, хўжайининг Петербургда мундир кийиб юрадими?

Ҳ о к и м. Бўлди энди, мунча шақиллайсан. Бу ерда одамнинг ҳаёт-мамоти тўғрисида гап кетяпти (*Осипга*). Менга ҳам ёқиб қолдинг, дўстим. Мана бу икки сўлковойни ол, йўлда чой-пой ичиб кетарсан.

О с и п (*пулни олиб*). Қуллуқ, тўрам. Умрингиз узоқ бўлсин. Бир камбағални хурсанд қилдингиз.

Ҳ о к и м. Бўпти, бўпти, ўзим ҳам хурсандман. Қани, айт-чи, дўстим. . .

А н н а А н д р е е в н а. Менга қара, Осип, хўжайинингга қанақа кўз ёқади.

М а р ь я А н т о н о в н а. Осип, жонгинам, хўжайинингни бурни мунча ҳам чиройли экан.

Ҳ о к и м. Гапни-гапга қўшасизларми, йўқми? (*Осипга*.) Хўжайининг кўпроқ нимага эътибор қилади, яъни йўлда унга нима кўпроқ маъқул бўлади.

О с и п. Нима зеҳнига ёқса ўша маъқул бўлади. Яхши кутиб олинса, яхши зиёфат қилинса яна ҳам маъқулроқ бўлади.

Ҳ о к и м. Яхши зиёфат дедингми?

О с и п. Ҳа. Мен бир крепостной одам бўлсам ҳам менадан хабардор бўлиб туради. Худо ҳақи! Бирон жойга борсак дарров «хўш, Осип, қорнингни яхшилаб тўйғизишди-ми» деб сўрайди. «Йўқ, хўжайин» десам, «э, Осип, бу ярамас одам экан, Петербургга борганимиздан кейин эсимга сол» дейди. «Э, дейман ўзимча (*қўл силтаб*), мен бир тўпори одамман, қўй, нима қиламан эсига солиб» дейман қўяман.

Ҳ о к и м. Яхши, яхши, гапинг маъқул. Мен сенга ҳали чой пули берган эдим, мана бунга нон олиб егин.

О с и п. Нима ваядан пул беряптилар, тўрам? (*Пулни чўнтагига солади.*) Майли, соғлиқлари учун ичарман.

А н н а А н д р е е в н а. Менинг олдимга кир, мен ҳам пул бераман.

М а р ь я А н т о н о в н а. Осип, жонгинам, хўжайининг-ни ўпиб қўй.

Нариги уйда Хлестаков секин йўталади.

Ҳ о к и м. Жим... (*Оёқ учида туради. Ҳамма шивирлаб гапирди.*) Ҳай, ҳай, товуш чиқара кўрманглар. Боринглар, уйга киринглар, бас...

А н н а А н д р е е в н а. Юр, Машенька. Мен меҳмоннинг бир нарсасини пайқадим, буни ўзимиздан бошқа ҳеч ким эшитмаслиги керак.

Ҳ о к и м. Ҳа, энди буларга худо берди. Буларнинг гапини бир эшитсанг, қайтиб эшитишни орзу қилмайсан. (*Осипга қараб.*) Қани, дўстим...

Ҳ о к и м. Жим! Айиққа ўхшамай ўлинглар, мунча тарақлатасизлар! Аравадан қирқ пудлик юк ташлаётгандай-а! Қаёқда лақиллаб юрибсизлар?

Д е р ж и м о р д а. Амрингизни бажо келтиргани борган эдим...

Ҳ о к и м. Жим! (*Унинг оғзини беркитади.*) Қарғадай қагилламай ўл! (*Масхара қилиб.*) Амримни бажо келтиргани борган эмиш! Бўш бочкага ўхшаб, сал тегсанг гумбурлайди. (*Осипга.*) Хўп, дўстим, сен чиқиб хўжайинга керакли нарсаларни тайёрла. Нима керак бўлса сўрайбер (*миршабларга*). Сизлар эшик олдида ҳеч қаёққа жилмай туринглар, бегона одамни, айниқса савдогарларни уйга йўлатманглар. Агар биронтасини киргизадиган бўлсаларинг... Агар бирон одам менинг устимдан ариза кўтариб келса ё ариза кўтариб келганга ўхшаб қолса, дарров грибонидан тутиб (*оёғи билан кўрсатади*). Мана бундоқ қилиб бопланглар. Фаҳмладиларингми? Жим... Жим... (*Миршабларнинг кетидан оёқ учида юриб чиқиб кетади.*)



ТҮРТИНЧИ ПАРДА

ҲОКИМНИНГ ҲОВЛИСИДАГИ УША УЙ.

И М А Ж Л И С

Оёқ учида секин юриб Аммос Фёдорович, Артёмий Филиппович, почта мудир, Лука Лукич, Бобчинский билан Добчинскийлар мундир кийиб, ясаниб киришади.
Ҳамма шивирлаб гапиришади.

Аммос Фёдорович (*ҳаммани қатор қилиб*). Жаноблар, худо ҳақи тезроқ қатор бўлинглар, тартиб билан туринглар. Эшитдиларинг-ку. Саройга бориб турар экан, давлат кенгашига дўқ қилар экан. Ҳарбийча саф тортинглар. Сиз, Пётр Иванович, мана бу ёққа ўтинг. Сиз, Пётр Иванович, мана бу ерда туринг.

Иккала Пётр Иванович оёқ учида чопишади.

Артёмий Филиппович. Ўзингиз биласиз, Аммос Фёдорович, баъзи бир тадбирлар кўришимиз керак эди.

Аммос Фёдорович. Қанақа тадбирлар?

Артёмий Филиппович. Қанақа тадбирлар бўлар эди?

Аммос Фёдорович. Пича-пича узатсак дейсизми?

Артёмий Филиппович. Ҳа-ҳа. Бир нарса узатайлик.

Аммос Фёдорович. Қандай бўлар экан? Подшодлик одам, бақириб бермасин тагин. Бирон ҳайкал ўрнатгани дворянлар номидан иона деб берилсамикин.

Почта мудир. Ёки почтага эгаси йўқ пул келган экан деб берайликми?

Артёмий Филиппович. Эҳтиёт бўлинг, тагин ўзингизни почтага солиб бирон ёққа бадарға қилмасин. Яхши ҳукумат барпо бўлган мамлакатда бунақа ишлар эсон эмас. Нега ҳаммамиз бу ерга тўпландик? Яхшиси

битта-битта кўринайлик... Нима гап бўлса ҳам орада қолсин, биров эпитмасин. Яхши одамлар ишни мана шундай қилади. Қани, сиз бошланг, Аммос Фёдорович.

Аммос Фёдорович. Сиз бошлай қолинг, ҳурматли меҳмон аввал сизнинг тузингизни татиди.

Артёмий Филиппович. Бўлмаса бу ишни ёшларга маърифат тарқатадиган Лука Лукич бошлай қолсинлар.

Лука Лукич. Йўқ, йўқ, жаноблар. Мен шундай тарбия кўрганманки, катта мансабдорга рўпара бўлсам юрагим орзиқиб, тилим тутилиб қолади. Йўқ, жаноблар, мени тинч қўйинглар.

Артёмий Филиппович. Сиздан бошқа ҳеч ким бу ишни эплотмайди, Аммос Фёдорович. Гапни сиздан бошқа бошлайдиган одам йўқ. Гапда нақ Цицерон бўлиб кетасиз.

Аммос Фёдорович. Қўйсангиз-чи, унчалик эмас. Гапингизни қаранг-у! Цицерон эмиш! Мен хонаки ёки исковуч ит тўғрисида гапни бошлайман холос.

Ҳамма. Йўқ, сиз фақат ит тўғрисида эмас, ҳамма гапни ҳам бошлайсиз. Қўйинг, Аммос Фёдорович, бизга бир оталик қилинг. Йўқ, Аммос Фёдорович.


Аммос Фёдорович. Қўйсаларинг-чи, жаноблар.

Шу пайт Хлестаков ётган уйдан оёқ шарпаси ва йўтал эшитилади. Ҳамма бир-бирини итариб эшикка томон боради ва ҳар қайсиси ичкарида нима бўлаётганини кўришга ошиқади. Шивирлаган нидолар эшитилади.

Бобчинский (*товуши*). Вой, Пётр Иванович, оёгимни босиб олдингиз.

Земляника (*товуши*). Ҳой, жаноблар, қисиб ўлдирдиларинг-ку, нари турсаларинг-чи!

Бир неча киши вой-войлайди. Ниҳоят ҳамма чиқиб уй бўш қолади.



Земляника.

Хлестаков (*уйқудан турган, ўзи ёлғиз чиқади*). Анчагина ухлабман-да. Шунча парқу ёстиғу, парқу тўшакни қаёқдан топишибди экан? Терлаб кетибман-а. Кеча нонушта маҳалида менга бир нарса ичирган бўлса керак—ҳали ҳам бошим оғриятти. Бу ер хўп ўйнаб-куладиган жойга ўхшаб қолди. Хурсандчиликни кўп яхши кўраман-да. Ростини айтсам биров бегараз кўнглимни олса жуда-жуда хурсанд бўламан. Ҳокимнинг қизи чакки эмас экан, лекин онаси ҳам ҳали хийла таранг... Менга мана шунақа маишат бўлса.

III МАЖЛИС

Хлестаков билан Аммос Фёдорович.

Аммос Фёдорович (*киради, ўзича*). Илоҳим шу ердан эсон-омон чиқай-да. Тиззаларим букилиб кетяпти. (*Ўйдаиб, бир қўли билан қиличини ушлаб банд овоз билан*.) Ижозат берсалар ўзимни танитай: шу ердаги уезд судининг судьяси коллежский ассесор Ляпкин-Тяпкин.

Хлестаков. Марҳамат қилинг, ўтиринг. Судьямиз сиз?

Аммос Фёдорович. Саккиз юз ўн олтинчи йилда дворянларнинг хоҳиши билан уч йил муддатга судья қилиниб сайланган эдим, ҳозиргача ишлаб юрибман.

Хлестаков. Судьялик ҳам ёмон иш бўлмаса керак, дейман?

Аммос Фёдорович. Уч йилдан уч муддат хизмат қилганим учун бошлиқлар мени тўртинчи даражали Владимир нишонига тақдим қилишган. (*Четга*.) Қўлимдаги пул кафтимни ёндириб юборяпти.

Хлестаков. Владимир нишонини мен ҳам яхши кўраман. Учтинчи даражали Анна нишони унчалик эмас.

Аммос Фёдорович (*пул тутган қўлини бир оз олдинга чўзиб ўзича*). Худо-ей, қаерда турганимни билмайман. Худди чўғда турганга ўхшайман.

Хлестаков. Қўлингиздаги нима?

Аммос Фёдорович (*гаранг бўлиб, пулни ерга тушириб юборади*). Ҳеч нима...

Хлестаков. Ҳеч нима? Пул тушиб кетди-ку?

Аммос Фёдорович (*вужуди титраб*). Йўқ, йўқ. (*Четга*.) Оббо худо урди. Судга кетдим. Олиб кетгани арава ҳам келаётгандир.

Хлестаков (*пулни ердан олади*). Бу пул-ку?

Аммос Фёдорович (*ўзича*). Тамом, иш расво бўлди, хароб бўлдим.

Хлестаков. Менга қаранг, шу пулни менга қарз бериб туринг.

Аммос Фёдорович (*шошиб*). Хўп, хўп... Жоним билан. (*Четга*.) Дадилроқ бўлсамчи-я! Ё худо! Ё азиз-авлиёлар, мадад қилинглар.

Хлестаков. Биласизми, йўлда харажатим кўпайиброқ кетди... Қишлоққа боришим билан юбораман.

Аммос Фёдорович. Ҳожати йўқ. Юбормасангиз ҳам бошимиз осмонга етади. Албатта, ожиз бўлсам ҳам, бор кучим ва ихлос билан улуғларга... хизмат қилишга ҳаракат қиламан. (*Урндан туради ва ўйдаиб*.) Мен жанобларини нотинч қилмай. Бирон амр-фармонлари йўқми?

Хлестаков. Қанақа амр-фармон?

Аммос Фёдорович. Уезд судига бирон амр-фармон бермайдиларми демоқчиман.

Хлестаков. Нега? Менга ҳеч ҳожати йўқ. Ташаккур. Аммос Фёдорович (*таъзим қилиб кетар экан, чет-а*). Тамом, шаҳар бизники.

Хлестаков (*судья чиқиб кетгандан кейин*). Судья мон одам эмас экан.

IV МАЖЛИС

Хлестаков билан почта мудир и (эгнида мундир, қиличини тутган қолда гўдайиб киради).

Почта мудир и. Ижозат берсалар ўзимни танитай: почта мудир и надворний советник Шпекин.

Хлестаков. Марҳамат. Яхши одамларнинг суҳбати-и ёқтираман. Ўтиринг. Сиз бу ерда кўпдан бери турасиз-и?

Почта мудир и. Ҳа, тўрам.

Хлестаков. Шаҳарларинг менга ёқиб қолди. Одам зликка оз-ку, лекин, нима қипти, пойтахтмиди? Нима дедингиз?

Почта мудир и. Рост айтадилар.

Хлестаков. Фақат пойтахтда назокатли одамлар бўлади. Тўқим табиат провинциал одамлар бўлмайди. Шундай эмасми?

Почта мудир и. Шундай, тўрам. (*Четга.*) Мутаккабир одам эмас экан: ҳар қанақа гапни гапиришаверар экан.

Хлестаков. Лекин кичкина шаҳарда ҳам яхши маиат қилса бўлар экан, шундай эмасми?

Почта мудир и. Шундай, тўрам.

Хлестаков. Менимча одамга нима керак? Иззат-урмат, самимий муҳаббат керак. Нима дедингиз?

Почта мудир и. Ҳақ гап.

Хлестаков. Сиз ҳам менинг фикримда экансиз. Хурандман. Баъзилар мени ғалати одам дейишади, лекин тенинг феълим шу. (*Унинг кўзига қараб ўзича.*) Қани, бир оз қарз сўраб кўрай-чи. (*Баралла.*) Кўп қизиқ иш бўлди-да:

йўлда харажат кўпайиб кетди. Менга уч юз сўмгина қарз топиб беролмайсизми?

Почта мудир и. Нега бера олмас эканман, мендан пул сўрайсиз-у бошим осмонга етмайдими? Мана, марҳамат қилсинлар, хизматингизга тайёрман.

Хлестаков. Қуллуқ. Ростини айтсам йўлда пулни аямайман, аяшнинг нима ҳожати бор? Нима дедингиз?

Почта мудир и. Рост айтадилар. (*Ўрнидан туради, гўдайиб қиличини ушлайди.*) Энди сизни нотинч қилмай. . . Почта хусусида бирон гаплари йўқми?

Хлестаков, Йўқ, йўқ.

Почта мудир и таъзим қилиб чиқиб кетади.

Хлестаков (*папирос чекиб*). Почта мудир и ҳам дуруст одамга ўхшайди. Сермулозимат одам экан. Жон-диллим шунақа одам.

V МАЖЛИС

Хлестаков олдига Лука Лукич ни эшикдан итариб киргизишади. Товуш: «Нега қўрқасан?»

Лука Лукич (*қиличини ушлаб ва қалтираб*). Ижозат берсалар ўзимни танитсам: мактаблар ноziри титулярний советник Хлопов.

Хлестаков. Марҳамат, марҳамат. Ўтиринг, ўтиринг. Папирос чекасиизми? (*Папирос узатади.*)

Лука Лукич (*иккиланиб, ўзича*). Ана холос, бунчалик бўлишини ҳеч кутмаган эдим. Олсаммикан, олсаммикан?

Хлестаков. Олинг, олинг. Петербург папиросига ўхшамайди-ку, лекин чакки эмас. Петербургда юзтаси йигирма беш сўмлик папирослар чекар эдим. Чекканда қаймоқнинг мазасини берар эди. Мана, тутатиб олинг. (*Шам тутати.*)

Лука Лукич чекмоқчи бўлади, вужуди титрайди.

Х л е с т а к о в. Бу ёғидан, бу ёғидан.

Л у к а Л у к и ч (юраги ҳовлиққанидан, қўлидаги папиросни тушириб юборади, тупуради ва қўл силтаб ўзича). Расво бўлдим, қўрқоқлик бошимга етди.

Х л е с т а к о в. Папиросга ҳушингиз йўқ шекилли, мен ростини айтсам, жуда яхши кўраман. Хотин-халожга ҳам суягим йўқ. Сизчи? Сиз қанақа хотинларни ёқтирасиз, қорароғиними ё оппоққинасиними?

Л у к а Л у к и ч нима дейишини билмасдан гангиб қолади.

Х л е с т а к о в. Очигини айта беринг, қорароғиними ё оппоққинасиними?

Л у к а Л у к и ч. Бир нима дегани ожизман.

Х л е с т а к о в. Йўқ, йўқ, ундоқ деманг, мен сизнинг дидингизни билмоқчиман.

Л у к а Л у к и ч. Маълумлари бўлсинки... (Четга.) Нима деяётганимни ўзим ҳам билмайман.

Х л е с т а к о в. Ҳа-ҳа! Айтмайсизми? Биронта майиздаккина хотин бошингизни айлантирганга ўхшайди-ку, шундоқ эмасми?

Л у к а Л у к и ч индамайди.

Х л е с т а к о в. Ана, қизариб кетдингиз-ку, ана, ана! Нега айтмайсиз?

Л у к а Л у к и ч. Гангиб қолдим, жа-жа-жаноб... О-о-олийлари... (Четга.) Тилгинам кесилсин! Расво қилди.

Х л е с т а к о в. Гангиб қолдим? Тўғри, менинг кўзимда одамни гангитиб қўядиган бир нарса бор. Ҳеч қанақа хотин кўзимга тикка қаролмайди, шундай эмасми?

Л у к а Л у к и ч. Тўғри, тўрам.

Х л е с т а к о в. Қизиқ иш бўлди: йўл харажатим кўпайиб кетди. Менга уч юз сўмгина қарз топиб беролмай-сизми?

Л у к а Л у к и ч (чўнтагига қўл тиқиб ўзича). Оббо, пулим бўлмаса нима қиламан? Бор, бор экан. (Пулни олиб титраганича узатади.)

Х л е с т а к о в. Кўп миннатдорман.

Л у к а Л у к и ч (ғўдайиб, қиличини ушлаб). Энди сизни нотинч қилмасам ҳам бўлар.

Х л е с т а к о в. Хайр.

Л у к а Л у к и ч (оёғи ерга тегмай чопади ва ўзича). Ху-дога шукур, энди мактабни бориб кўрмас.

VI МАЖЛИС

Хлестаков олдига Артёмий Филиппович, ғўдайиб қиличини тутиб киради.

А р т ё м и й Ф и л и п п о в и ч. Ижозат берсалар ўзимни танитсам: худойихоналар мутасаддиси, надворний советник Земляника.

Х л е с т а к о в. Салом, марҳамат. Утиринг.

А р т ё м и й Ф и л и п п о в и ч. Кеча жанобларини кузатиш ва тахти идорамда бўлган худойихоналарни кўрса-тиш шарафига ноил бўлган эдим.

Х л е с т а к о в. Ҳа, ҳа, эсимда бор, жуда яхши овқатлар билан сийлаган эдингиз.

А р т ё м и й Ф и л и п п о в и ч. Ватан хизматига тайёрман.

Х л е с т а к о в. Ростини айтсам, жон-дилим яхши овқат. Менга қаранг, назаримда кеча бўйингиз салгина пастроқ эдимиз?

А р т ё м и й Ф и л и п п о в и ч. Эҳтимолдан холи эмас. (Бир оз жим қолиб.) Шуни айтишим керакки, ҳеч нарсани аямасдан сидқидил билан хизматимни адо қилиб турибман. (Стулни унга яқинроқ суриб, секинроқ гапирди.) Аммо почта мудури ҳеч иш қилмайди. Ҳамма иши ора йўлда қолиб кетган, посилкалар вақтида юборилмайди... Ўзингиз атайин суриштириб кўрсангиз ҳам бўлади. Ҳали

мендан бурун кирган судья ҳам умрини қуён овлаб ўтказди, маҳкамасида ит асрайди. Энди ахлоқий масаласига келсак, у менинг қариндошим ва ўртоғим бўлса ҳам, ватан манфаати учун шуни айтишим керакки, ахлоқи ҳам бузуқ. Бу ерда, ҳали ўзингиз кўрган Добчинский деган бир помещик бор, шу уйдан бирон жойга чиқди дегунча судья дарров хотинининг олдига кириб ўтиради. Қасам ич десангиз ичаман... Болаларини кўринг, биронтаси Добчинскийга ўхшамайди, ҳаммаси, ҳатто қизлари ҳам судьянинг худди ўзи.

Хлестаков. Ҳали шундоқ денг, бу нарса хаёлимга ҳам келмаган эди.

Артёмий Филиппович. Мактаблар нозирини айтмайсизми... Улуғлар шундай вазифани унга ишониб топширишганига ҳайронман: бу одам Якубенчидан ҳам баттарроқ, ёшларга шундай ножўя нарсалардан таълим берадики, асти қўйинг! Жанобларига ёзиб берсам қалай бўлади?

Хлестаков. Хўп, майли, ёзиб беринг, кўп хурсанд бўламан. Зериккан вақтларимда бирон қизиқроқ нарсани ўқишни яхши кўраман. Сизнинг фамилиянгиз нима эди, овсар бўлиб қолибман.

Артёмий Филиппович. Земляника.

Хлестаков. Ҳа, ҳа, Земляника. Болаларингиз борми?

Артёмий Филиппович. Ҳа, албатта, бешта болам бор. Иккитаси катта бўлиб қолган.

Хлестаков. Катта бўлиб қолган? Буларнинг ҳалигидай...

Артёмий Филиппович. Оти нима демоқчиларми?

Хлестаков. Ҳа, оти нима?

Артёмий Филиппович. Николай, Иван, Елизавета, Марья, Перепетуя.

Хлестаков. Яхши.

Артёмий Филиппович. Жанобларнинг зарур ишларга банд бўлган вақтларини олмайин (*кетмоқчи бўлиб, таъзим қилади*).

Хлестаков (*уни кузатар экан*). Йўқ, майли... Жуда қизиқ нарсаларни гапириб бердингиз, яна бошқа вақтларда ҳам марҳамат қилиб туринг. Суҳбатни яхши кўраман. (*Қайтади ва эшикни очиб қичқиради.*) Ҳой, отингиз нима эди, эсимдан чиқиб қолаверади.

Артёмий Филиппович. Артёмий Филиппович.

Хлестаков. Менга қаранг, Артёмий Филиппович, йўлда галати ҳодиса бўлиб қолди: бор пулимни сарф қилиб қўйибман. Тўрт юз сўмгина қарз бериб туролмайсизми?

Артёмий Филиппович. Хўп бўлади.

Хлестаков. Кўп яхши бўлди-да, қуллуқ.

VII МАЖЛИС

Хлестаков, Бобчинский билан Добчинский

Бобчинский. Ижозат берсалар ўзимни танитсам: шу шаҳар аҳолиси Пётр Иван ўғли Бобчинский.

Добчинский. Помешчик Пётр Иван ўғли Добчинский.

Хлестаков. Ҳа, мен сизни кўрган эдим. Йиқилиб тушган эдингиз шекилли. Бурнингиз тузалдими?

Бобчинский. Худога шукур, ташвиш тортмасинлар, тузалди, буткул тузалди.

Хлестаков. Хайрият... (*Бирдан.*) Пулларинг йўқми?

Добчинский. Пул? Қанақа пул?

Хлестаков. Бирон минг сўм қарз?

Бобчинский. Мунча пулим йўқ. Сизда ҳам йўқми, Пётр Иванович?

Добчинский. Ёнимда йўқ, пулимни хайрия ишлари банкасига қўйган эдим.

Хлестаков. Минг сўм бўлмаса юз сўм топилиб қолар.
Бобчинский (*чўнтагини ковлаб*). Пётр Иванович,
сизда юз сўм йўқми? Менда қирқ сўм бор экан холос.

Добчинский (*ҳамёнига қараб*). Йигирма беш сўм бор
экан холос.

Бобчинский. Дурустроқ қаранг, Пётр Иванович, ўнг
чўнтагингиз тешик эди шекилли, шундан этагингизга ту-
шиб кетгандир, қаранг топилиб қолар.

Добчинский. Йўқ, йўқ.

Хлестаков. Майли, қўя беринг. Бир айтдим-да. Олт-
миш беш сўм бўлса ҳам бўлаверади, барибир (*пулни олади*).

Добчинский. Агар ижозат берсалар бир нозик ма-
салани жанобларидан сўрамоқчи эдим.

Хлестаков. Нима экан?

Добчинский. Жуда нозик иш. Катта ўғлим уйлан-
масимдан бурунроқ туғилган эди.

Хлестаков. Шундоқми?

Добчинский. Лекин, отига хароми бўлса ҳам, ҳа-
қиқатда ўз пушти-камаримдан бўлган ва буни кейинчалик
эру хотинлик йўли билан ҳалоллаб олганман. Шунинг
учун истар эдимки, энди у менинг қонуний ўғлим бўлса-ю
Добчинский деб аталса.

Хлестаков. Хўп, атала қолсин. Майли.

Добчинский. Мен-ку бу хусусда жанобларини бе-
зовта қилмас эдим, лекин истеъдодига хайфим келади. Бо-
ласи тушкур бўладиган бола: байтларни ёд билади, қўлига
пичоқ тушиб қолса шунақа аравачалар ясайдики, оғзингиз
очишиб қолади. Мана, Пётр Иванович айтсинлар.

Бобчинский. Ҳа, истеъдоди зўр.

Хлестаков. Яхши, яхши. Мен бу тўғрида ҳаракат
қиламан, гапираман. . . Ҳаммаси тўғри бўлиб кетади. (*Боб-
чинскийга*.) Сизнинг ҳам бирон гапингиз борми?

Бобчинский. Албатта, жуда зарур илтимосим бор.

Хлестаков. Нима экан?

Бобчинский. Мен сиздан ўтиниб сўрар эдимки,
Петербургда боришингиз билан ўша ердаги ҳамма тўралар-
га, сенаторларга, адмиралларга: «Жаноб фалон, маълумин-
гиз бўлсинки, фалон шаҳарда Пётр Иванович Бобчинский
деган одам бор» деб қўйсангиз. Худди шундоқ денг: фалон
шаҳарда Пётр Иванович Бобчинский бор денг.

Хлестаков. Кўп яхши.

Бобчинский. Мабодо шаҳаншоҳимни кўриб қолсан-
гиз у кишига ҳам: «император ҳазратлари, фалон шаҳарда
Пётр Иванович Бобчинский бор» деб қўйинг.

Хлестаков. Кўп яхши.

Добчинский. Кечирасиз, сизга кўп азият бердик.

Бобчинский. Кечирасиз, сизга кўп азият бердик.

Хлестаков. Майли, майли, хурсандман. (*Кузатиб
қўяди*.)

VIII МАЖЛИС

Хлестаков ёлғиз. Бу ерда чиновниклар кўп экан.
Назаримда булар мени подшолик одам деб ўйлашапти.
Ўзим ҳам кеча буларни гўсхўр қилган эдим. Вой, ахмоқ-
лар-ей! Бу гапларнинг ҳаммасини Петербургдаги ўртоғим
Тряпичкинга ёзай, мақола ёзиб юрарди, буларни бир боп-
ласин. Ҳой, Осип, менга қоғоз билан сиёҳ бер. (*Осип эшик-
дан калласини тиқиб «ҳозир» дейди*.) Тряпичкиннинг қўли-
га тушган одам омон қолмайди, ўнг келса отасини ҳам ая-
майди, пулга ҳам суяги йўқ. Лекин нима бўлса ҳам бу чи-
новниклар яхши одамлар, менга пул қарз беришгани шуни
кўрсатади. Қани, бир санайчи, қанча бўлди экан? Судья-
дан уч юз, почта мудиридан уч юз, олти юз, етти юз, саккиз
юз. . . Мана буни мунча ҳам ёғ босибди. Саккиз юз, тўққиз
юз. . . Ўҳў! Мингдан ошибди-ку. Қани, капитан, энди қўлим-
га тушгинчи, карта ўйнашни сенга кўрсатиб қўяй.

Хлестаков, Осип сиёҳ, қоғоз кўтариб киради.

Хлестаков. Ҳой каллаварам, мени қандай иззат-хурмат қилишаётганини кўряпсанми? (*Ёзади.*)

Осип. Ҳа худога шукур. Лекин, биласизми, Иван Александрович?

Хлестаков. Нима?

Осип. Кетайлик! Худо ҳақи тезроқ кетайлик.

Хлестаков (*ёза туриб*). Бекор айтибсан! Нега?

Осип. Шундай. Афти қурсин ҳаммасининг! Бир-икки кун ўйнадик, бас. Нима қиласиз булар билан ортиқча пашшалашиб? Тупуринг ҳаммасига. Фалокат босиб бошқа биров келиб қолса . . . Худо ҳаққи, Иван Александрович! Жуда яхши отлар бор экан, маза қилиб кетамиз.

Хлестаков (*ёза туриб*). Йўқ, яна бир оз тургим келиб қолди. Эртага кетамиз.

Осип. Эрта нимаси! Худо ҳаққи кетайлик, Иван Александрович. Сизга кўп иззат-икром қилишяпти-ку, лекин, шундоқ бўлса ҳам тезроқ кетганимиз яхши. Булар сизни бошқа одам гумон қилишяпти. Кечикканингизга отангиз ҳам хафа бўладилар. Маза қилиб кетар эдик-да, яхши отлар беришарди.

Хлестаков (*ёза туриб*). Хўп, майли. Аввал мана шу хатни почтага элтиб бер, биратўла гувоҳномани ҳам олиб кета қол. Қара, яхши от беришсин. Аравакашларга айт, бир сўлкавойдан бераман, фельдегирдай олиб юришсин, ашула айтиб беришсин (*ёзади*). Тряпичкин бу хатни ўқиб кула бериб қотиб қолар . . .

Осип. Мен бошқа бир одамни юбора-ю, ўзим нарсаларни йиғиштирай, вақт ўтмасин.

Хлестаков (*ёза туриб*). Майли, лекин шам олиб кел.

Осип (*чиқади, саҳна орқасида*). Ҳой, ука битта хат бор, шуни почтага элтиб, почта мудирига айт, бепул қабул қилсин. Ундан кейин айтгин, хўжайинга энг яхши курьер тройчасини юборишсин, йўл кира бермас эмишлар, подшолик

берар эмиш дегин. Айт, тезроқ юборишсин, бўлмаса хўжайин хафа бўладилар. Шошма, хат ҳали битгани йўқ.

Хлестаков (*ёзади*). Тряпичкин ҳозир қаерда тураркин—Почтамт кўчасидами, Гроховойдамикин? Бу ҳам пул бермасдан уйдан-уйга кўчиб юришни яхши кўради. Таваккал, Почтамт кўчасига юбораман. (*Хатни буклаб адрес ёзади.*)

Осип шам келтиради. Хлестаков хатни конвертга солади. Держиморда товуши. Ҳой, паҳмоқ соқол, қаёққа? Айтдим-ку ҳеч ким кирмасин дедилар.

Хлестаков (*Осипга хатни беради*). Мана, олиб бор.

Савдогарлар (*товуши*). Бизни киргизинг, отахон. Киргизмасликка ҳақингиз йўқ, иш билан келганмиз.

Держиморда (*товуши*). Йўқол, йўқол! Ҳеч кимни қабул қилмайди, ухлаб ётибди (*говур кўтарилади*).

Хлестаков. Осип, нима гап ўзи? Қара-чи, нима говур?

Осип (*деразадан қараб*). Савдогарлар кирмоқчи бўлишяпти, миршаб қўймаяпти. Қўлларида қоғоз, сизни кўришмоқчи шекилли.

Хлестаков (*дераза олдида келиб*). Ҳа, нима ишларинг бор, яхшилар?

Савдогарлар (*товуши*). Сизга арз-дод билан келдик. Айтинг, тўрам, бизни киргизишсин.

Хлестаков. Қўйинг, қўйинг, киришсин. Осип, айт киргизсин. (*Осип чиқади.*)

Хлестаков (*деразадан узатилган қоғозни олиб ўқийди*). «Жаноб Олампано Молия Хазратларига савдогар Абдулиндан . . . » Нима бало! Бунақа мансаб йўқ эди-ку!

Хлестаков билан савдогарлар қўлларида вино, каллақанд

Хлестаков. Нима арзларинг бор, яхшилар?

Савдогарлар. Жанобингизни зиёрат қилгани келдик.

Хлестаков. Хўш, хизмат?

Савдогарлар. Бизга раҳм қилинг, тўрам. Бизга бекордан-бекор жабр қилишяпти.

Хлестаков. Ким?

Бир савдогар. Ким бўлар эди, шаҳримизнинг ҳокими-да. Бундай ҳоким, тўрам, ҳеч бўлган эмас. Бизга шундай азоблар берадики, таърифга сизмайди. Уйимизга ҳадеб аскар қўя беради, жонимиздан ҳам безор бўлдик. Ноҳақ иш қилади. Кишининг соқолидан ушлаб: «ҳу татар!» деб сўкади. Худо ҳақи! Иззатини жойига қўймаган бўлсак ҳам майлига эди, ҳаммасини ўрнига келтирамиз: хотинига, қизига ҳамма вақт кўйлаклик бериб турамыз. Йўқ, у кишига бу ҳам кам. Дўконга кириб қўлига тушган нарсани олиб кета беради. Мовутни кўриб қолса дарров: «э, яхши мовут экан, шу тўпни уйимга элтиб бер» дейди. Кошки камроқ бўлса, бир тўпи камида эллик газ бўлади, элтиб берасан киши.

Хлестаков. Шундақами? Оббо муттаҳам-эй!

Савдогарлар. Худо ҳақи, бунақа ҳоким дунёга келганмас. Қораси кўринса дўкондаги ҳамма нарсани яшириш керак бўлади. Жуда ҳам назари паст: бочкада етти йилдан бери ачиб ётган олхўрини ҳам ҳовучлаб оғзига тикади, ҳолбуки буни малай ҳам емайди. Ҳар йили Антон куни ҳокимнинг туғилган куни деб бор-йўғимизни элтиб берамыз. Йўқ, яна бер дейди. Онуфрий куни ҳам у кишининг туғилган куни эмиш. Қандоқ қиламыз, Онуфрий куни ҳам нарса элтиб берамыз.

Хлестаков. Тоза қароқчи экан-ку.

Савдогарлар. Худо ҳақи. Бир нима деб кўр-чи, уйингга бутун бошлиқ бир полкни келтириб қўяди. Сал нарсага эшикни қулфлаб қўяди. «Мен сени урдурмайман, азоб бермайман, законда йўқ! Лекин тузлаган балиқ егизаман» дейди.

Хлестаков. Оббо, муттаҳам-эй! Бу қилмишига уни Сибирь қилиш керак.

Савдогарлар. Эй, тўрам, қаёққа юборсангиз ҳам майли, иш қилиб биздан узоқроқ бўлсин. Жаноблари бизнинг нон-тузимизни қайтармасалар, вино билан каллақанд олиб келган эдик.

Хлестаков. Қўйинглар унақа гапларни, мен сира пора олмайман. Бирон уч юз сўм пул қарз берсаларинг бошқа гап, қарз олишим мумкин.

Савдогарлар. Жонимиз билан, тўрам. *(Пулни чиқариб.)* Уч юз сўм нима экан, беш юз сўм олинг, ишқилиб ёрдам қилсангиз бўлгани.

Хлестаков. Қарз бўлса ҳеч нарса демайман, ола бераман.

Савдогарлар *(кумуш патнусда пул туттишади)*. Марҳамат, патнуси билан олинг.

Хлестаков. Ҳа, майли, патнусини ҳам ола қолай.

Савдогарлар *(таъзим қилиб)*. Бира тўла қандни ҳам ола қолинг.

Хлестаков. Йўқ, мен пора олмайман.

Осип. Тўрам, нега олмайсиз? Ола беринг, йўлда керак бўлади. Халта билан каллақандни бу ёққа бер. Ҳаммасини бер, керак бўлади. У нима? Чилвирми? Бу ёққа бер, йўлда чилвир ҳам керак бўлади, арава синиб-нетиб қолса боғлаймиз.

Савдогарлар. Бир лутф-марҳамат қилиб юборинг. Тўрам сиз ёрдам қилмасангиз ҳолимиз хароб.

Хлестаков. Албатта, албатта. Ҳаракат қиламан.

Савдогарлар чиқиб кетишади. Хотин *(товуши)*.
Нега мени қўймайсан, ҳақинг йўқ! Сеннинг устингдан ҳам арз қиламан! Туртма!

Хлестаков. Ким у? *(Дераза олдига келади.)* Нима арзинг бор, кампир?

Икки хотиннинг *(товуши)*. Сизга сизиниб келдик, арзимизни эшитинг, тўрам.

Хлестаков *(деразадан)*. Қўйинг, киришсин.

Хлестаков, унтерофицер ва слесарь хотини

Слесарь хотини (*икки букилиб*). Сизга сиғиниб келдим.

Унтерофицер хотини. Сизга сиғиниб келдим.

Хлестаков. Кимсизлар ўзларинг?

Унтерофицер хотини. Унтерофицер хотини Ивановаман.

Слесарь хотини. Слесарь хотиниман. Шу ерли мешчанка Февронья Петровна Пошлепкина бўламан, тўрам.

Хлестаков. Шошманглар, битта-битта гапиринглар. Нима дейсан?

Слесарь хотини. Сизга сиғиниб келдим. Ҳокимнинг устидан арзим бор. Худоё балога йўлиқсин. Бу муттаҳамнинг ўзи ҳам, бола чақаси ҳам, қавми-қариндоши ҳам ниятига етмасин.

Хлестаков. Нима қилди?

Слесарь хотини. Бу муттаҳам эримни аскарликка ёзиб қўйди. Ҳали бизга навбат келгани йўқ эди. Хотинлик одамни аскарликка ёзиш законда йўқ.

Хлестаков. Нима ҳақи бор экан.

Слесарь хотини. Ёзди, ёзди қўйди, муттаҳам! Илоҳим у дунё-ю, бу дунё худонинг қаҳрига гирифтор бўлсин. Аммаси бўлса аммаси ҳам, отаси тирик бўлса отаси ҳам, бу муттаҳамнинг ўзи ҳам балога дучор бўлсин! Аслида машиначининг ўғлини аскарликка ёзиши керак эди, ўзи пиёниста бир нарса. Унинг ота-онаси бойда, томоғини яхшилаб мойлаган эди, савдогар хотин Пантелееванинг ўғлига ёпишди. Пантелеева ҳам унинг хотинига уч кийимлик полотно берган эди, менинг эримга ёпишиб олди. «Сен эрни нима қиласан, ўзи ҳам ҳеч нарсага ярамайди» дейди. Яраш-ярамаслигини ўзим биламан, ахир! Нима ишинг бор! «Эринг ўғри, ҳозир ўғирлик қилмаган бўлса барибир қилади, ҳозир

бўлмаса янаги йилга барибир аскарликка олинади» дейди. Мен эрсиз нима қиламан, ўзим ожиз бир нарса бўлсам. Худоё етти пуштинг ёруғлик кўрмасин, муттаҳам! Агар қайнананг бўлса у ҳам...

Хлестаков. Хўп, хўп. Сен нима дейсан? (*Кампирни кузатади.*)

Слесарь хотини (*чиқа туриб*). Эсингиздан чиқмасин, раҳм-шафқат қилинг, тўрам.

Унтерофицер хотини. Ҳокимнинг дастидан дод дегани келдим, тўрам...

Хлестаков. Хўп, нима гап? Гапни қисқароқ қил.

Унтерофицер хотини. Мени урди, тўрам.

Хлестаков. Нега?

Унтерофицер хотини. Янглишиб, тўрам. Хотинлар бозорда бир-бирини юлган эди, миршаблар келиб мени олиб кетишди. Ҳоким мени шунақа ҳам урдик, икки кунгача кетимни ерга қўя олмадим.

Хлестаков. Нима қилгин дейсан?

Унтерофицер хотини. Энди нима ҳам қилиб бўларди. Янглишиб мени ургани учун штраф бера қолсин. Тақдирга тан бераман. Ҳозир пулдан сиқилиброқ турибман.

Хлестаков. Хўп, хўп, боринг, боринг. Айтиб қўяман.

Деразадан ёрдам сўраган қўл чиқади.

Яна ким у? (*Дераза олдига келади*). Йўқ, йўқ, керак эмас. (*Дераза олдидан кета туриб*.) Жонимга ҳам тегди. Киргизма Осип!

Осип (*деразадан қичқириб*). Боринглар, боринглар! Ҳозир вақти эмас, эртага келинглар.

Эшик очилади, дағал материалдан шинель кийган, соқоли ўсиб кетган, лаблари шишган, лунжи боғланган бир одам кўринади. Унинг кетида яна бир неча киши намоён бўлади.

Осип. Йўқол, йўқол! Қаёққа суқула ётибсан! (*Унинг қорнидан итариб ўзи ҳам бирга чиқади ва эшикни ёпади.*)

Марья Антоновна. Вой!

Хлестаков. Нега мунча қўрқиб кетдингиз, ойимқиз?

Марья Антоновна. Йўқ, қўрққанним йўқ.

Хлестаков (*тавози билан*). Мени ўшанақа одам ўрнида кўриб, мунчалик иззат-икром қилганларинг учун миннатдорман, ойимқиз. Мумкинми, қаёққа кетаётган эдингиз?

Марья Антоновна. Ҳеч қаёққа кетаётганим йўқ.

Хлестаков. Нега ҳеч қаёққа кетмаётган эдингиз?

Марья Антоновна. Ойим шу ердамикинлар деб кирган эдим...

Хлестаков. Йўқ, нега ҳеч қаёққа кетмаётган эдингиз, шуни айтинг?

Марья Антоновна. Мен сизга ҳалал бердим... Зарур ишлар билан банд эдингиз.

Хлестаков (*тавози билан*). Сизнинг кўзларингиз ҳар қанақа зарур ишдан ҳам зарурроқ. Сиз ҳеч қачон менга ҳалал бермайсиз, аксинча, роҳат бағишлайсиз.

Марья Антоновна. Мунча чиройли гапирасиз.

Хлестаков. Сиздай жонон қизга... Сизга стул қўйиб бериш шарафига ноил бўлгани ҳаддим сигармикан? Йўқ, сизни стулга эмас, тахтга ўтқазиб керак.

Марья Антоновна. Вой, ҳайронман... Ишим зарур эди-ку! (*Ўтиради.*)

Хлестаков. Рўмолчангиз мунча ҳам чиройли.

Марья Антоновна. Сизлар, пойтахт одамлари, биздан куласизлар-да.

Хлестаков. Қани энди, рўмолча бўлсам-у оппоқина бўйнингизга ўралиб олсам.

Марья Антоновна. Тушунмаяпман, нима деяпсиз ўзингиз, рўмолча дейсиз... Бугун ҳаво алланечук?

Хлестаков. Сизнинг лабларингиз олдида ҳар қанақа ҳаво ўтаверсин.

Марья Антоновна. Сиз ҳа деб шунақа гапларни гапираверасиз... Ундан кўра альбомимга бирон ғазал ёзиб берсангиз бўлмайдами? Ғазални кўп билсангиз керак.

Хлестаков. Сизнинг учун ҳамма нарсага тайёрман. Қанақа ғазал ёзиб берай?

Марья Антоновна. Бирон яхши, янги ғазал бўлсин.

Хлестаков. Ғазал ҳам гапми! Ғазални кўп биламан.

Марья Антоновна. Қанақа ғазал ёзиб берасиз, айтинг-чи.

Хлестаков. Айтиб нима қиламан. Айтмасам ҳам биламан.

Марья Антоновна. Мен ғазални яхши кўраман...

Хлестаков. Қайси бирини ўқиб берсам экан... Хўп, шунисини ўқиб берай: «Ғуссада фалакдан шикоят этма» ва ҳоказо. Бошқаси эсимдан чиқибди. Хайр, майли. Бундан кўра сизга муҳаббатимни, кўзларингизга шайдо бўлганимни айтай. (*Стулни унга томон суради.*)

Марья Антоновна. Муҳаббат? Мен муҳаббатни билмайман. Мен муҳаббатни кўрган эмасман. (*Стулни орқага суради.*)

Хлестаков. Нега мендан қочасиз? Икковимиз яқинроқ ўтирганимиз яхши.

Марья Антоновна (*стулни орқага суриб*). Нима қиламиз яқин ўтириб? Узоқ ўтирсак ҳам бўлаверади.

Хлестаков (*стулни яқинроқ суриб*). Нега узоқ ўтирар эканмиз, яқинроқ ўтирсак ҳам бўлаверади.

Марья Антоновна (*стулни орқага суради*). Нима кераги бор?

Хлестаков (*яқинроқ сурилиб*). Сизга яқин кўринаётгандир-да, бўлмаса узоқ ўтирибмиз. Сизни бағримга боссам қандай яхши бўлар эди.

Марья Антоновна (*деразага қараб*). Бир нима учди шекилли? Хакками ё бирон бошқа қушми?

Хлестаков (унинг елкасидан ўпиб деразага қарайди). Хакка.

Марья Антоновна (ғазаб билан ўрнидан туради).

Бу нимаси!.. Шунақа ҳам безбет бўладими киши!..

Хлестаков (уни тутиб). Кечирасиз, ойим қиз, яхши кўрганимдан ўпдим, яхши кўрганимдан.

Марья Антоновна. Сиз мени шунақа провинциал қиз деб ўйлайсизми? (Кетмоқчи бўлади.)

Хлестаков (қўйиб юбормайди). Яхши кўрганимдан ўпдим, яхши кўрганимдан. Ҳазиллашдим, Марья Антоновна, хафа бўлманг. Тиз чўкиб узр сўрашга тайёрман. (Тиз чўкади.) Кечиринг, кечиринг. Мана, тиз чўкиб сўрайман.

XIII МАЖЛИС

Шулар ва Анна Андреевна.

Анна Андреевна (Хлестаковни тиз чўккан ҳолда кўриб). Вой, бу нимаси!

Хлестаков (туриб). Оббо!

Анна Андреевна (қизига). Бу нима қилганингиз, ойим қиз, бу нима қилиқ?

Марья Антоновна. Ойижон, мен...

Анна Андреевна. Йўқол! Йўқол дейман, йўқол! Кўзимга кўринма! (Марья Антоновна йиғлаб чиқиб кетади.) Кечирасиз, мен жуда ҳайрон бўлиб қолдим...

Хлестаков (четга). Бу ҳам ёмон эмас, жойида. (Тиз чўкади.) Хоним, муҳаббат юрак-бағримни ўртаб юборяпти.

Анна Андреевна. Вой, наҳот тиз чўксангиз! Туринг, туринг ўрнингиздан. Пол жуда ифлос.

Хлестаков. Йўқ, тиз чўкканим-чўккан. Пешанамга битганини айтинг: ҳаётми, мамотми—шуни билмоқчиман.

Анна Андреевна. Кечирасиз, тушунолмаётибман. Сиз қизимнинг қўлини сўрамоқчимисиз?

Хлестаков. Йўқ, ўзингизга ошиқман. Ҳаётим қилга

осилиб турибди. Агар муҳаббатимга илтифот қилмасангиз дунёда турмаганим яхшироқ. Ишқингизда ўртаниб, қўлингизни сўраётибман.

Анна Андреевна. Ахир менинг эрим борга ўхшайди-ку.

Хлестаков. Ҳеч қиси йўқ! Муҳаббат деганда бунинг фарқи йўқ. Карамзин «Қонунга сизмаса кўнгилга сизади» деган. Қўлингизни сўрайман, қўлингизни.

XIV МАЖЛИС

Шулар ва Марья Антоновна (югуриб киради).

Марья Антоновна. Ойижон, дадам айтдиларки... (Хлестаковни тиз чўккан ҳолида кўриб қичқиради.) Вой, бу нимаси!

Анна Андреевна. Ҳа мунча? Нима дейсан? Ўзи нима гап? Бу қанақа бетамизлик? Ҳовлиққанини қара-ю? Нимага мунча эсинг кетди? Нима қипти? Нима деб. ўйладинг? Худди ёш болага ўхшайди-я, ким айтади сени ўн саккизга кирган қиз деб? Қачон эсинг киради? Ким айтади сени яхши тарбия кўрган қиз деб? Адаб деган нарсани қачон ўрганасан?

Марья Антоновна (йиғламсираб). Билмабман, онажон...

Анна Андреевна. Билмадим, енгил-елпи қилиқларинг қачон қолар экан! Ляпкин-Тяпкиннинг қизларидан сен ибрат оласан. Наинки ўшаларга таъсиб қилсанг. Улардан ибрат олма, бошқалардан ибрат олгин. Мана, онангдан ибрат ол, онангга таъсиб қил!

Хлестаков (қизнинг қўлидан ушлаб). Анна Андреевна, бахтимизнинг йўлини тўсманг, фотиҳа беринг, қўша-қарийлик.

Анна Андреевна (ҳайрон бўлиб). Э, сиз бунинг...

Хлестаков. Айтинг ҳукмингизни: ё ҳаёт, ё мамот!

Анна Андреевна. Мана, кўрдингми, эси паст: сен

расвони деб шундай азиз меҳмон тиз чўкиб турибди! Сен бўлсанг жиннига ўхшаб чопиб юрибсан. Шу қилганингга жўрттага йўқ дейман: сен бундай одамга муносиб эмассан.

Марья Антоновна. Энди қилмайман, онажон, худо урсин, қилмайман.

ХУ МАЖЛИС

Ушалар ва Ҳоким шошиб киради.

Ҳоким. Жаноб тўрам, раҳм қилинг, шафқат қилинг.

Хлестаков. Нима бўлди?

Ҳоким. Савдогарлар менинг устимдан жанобларига арз қилишибди. Азбаройи худо булар айтган гапларнинг ярми ҳам рост эмас. Буларнинг ўзлари халқни алдашади. Унтер-офицернинг хотини ёлғон гапирди, мен уни урган им йўқ, худо ҳақи ёлғон, ўзи-ўзини урган.

Хлестаков. Минг лаънат ўша хотинга! Ҳозир бунақа гаплар қулоғимга кирмайди.

Ҳоким. Ишонманг, ишонманг. Ҳаммаси ёлғончи... Буларнинг гапига ёш бола ҳам ишонмайди. Буларнинг ёлғончилиги бутун шаҳарга маълум. Товламачилик хусусига келганда бунақа товламачи оламга келган эмас.

Анна Андреевна. Ҳой, биласанми, Иван Александрович, бошимизни осмонга етказдилар: қизимизнинг қўлини сўраяптилар.

Ҳоким. Ҳой! Ҳой! Эсингни едингми? Хафа бўлманг, тўрам: бунинг эси шунақа, кирди чиқди роқ, онаси ҳам шунақа эди.

Хлестаков. Тўғри, қизингизнинг қўлини сўрадим, яхши кўриб қолдим.

Ҳоким. Ишонмайман, тўрам!

Анна Андреевна. Ўзлари айтиб турибдилар-ку, ахир!

Хлестаков. Мен ҳазиллашганим йўқ, муҳаббат дардида девона бўлиб қолишим мумкин.

— 80 —

Ҳоким. Ишонмайман, тўрам. Бундай шарафга лойиқ эмасман.

Хлестаков. Агар Марья Антоновнани бермасангиз, азбаройи худо...

Ҳоким. Ишонмайман, ҳазиллашяпсиз, тўрам.

Анна Андреевна. Мунча галварс бўлмасанг! Гапга тушунасанми?

Ҳоким. Ишонмайман.

Хлестаков. Беринг, беринг! Аччиғим тез одамман: ҳеч нарсадан қайтмайман, ўзимни отиб қўйсам судга тушасиз.

Ҳоким. Худо ҳақи, менинг ҳеч гуноҳим йўқ, газаб қилманг. Ўзлари биладилар, нима қилсалар ихтиёрлари. Каллам говлаб қолди, нима бўлаётганини билмайман. Умримда бундай аҳмоқ бўлган эмасман.

Анна Андреевна. Фотиҳа бер.

Хлестаков Марья Антоновнанинг олдига келади.

Ҳоким. Худоё бахтларингни берсин, қўша қаринглар. Менинг ҳеч гуноҳим йўқ.

Хлестаков Марья Антоновна билан ўпишади.

Ҳоким икковига қарайди.

Тушумми, ўнгимми? Ростдан-а! Ўпишяпти-я! Ростдан ҳам ўпишаётибди. Худди куёв-а. (*Хурсандликдан ирғишлайди, қичқиради.*) Ҳой Антон! Ҳой Антон! Ҳой Ҳоким! Энди пичоғинг мой устида.

ХVI МАЖЛИС

Шулар ва Осип.

Осип. Отлар тайёр.

Хлестаков. Хўп, яхши... Ҳозир.

Ҳоким. Нима, кетмоқчимилар?

Хлестаков. Ҳа, ҳозир кетмоқчиман.

Ҳоким. Бўлмаса қачон, масалан... Жаноблари тўй тўғрисида бир нима дегандай бўлган эдилар-ку?

— 81 —

Хлестаков. Ҳа бу . . . бирпас, бир кунгагина ама-
кимнинг олдига бориб келаман. Мўйсафид, бой одам. Эрта-
гаёқ қайтиб келаман.

Ҳоким. Соғ-саломат бориб келишлари умидида жаноб-
ларини йўлдан қўймаймиз.

Хлестаков. Албатта, албатта, дарров келаман.
Хайр, суйган ёрим, юрагимнинг . . . нимаси десам экан!
Хайр, жонгинам! *(Қўлини ўпади.)*

Ҳоким. Йўлга бирон нарса керакмасми? Кам харж-
роқ эдилар шекилли?

Хлестаков. Йўқ, ҳожати йўқ. *(Бир оз ўйлаб.)* Лекин
кам харжроқман.

Ҳоким. Қанча керак?

Хлестаков. Ана унда икки юз сўм, икки кз сўм
эмас, тўрт юз берган эдингиз — мен янглишганингиздан
фойдаланмоқчи эмасман — яна тўрт юз сўм бера қолинг,
роса саккиз юз сўм бўлсин.

Ҳоким. Ҳозир. *(Ҳамёнидан чиқаради.)* Сатта янги
пуллар қолган экан-да.

Хлестаков *(пулни олиб қарайди)*. Яхши, янги пул
янги бахт келтиради, дейишади, шундай эмасми?

Ҳоким. Шундай . . .

Хлестаков. Хайр, Антонович! Меҳмондорчилигингиз
учун кўпдан-кўп миннатдорман. Мен ҳеч қаерда бундай
сийланган эмасман. Хайр, Анна Андреевна! Хайр, жоним
Марья Антоновна!

Чиқадилар.

Саҳна орқасида

Хлестаков товуши. Хайр! Фариштам, хайр, Марья
Антоновна!

Ҳоким товуши. Наҳот шундай шалди роқ аравада
юрсангиз.

Хлестаков товуши. Шунга ўрганиб қолганман.
Арава шалдирамаса бошим оғрийди.

Арава каш товуши. Пир . . .

Ҳоким товуши. Ҳеч бўлмаса гилам тўшайлик. Ай-
тайми, гилам олиб чиқсинми?

Хлестаков товуши. Йўқ, нима кераги бор? Хайр,
майли, гилам олиб чиқа қолсин.

Ҳоким товуши. Ҳой, Авдотья, чоп, омборга кириб
энг яхши гиламдан биттасини олиб чиқ. Эрон гиламини
олиб чиқа қол.

Арава каш товуши. Пир . . .

Ҳоким товуши. Жанобларини қачон кутайлик?

Хлестаков товуши. Эрта ё индинга.

Осип товуши. Бу гиламми? Бу ёққа бер. Бу ёққа
қўй. Бу ёғига похол тўша.

Арава каш товуши. Пир . . .

Осип товуши. Бу ёққа, мана бу ёғига! Яхши! Кўп
соз бўлди *(гиламни шаппалайди)*. Мана энди ўтиринг, тў-
рам.

Хлестаков товуши. Яхши қолинг, Антон Анто-
нович!

Ҳоким товуши. Яхши борсинлар, тўрам.

Хотинлар товуши. Хайр, Иван Александрович!

Хлестаков товуши. Хайр, онажон.

Арава каш товуши. Ҳа, чу, жонивор!

Қўнғироқ жиринглайди.

Парда



БЕШИНЧИ ПАРДА

УША БҮЛМА.

Г М А Ж Л И С

Ҳоким, Анна Андреевна, Марья Антоновна

Ҳоким. Хўш, Анна Андреевна, қалай дейсан? А? Шундай бўлар деб ҳеч ўйлаганмидинг? Омадни қара-я! Омадни! Ростини айт: тушингга ҳам кирмагандир дейман? Кичкинагина бир уезд ҳокимининг хотини шундай улуг одамга қайнана бўлиб қолса-я!

Анна Андреевна. Ҳеч-да! Мен шундай бўлишини аллақачонлар билар эдим. Бу сенга шунақа алланима бало бўлиб кўринади-да, чунки ўзинг тўпори одамсан, умринг-да дурустроқ одамни кўрганинг йўқ.

Ҳоким. Ўзим ҳам-ку дуруст одамман-а, хотин, лекин, бундай ўйлаб қарасанг, ростдан ҳам жуда каттадан кетдик. Нима дединг, жуда баландпарвоз бўлиб кетдик. Шошма ҳали, устимдан ариза берганлар, чақимчилик қилганларни маймундай ўйнатаман. Ҳой, ким у? (*Миршаб киради.*) Э, сенмисан, Иван Карпович. Қани, ука, савдогарларни бу ёққа айтиб кел-чи. Мен буларнинг бир тобини олиб қўяй! Ҳали мени устимдан арз қиладиганми булар! Вой уруфинг қурғур кўрнамаклар-эй! Шошмай тур ҳали ҳамманг! Шу вақтгача мендан кўрганларинг бир давлат эди, мана энди кўр! Сен менинг устимдан ариза кўтариб келганларнинг номини ёзиб ол, ука, ҳаммадан ҳам шу аризаларни битиб берганларни хатга ол. Ундан кейин ҳаммага айт: Ҳокимга тоза худо бериб қолди: қизини шунақа ҳам катта одамга бердики, нари ёғи йўқ, энди ҳар иш қўлидан

келади дегин! Ҳаммага айт, билмаган одам қолмасин. Кўчага чиқиб жар сол, довул ур! Тўй тўйдак бўлсин. (*Миршаб кетади.*) Анна Андреевна, нима дединг! Хўш, энди қаерда турамиз? Шу ерда турамизми, Петербургда тура-мизми?

Анна Андреевна. Албатта Петербургда тура-миз-да, бу ерда туриб бўладими!

Ҳоким. Хўп, Петербургда десанг Петербургда тура-мизда; аммо шу ернинг ўзида турсак ҳам ёмон бўлмасди. Кетадиган бўлсак ҳокимликнинг баҳридан ўтамиз-да, а, Анна Андреевна?

Анна Андреевна. Албатта, ҳокимлик ҳам иш бўлди-ю!

Ҳоким. Энди, дейман, Анна Андреевна, каттароқ бир амални ўмарсак ҳам бўлар. Нега десанг куёвимиз ҳамма министрлар билан оғайни, ҳар куни саройга бориб туради. Шундай бўлгандан кейин бир йўлини қилар, вақти келиб генерал бўлиб ҳам кетарман. Қалай дейсан, Анна Андреевна? Генерал бўлармикинман?

Анна Андреевна. Бўлмаса-чи! Албатта!

Ҳоким. Қурғур, генераллик зап иш-да! Кўкрагингга лента тақиб қўйишади. Лентанинг қайсиси тузук, Анна Андреевна қизилими, кўкими?

Анна Андреевна. Кўки тузук-да, албатта.

Ҳоким. Ўҳў, иштаҳанг жойида-ку! Қизили бўлса ҳам жон дегин. Нега генерал бўлгинг келади дегин! Негаки, бирон ерга боргудай бўлсанг фельдъегерлар, адъютантлар олдинда от чопиб бориб, «Отни тайёрлаб туринглар!» дейди. Бекатда отни ҳеч кимга беришмайди; тутуляри борми, капитани борми, ҳокими борми—ҳаммаси қараб қолаверади. Ҳеч нарсанинг ташвишини тортмайсан. Овқатни бирон губернаторникида ейсан, ҳоким қўл қовуштириб туради. Хе-хе-хе! (*Кула бериб қотиб қолади.*) Буни қара-я, зор қолгур!

А н н а А н д р е е в н а. Сен нуқул шунақа нарсаларни ўйлайсан. Сен шуни эсингдан чиқармагинки, туриш-турмушингни буткул ўзгартиришинг керак, улфатларинг ҳам Земляника ёки сен билан қуён овлаб юрадиган ана шу ит жинниси судьяга ўхшаган одамлар бўлмайди; аксинча, сенинг улфатларинг ширин сўз графлар, аслзодалар бўлади... Лекин сендан хавотирман-да: баъзан оғзингдан шунақа гаплар чиқиб кетадики, бунақа гапни дуруст одамларнинг суҳбатида ҳеч қачон эшитмайсан киши.

Ҳ о к и м. Нима қипти? Гапнинг зиёни йўқ.

А н н а А н д р е е в н а. Ҳоқим эканингда-ку майли-я, у ёқда турмуш бошқача бўлади-да.

Ҳ о к и м. Ҳа, айтгандай, у ёқда жуда ғалати балиқлар бор, еганда одамнинг сўлаклари оқиб кетади дейишади.

А н н а А н д р е е в н а. Сенинг фикр-ёдинг балиқда! Менинг орзум шуки, уйимиз бутун пойтахтда биринчи бўлсин, ундан шунақа хушбўй ҳидлар анқисинки, кириб бўлмасин, кирган кишининг кўзлари мана шунақа сузилиб кетсин (*кўзини сузади*). Оҳ-оҳ, қани энди!

И М А Ж Л И С

Ҳалигилар ва савдогарлар.

Ҳ о к и м. Ҳа! Салом, лочинларим!

С а в д о г а р л а р (*таъзим қилиб*). Саломат бўлсинлар, қиблагоҳимиз!

Ҳ о к и м. Хўш, қўзичоқларим, аҳволларинг қалай? Моллар ўтаётibdими? Хўш, самавсрфурушлар, баззозлар, ҳали арз қиладиган ҳам бўлиб қолдиларингми? Ҳа, товламачилар, қаллоблар! Арз қиладиган ҳам бўлдиларингми? Арзларингдан нима чиқди? Буни дарров қамаб қўяди деб эдиларингми? Ҳу арвоҳ ургурлар, ажина чалгурлар!..

А н н а А н д р е е в н а. Вой худойим-ей! Гапларингни қара-я, Антоша!

Ҳ о к и м (*норози бўлиб*). Ҳозир оғзимга келганини айтавераман! Уша сизлар арза берган чиновник менинг қизимни олаётibdи-я, биласизми? А? Энди нима дейсизлар? Мана энди мен сизларни... Ҳу!.. Халойиқни алдайсан... Подшоликдан пудрат оласан-у чирик мовут бериб, хазинани юз минг туширасан. Кейин йигирма газ мовутни иона қилиб, яна бунга мукофот ҳам таъма қиласан! Буни биллиб қолишса-ку, сени... тагин қорнини чиқариб керилиб ҳам юради: бу киши савдогар, тегманглар эмиш! «Биз дворялардан қолишмаймиз» эмиш. Дворян...ҳа, турқинг курсин! Дворян илм ўрганади: у мактабда калтак еса ҳам бекорга калтак емайди, илм йўлида калтак ейди. Сен-чи? Фирибгарлик қиласан, хўжайининг урса алдашни билмаганинг учун уради. Ҳали гўдаксан, тилинг дуога келмайди-ю, газлама ўлчаганда одамларни алдайсан. Қорнинг шишиб чўнтагинг тўлса, дарров ўзингда йўқ, керилиб, кетасан. Ҳу, товламачи! Кунига ўн олтига самавор ўтказаман деб катталик қиласанми? Тфу, ўша катталигингга ҳам-у, башарангга ҳам!

С а в д о г а р л а р (*таъзим қилиб*). Биздан ўтибди, Антон Антонович!

Ҳ о к и м. Ҳали арз қиладиган ҳам бўлдиларингми? Кўприк солганингда юз сўмлик келмайдиган ёғочни йигирма минг сўмлик деб ёзганингда сенга ким ёрдам берган эди? Мен эдим, эчки соқол! Эсингдан чиқдимми? Ушанда бир оғиз айтиб, сени Сибирь қилиб юбориш қўлимдан келар эди! Йўқми?

Б и р с а в д о г а р. Худо ўзи кечирсин, Антон Антонович! Шайтон йўлдан урди. Минбаъд арз қилмаймиз, ўзимиз сизни хурсанд қиламиз, ишқилиб аччиғингиздан тушинг.

Ҳ о к и м. Аччиғингиздан тушинг эмиш! Мана энди оё-

Ҳалигилар, Коробкин хотини билан, Люлюков

гим остида ётибсан. Нега? Чунки менинг қўлим юқори. Борди-ю, озгинагина сенинг қўлинг юқори кетганда, сен лаънати, мени балчиққа тиқар эдинг, устимга хари ҳам бостириб қўяр эдинг.

Савдогарлар (*оёғига йиқилиб*). Раҳм қилинг, Антон Антонович!

Ҳоким. Раҳм қилинг эмиш! Энди «Раҳм қилинг» эмиш! Эндими! Мен ҳаммангни . . . (*қўл силтаб*) хайр, худога солдим, майли. Мен кек сақлайдиган одам эмасман. Лекин бундан кейин қадамингни билиб бос. Мен қизимни анчайин бир дворянга бераётганим йўқ, қуллуқ бўлсинга дастурхонни катта қилиб келинглар . . . Балиқ-малиқ ё бўлмаса, битта каллақанд билан қутулмайсизлар. . . Хайр, боринглар.

Савдогарлар чиқиб кетишади.

III МАЖЛИС

Ҳалигилар, Аммос Фёдорович, Артёмий

Филиппович, увдан кейин Растаковский киради.

Аммос Фёдорович (*кираётиб*). Миш-мишлар ростми, Антон Антонович? Сизга катта бахт насиб бўлибдими? Артёмий Филиппович. Катта бахт қуллуқ бўлсин, эшитиб чин кўнглимдан хурсанд бўлдим. (*Анна Андреевнанинг қўлини олади.*)

Анна Андреевна (*Марья Антоновнанинг қўлини олади*). Марья Антоновна!

Растаковский. Қуллуқ бўлсин, Антон Антонович, сизга ҳам, келин билан куёвга ҳам худо умр берсин. Зурриётингиз беҳисоб бўлсин, неvara-чевара кўринг! Анна Андреевна! (*Қўлини олади.*) Марья Антоновна. (*Қўлини олади.*)

Коробкин. Қуллуқ бўлсин, Антон Антонович! Анна Андреевна! (*Унинг қўлини олади.*) Марья Антоновна! (*Унинг ҳам қўлини олади.*)

Коробкиннинг хотини. Қуллуқ бўлсин, Анна Андреевна, бахтингиз муборак.

Люлюков. Муборак бўлсин, Анна Андреевна! (*Қўлини олади ва залга қараб оғзининг таъмини олади.*) Марья Антоновна! Қуллуқ бўлсин! (*Унинг ҳам қўлини олади ва залга қараб яна оғзининг таъмини олади.*)

V МАЖЛИС

Сюртук ва фрак кийган кўп меҳмонлар аввал Анна Андреевнанинг, сўнгра Марья Антоновнанинг қўлини олиб, ҳар қайсисининг номини айтиб кўришадилар. Бобчинский билан Бобчинский бир-бирини итаришиб, чопиб киради.

Бобчинский. Муборак бўлсин.

Добчинский. Антон Антонович, муборак бўлсин!

Бобчинский. Хушxabар муборак бўлсин!

Добчинский. Анна Андреевна!

Бобчинский. Анна Андреевна! (*Иккови баравар унинг олдига келиб, пешанасини бир-бирига уриб олади.*)

Добчинский. Марья Антоновна (*қўлини олади*). Муборак бўлсин. Энди иқболингиз жуда-жуда баланд бўлади, зар кўйлақлар киясиз, ғалати шўрвалар ичасиз, умрингизни айш-ишратда ўтказасиз.

Бобчинский (*унинг сўзини кесиб*). Марья Антоновна, муборак бўлсин! Худо давлатларингизни зиёда қилсин, беҳисоб олтинлар ато қилсин, мана шундоққина (*қўли билан кўрсатиб*) кафтга ўтқизса бўладиган ўғилча берсин. Чақалоқ «ингга-ингга!» десин.

Яна бир неча меҳмон келиб қўл олади. Лука Лукич хотини билан.

Лука Лукич. Муборак . . .

Лука Лукичнинг хотини (олдин югуриб) Қутлуғ бўлсин, Анна Андреевна! (Упишадилар.) Шунақа ҳам севиндимки, «Анна Андреевна қизини чиқаряпти!» дейишди, севинганимдан бу кишига «Вой, худойим», — дедим, «менга қара, Луканчик, Анна Андреевнанинг омадини қара-я!» Ичимда «худога шукур» деб, бу кишига «бориб Анна Андреевнага хурсандлигимни айтмасам асти иложи йўқ, севинганимдан теримга сизмай кетаётибман» дедим. «Вой худойим-ей, — дейман ичимда — Анна Андреевна қизгинасига муносиб бир куёвни орзу қилар эди, худди ўзи орзу қилган куёв пешанасига битибди». Шундай ҳам севиндимки, гапиролмай қолдим, нуқул йиғлайман денг. Лука Лукич «нега йиғлайсан, Настенька?» дейди. «Билмасам — дейман — нега йиғлаганимни ўзим ҳам билмайман, кўзимдан ёш дув-дув тўкилади».

Ҳоким. Жаноблар, марҳамат қилинглари ўтиринглари. Ҳой, Мишка, стулдан кўпроқ олиб кел!

Меҳмонлар ўтирадилар.

Ҳалигилар, пристав ва миршаблар

Даҳа пристави. Қутлуғ бўлсин, тўрам. Умрингиз узоқ бўлсин, давлатингиз зиёда бўлсин.

Ҳоким. Раҳмат, раҳмат! Ўтиринглари, жаноблар!

Меҳмонлар ўтиришади.

Аммос Фёдорович. Қани, Антон Антонович, бу ишлар қанақа бўлиб шундай бўлиб қолди, қандай бўлди?

Ҳоким. Жуда фавқулодда иш бўлди: қизни у киши ўз оғизлари билан сўрадилар.

Анна Андреевна. Жуда мулозимат билан, хўп из-

затимизни жойига қўйиб сўрадилар, ҳамма гапни жуда мароми билан гапирдилар, «Мен, Анна Андреевна, сизга ҳурматим туфайлидан шундай қилмоқчиман» дедилар. Бирам яхши, бирам тарбия кўрган, назокатли одам эканларки, нимасини айтасиз! «Ишонасизми, Анна Андреевна, менга ҳаёт бир чақа; сизнинг ноёб фазилатларингизни ҳурмат қиламан» дейдилар.

Марья Антоновна. Вой, онажон, бу гапларни менга айтган эдиларку.

Анна Андреевна. Тек тур, сен бунақа гапларга тушунмайсан, аралашма. «Мен ҳайратдаман, Анна Андреевна» дейдилар. Энди шунақа ҳам ширин сўзки. . . Бунақа ҳурмат умидида бўлишга сира ҳаддимиз йўқ демоқчи эдим, бирдан тиз чўкиб, худонинг зорисини қилдилар: «Анна Андреевна, мени бахти қаро қилманг, кўнглимнинг зорини тингланг, бўлмаса ўзимни ўзим ўлдираман» дедилар.

Марья Антоновна. Онажон, бу гапларни менинг тўғримда айтди-ку?

Анна Андреевна. Албатта. . . Сенинг тўғрингда ҳам шунақа деди. Мен айтмади деяётганим йўқ.

Ҳоким. Ҳатто бизни қўрқитиб юбордилар: «Ўзимни ўзим отаман, отаман!» дедилар.

Меҳмонлар кўпи. Буни қаранг-а!

Аммос Фёдорович. Ўҳ-ҳў!

Лука Лукич. Толеда, толени қаранг-а!

Артёмий Филиппович. Толе нимаси, яхши хизматнинг самараси, (четга) бахт нуқул мана шунақа чўчқанинг оғзига ўзини уради.

Аммос Фёдорович. Антон Антонович, менинг ана у итимга оғиз солган эдингиз, энди ола қолинг. Майли, сотсам сотай.

Ҳоким. Йўқ, ҳозир бунақа гаплар қулоғимга кирмайди.

Аммос Фёдорович. Бу бўлмаса, бошқаси сиздан айлансин.

Коробкиннинг хотини. Вой-вой-вой, Анна Андреевна. Бу омадингизга севинганимни билсангиз! Сира айтгундай эмас.

Коробкин. Азиз меҳмоннинг ўзлари ҳозир қаердалар? Аллақайёққа кетдилар деб эшитдим.

Ҳоким. Ҳа, бир кунлик жуда зарур ишлари бор экан, шунга кетдилар.

Анна Андреевна. Тўй қилгани амакисидан фотиҳа олгани кетди.

Ҳоким. Фотиҳа олгани кетдилар, эртагаёқ... (Чучкиради. Ҳамма «Саломат бўлсинлар!» дейди.) Раҳмат, эртагаёқ қайтиб келадилар... (Яна чучкиради, яна ҳамма шуни айтади, бошқа товушлар ҳам эшитилади.)

Даҳа пристави. Саломат бўлсинлар, тўрам!

Бобчинский. Юзга кирсинлар, қоп-қоп олтинлар ато қилсин.

Добчинский. Мингга кирсинлар!

Артёмий Филиппович. Ҳаром ўл!

Коробкиннинг хотини. Худо кўтарсин!

Ҳоким. Қуллуқ! Сизларга ҳам худо умр берсин.

Анна Андреевна. Биз энди Петербургда турмоқчимиз. Бу ернинг ҳавоси, ростини айтсам, шундай ҳавоки... Қишлоқ ҳавосида... Ростини айтсам, ҳеч ёқмайди... Дадаси ҳам у ерда... генерал бўлади.

Ҳоким. Шундай, жаноблар, тўғриси айтсам, генерал бўлишга жуда-жуда кўнглим суст кетади.

Лука Лукич. Илоҳим бўлинг!

Растаковский. Бандасининг қўлидан келмайди холос, худо хоҳласа ҳаммаси ҳам бўлаверади.

Аммос Фёдорович. Катта кемага катта сафар муносиб.

Артёмий Филиппович. Хизматга яраша ҳурмат.

Аммос Фёдорович (четга.) Генерал бўлса ҳам роса ғалати генерал бўлса керак, сигирга тўқим ургандек хўп ярашар! Эҳ, ҳали бу қайёқда-ю генераллик қайёқда. У ерда сендан тузукроқ одамлар ҳам бор, ҳали генерал бўлган эмас.

Артёмий Филиппович (четга.) Оббо лаънати-ей, генерал бўлгиси ҳам бор! Бўлса бўлаверади ҳам. Қурғурнинг савлати генерал боп! (Унга.) Ушанда, Антон Антонович, бизни ҳам эсингиздан чиқарманг.

Аммос Фёдорович. Мабода бирон кор-қол бўлса, чунончи, бирон ҳожатимиз тушиб қолса марҳаматингизни дариф тутманг.

Коробкин. Келаси йил ўғлимни пойтахтга — подшоллик хизматига элтмоқчиман. Шунда йигитчани ўз болангиздай кўриб, қўллаб юборасиз-да.

Ҳоким. Қўлимдан келганини аямайман.

Анна Андреевна. Антоша, сен ҳамиша шунақа ваъда бериб юрасан, аввали шуки, бу тўғрида ўйлагани қўлинг тегмайди. Шунақа ваъдалар бериб, ортиқча ташвиш орттиришининг нима ҳожати бор?

Ҳоким. Нега ахир, жоним? Баъзан мумкин.

Анна Андреевна. Мумкин, албатта, лекин ҳар қанақа хашаки одамларни қўллай бериш нимаси!

Коробкиннинг хотини. Эшитдингизми, бизнинг шаънимизга нима деяпти бу киши?

Меҳмонхотин. Нима ҳам дейсиз. Бу кишининг бўлган битгани шу; мужикка сон тегса, авлиёлик даво қилади.

VIII МАЖЛИС

Ҳалигилар ва почта мудир, қўлида очиқ хат,
ҳовлиқиб киради.

Почта мудир. Ғалати иш чиқиб қолди, жаноблар! Биз ревизор деб ўйлаган чиновник ревизор эмас экан.

Ҳамма. Нега? Нечук?

Почта мудир и. Ҳеч ҳам ревизор эмас экан, мен мана бу хатдан билдим.

Ҳоким. Гапирманг-ей, гапирманг! Қанақа хат?

Почта мудир и. Үзи ёзган хат. Менга шу хатни олиб келиб беришди. Адресига қарасам «Почтамт кўчаси» дебди. Юрагим орқамга уриб кетди, «оббо, почта ишларидан чатоқлик топиб бошлиғимизга маълумот бераётибди» деб ўйладим-у, хатни очдим.

Ҳоким. Нега очдингиз?

Почта мудир и. Үзим ҳам билмай қолибман, ғайритабиий бир куч қўймади. Бериб юборай деб курьерни ҳам чиқарган эдим, аммо нималар ёзди экан деб шунақа ҳам қизиқдимки, асти қўйинг! Ҳеч ўзимни тиёлмадим, ҳеч тиёлмадим. Шундай юрагим эзилиб кетаверди. Бир кўнглим «ҳой очма! Очма! Балоба қоласан» деди; бир кўнглим «оч, оч, оч!» деди. Печатни бузишим билан аъзойи баданимдан ўт чиқиб кетди. Очганимдан кейин музлаб кетдим. Азбаройи худо, музлаб кетдим. Қўлларим титради, кўзларим тиниб кетди.

Ҳоким. Шундай мўтабар зотнинг хатини очгани нечук ҳадингиз сиғди?

Почта мудир и. Ҳамма гап шунда-да; у мўтабар ҳам эмас экан, зот ҳам эмас экан!

Ҳоким. Бўлмаса нима экан?

Почта мудир и. Ҳеч боло эмас. Нотайин бир маҳлуқ!



Почта мудир и.

Ҳоким (аччиқланиб). Маҳлуқ дегани нечук ҳадингиз сиғади, у киши ҳақида ноҳўя гаплар айтгани нима ҳақингиз бор? Мен ҳозир сизни қамоққа буюраман...

Почта мудир и. Ким? Сизми?

Ҳоким. Ҳа, мен!

Почта мудир и. Қўлингиздан келмайди.

Ҳоким. У киши менинг қизимни олмоқчи, мен ҳам катта амалга минаман, мен сизни худди Сибирнинг ўзига элтиб тиқиб қўяман-а, биласизми?

Почта мудир и. Эй, Антон Антонович! Сибирь нима ўзи? Сибирь узоқ! Яхшиси мен сизга мана буни ўқиб берай. Жаноблар, рухсат беринглар, хатни ўқиб берай.

Ҳамма. Ҳўнинг, ўқинг!

Почта мудир и (ўқийди). «Дўстим Тряпичкин, воқеа бўлган ажиб қизиқ ҳодисаларни эшит: йўлда мени пиёда аскар капитани роса шилиб олди, шундай қилдики, майхонага тўлагани ҳам ҳеч нарсам қолмади, майхона эгаси мени қаматадиган бўлган эди, бироқ петербургча кийимбошимни кўриб, бутун шаҳар мени генерал губернатор деб ўйлади. Ҳокимнинг уйида турибман; димоғим чоқ; ҳокимнинг хотини билан қизига айланишиб юрибман, аммо ҳали қайси биридан бошлашни билмай турибман. Онасидан бошласаммикин деган ўйим бор, сабабки у ҳозир нима десам йўқ демайдиганга ўхшайди. Бир вақтлар икковимиз пулсиз қолиб, опхоналарни товлаб юрганимиз, бир куни сомсани еб, ҳақини инглиз поршосининг даромадидан берилади деганимизда сомсапаз ёқамдан бўғиб олгани эсингда борми? Ҳозир ишлар бошқача. Кимдан қанча қарз сўрасам дарров беради. Ажойиб кишилар дегин: сен бўлсанг кула-кула ўлар эдинг. Сен мақолалар ёзгувчи эдинг, бу гапларни ўша ёзадиганларингга қистириб ўт. Биринчидан ҳоким аҳмоқликни бўйинча қилиб кийиб олган.

Ҳоким. Бўлмаган гап! Бундай деган эмас!

Почта мудир и (хатни кўрсатиб). Ўзингиз ўқинг.

Ҳоким (ўқийди). «Бўйинча қилиб кийиб олган», бўлмаган гап! Ўзингиз ёзгансиз.

Почта мудир и. Нега мен ёзаман?

Артёмий Филиппович. Ўқинг!

Лука Лукич. Ўқинг!

Почта мудир и (давом этади). «Ҳоким аҳмоқликни бўйинча қилиб кийиб олган...»

Ҳоқим. Оббо, касофат-ей. Қайтариб айтишга бало борми?

Почта мудир и (давом этиб). Ҳим-ҳим... ҳим... ҳим «бўйинча қилиб олган. Почта мудир и ҳам яхши одам...» (Тўхтайд.) Хайр, менинг тўғримда ҳам бир ножўя гап айтибди.

Ҳоқим. Йўқ, ўқинг!

Почта мудир и. Нима кераги бор?

Ҳоқим. Ўқиладиган бўлгандан кейин ўқиш керак! Ҳаммасини ўқинг!

Артёмий Филиппович. Менга беринг, мен ўқий. (Кўзойнагини тақиб ўқийди.) «Почта мудир и департамент қоровули Михеевнинг ўзгинаси. Бу ҳам аблаҳ бўлса керак, нуқул урар экан».

Почта мудир и (томошабинга). Боласи тушмагур, хўп ҳам калтак боп экан-да!

Артёмий Филиппович (давом этади). «Худойихоналар мутасаддиси... ҳм... ҳм...» (тутилади).

Коробкин. Нега тўхтаб қолдингиз?

Артёмий Филиппович. Шу ери бадхатроқ экан. Ўзи ҳам ярамас одам экан-да.

Коробкин. Менга беринг! Менинг кўзим ўткирроқ. (Хатни олмоқчи бўлади.)

Артёмий Филиппович (хатни бермайди). Йўқ, бу ери ўқилмаса ҳам бўлади, нари ёғи очик ёзилган.

Коробкин. Менга беринг, ўзим биламан.

Артёмий Филиппович. Ўқиш бўлса, ўзим ҳам ўқийман. Нар и ёғи яхши ёзилган.

Почта мудир и. Йўқ, йўқ, ҳаммасини ўқинг! Ҳаммаси ўқилаётибди-ку.

Ҳамма. Беринг, Артёмий Филиппович, беринг хатни, (Коробкинга) ўқинг.

Артёмий Филиппович. Ҳозир (хатни бериб). Марҳамат қилинг (бармоғи билан беркитиб), мана бу еридан ўқинг. (Ҳамма унга яқин келади.)

Почта мудир и. Ўқинг, ўқинг! Бемаъни гапни қўйинг, ҳаммасини ўқинг.

Коробкин (ўқийди). «Худойихоналар мутасаддиси Земляника кулоҳ кийган чўчқани ўзгинаси».

Артёмий Филиппович (залга). Бемаъни гап! Кулоҳ кийган чўчқа эмиш! Чўчқа ҳам кулоҳ киядими?

Коробкин (давом этади). «Мактаблар нозирининг вужудидан бижиган пиёз ҳиди келади».

Лука Лукич (залга). Азбаройи худо, умримда оғзимга пиёз олган эмасман.

Аммос Фёдорович (ўзича.) Хайрият, менинг тўғримда ҳеч нарсa демабди.

Коробкин (ўқийди). «Судья...»

Аммос Фёдорович (баланд овоз билан). Ана холос... Жаноблар, менимча хат жуда узун экан. Бундан ташқари нимасини ҳам ўқиймиз, бетамизликдан бошқа ҳеч гап йўқ-ку ахир!

Лука Лукич. Йўқ.

Почта мудир и. Йўқ, ўқинг!

Артёмий Филиппович. Ўқий беринг, ўқинг!

Коробкин (давом этади). «Судья Ляпкин-Тяпкин ўлардай моветон...» (Тўхтаб.) Французча сўз бўлса керак.

Аммос Фёдорович. Қим билади дейсиз, бу нима

дегани! Товламачи дегани бўлса-ку яхши-я, ундан ҳам ёмон гапдир дейман.

К о р о б к и н (*давом этади*). «Аммо меҳмондўст, оқ кўнгил одамлар экан. Хайр, дўстим, Тряпичкин, мен ҳам сенга ўхшаб адабиёт ишига киришмоқчиман. Бу хилдаги тирикчилик кишини зериктиради, дўстим; ниҳоят, руҳ озиғи ҳам керак. Уйлаб қарасам бирон мўътабарроқ иш билан машғул бўлиш зарур экан. Менга хат ёзадиган бўлсанг Саратов губернияси, Подкатиловка қишлоғига деб ёз. (*Хатни айлангириб адресини ўқийди*.) Ҳурматли Иван Васильевич Тряпичкин жанобларига тегсин. Санкт-Петербург, Почтамт кўчаси, ҳовли номери тўқсон етти, дарвозадан кирганда ўнг қўлда, учинчи қават».

Х о т и н л а р д а н б и р и. Қаранг-а, ҳеч ҳам хаёлга келмаган кўргилик.

Ҳ о к и м. Сўйди, сўйди мени! Сўйганда ҳам ўтмас пичоқ билан сўйди! Ҳеч нарсани кўрмайман. Фақат одам башараси ўрнига кўзимга аллақандай чўчқаларнинг тумшуғи кўринаётибди холос. Бошқа ҳеч нарса йўқ, ҳеч нарса! Қайтарилсин! Йўлдан қайтарилсин! (*Қўл силтайди*.)

П о ч т а м у д и р и. Қайтариб бўладими! Мен, худди отайин қилгандай, назоратчига энг яхши тройка берилсин дебман. Иш чаппасига кетгандан кейин шундоқ бўлар экан-да.

К о р о б к и н н и н г х о т и н и. Жуда ҳам хунук иш бўлди-да, хижолатдан ўлади киши...

А м м о с Ф е д о р о в и ч. Ие, жаноблар, бу ёғи қандоқ бўлди: у мендан уч юз сўм қарз олган эди-ку.

А р т ё м и й Ф и л и п п о в и ч. Мендан ҳам уч юз сўм олган эди.

П о ч т а м у д и р и. Уф! Мендан ҳам уч юз сўм олган эди.

Б о б ч и н с к и й. Пётр Иванович икковимиздан олтмиш беш сўм олган эди.

А м м о с Ф е д о р о в и ч (*ҳайратда*). Бу қандоқ бўлди-а, жаноблар? Биз нима бўлиб бундоқ қўлга тушдик?

Ҳ о к и м (*пешанасига уриб*). Мени айтинг, мени! Мен аҳмоқни айтинг! Ақлдан тариқча қолмабди... ўттиз йилдан бери ҳукумат хизматидаман, шу вақтгача биронта савдогар ё пудратчи қўлга туширолган эмас эди. Ман-ман деган товламачиларни товлаганман, бутун ер юзини ўғирлаш қўлидан келадиган айёр, маккорларни ҳам тузоққа илинтирган одам эдим. Учта губернаторни алдаганман... (*Қўл силтаб*.) Губернатор ҳам гап эканми!

А н н а А н д р е в н а. Менинг шунга ишонгим келмапти, Антоша, ахир Марьяни фотиҳа қилган эди-ку.

Ҳ о к и м (*кўкрагига уриб*). Фотиҳа қилган эмиш! Фотиҳа эмас, бир бало қилди. Шу маҳалда фотиҳа деб ўтирибди-я! (*Аччиғи келиб*.) Мана, халойиқ, христианлар, ҳокимнинг расво бўлганини кўринглар! Аҳмоқни, қари аҳмоқни кўриб қўйинглар! (*Ўзига-ўзи мушт ўқталади*.) Ҳу, шўртгумшуқ. Бир ёш бола, бир латтани муҳтарам бир одам деб ўтирибсан-а! Мана энди у кета кетгунча ҳо-ҳолаб кулиб кетади! Бу ишларни оламга ёяди. Ҳаммага калака бўлганим бир сари, биронта қаламкашнинг қулоғига етса, бу воқеаларни комедия қилади. Мана буниси алам қилади! Амал, мансабни юз-хотир қилмайди. Ҳамма кулади, чапак чалади. Нега куласизлар? Ўзларингга ўзларинг куласизларми? Садқайи одам... (*Ер тепиниб*.) Бу қаламкашларнинг, ланати либералларнинг ҳаммасини бир жувоз қилиб янчиб, гумдон қилар эдим! (*Ер тепинади, мушт ўқталади*.) Бир оз жимликдан сўнг.) Ҳеч ўзимга келолмайман. Худо ураман деса аввал ақлдан уради деган гап — ҳақ. Бу ел қуварнинг нимаси ревизорга ўхшар эди? Ҳеч ўхшайдиган ери йўқ эди. Жимжилоқча ҳам ўхшайдиган ери йўқ эди-ку! Ҳамма ревизор, ревизор деб овоза қилди! Ревизор деб аввал ким айтди ўзи? Айтинглар!

А р т ё м и й Ф и л и п п о в и ч (*қўлини ёйиб*). Улай агар

бу нима бўлиб шундай бўлганини билмайман. Кўзим тиниб гангидим, шайтон йўлдан урдими дейман.

А м м о с Ф ё д о р о в и ч. Ким айтар эди, бу гап мана шу азаматлардан чиқди-да. *(Бобчинский ва Добчинскийларни кўрсатиб.)*

Б о б ч и н с к и й. Худо урсин. Мен айтганим йўқ. Хаёлимга ҳам келгани йўқ...

Д о б ч и н с к и й. Мен ҳеч, сира ҳам...

А р т ё м и й Ф и л и п п о в и ч. Албатта сиз-да.

Л у к а Л у к и ч. Тўғри-да, майхонадан ҳовлиқиб келдиларинг, «келди, келди, пул ҳам тўламайди...» дедиларинг. Хўп билган экансизлар-у!

Ҳ о к и м. Албатта сизлар! Лаънати фитначилар, ёлгончилар!

А р т ё м и й Ф и л и п п о в и ч. Минг лаънат ўша ревизорингга ҳам-у, гап топиб келган одамларга ҳам!

Ҳ о к и м. Узун кун шаҳарда изғиб, ҳаммани тумов қилиб юрасизлар, лаънатилар! Фитна-фасод тарқатасизлар, думи юлиңган ҳақкалар.

А м м о с Ф ё д о р о в и ч. Лаънати ифлослар!

Л у к а Л у к и ч. Қилиғи совуқлар!

А р т ё м и й Ф и л и п п о в и ч. Пакана фитналар.

Ҳамма уларнинг бошига келади.

Б о б ч и н с к и й. Худо урсин мен эмас, мана бу Пётр Иванович.

Д о б ч и н с к и й. Йўғ-ей, Пётр Иванович, ахир аввал сиз ҳалигидай...

Б о б ч и н с к и й. Ҳеч-да, аввал сиз айтдингиз, сиз.

СУНГГИ КҮРИНИШ

Ҳалигилар ва жандарма.

Ж а н д а р м а. Петербургдан ёрлиқ билан келган чиновник сизни йўқлаётибди, бетўхтов келсин деди. Мусофирхонага тушган.

Бу гап ҳамманинг эсини чиқариб юборади. Хотинлар оғзидан ҳайронлик ифода қилувчи ҳар хил товушлар чиқади. Ҳамма жой-жойида қотиб қолади.



СУЗСИЗ КҮРИНИШ

Ҳоким ўртада симёғочдай қотиб, қўлларини ёзган ва бошини орқага ташлаган ҳолда туради. Унинг ўнг томонида хотини билан қизи бутун вужуди билан унга томон интилган; буларнинг кетида почта мудирини томошабинларга қараб, савол аломатидай бўлиб туради; унинг орқасида Лука Лукич гаранг бир ҳолатда; унинг кетида, саҳнанинг бир четидан уч меҳмон хотин бир-бирига суюниб, ҳокимнинг оиласига қараб заҳарханда қилиб туради. Ҳокимнинг чап томонида, худди бир нарсага қулоқ солаётгандай, бошини

бир томонга қийшайтириб Земляника туради; унинг орқасида қўлларини кериб: «Ана холос» демоқчи бўлгандай оғзини жуфтлаб судья туради. Ундан кейинда томошабинларга кўзини қисиб, ҳокимга аччиқ киноя қилган қиёфада Коробкин, унинг кетида, сахнанинг энг четида Бобчинский билан Добчинский иккови ҳам қўлини пахса қилиб, оғзини очиб, бир-бирига бақрайиб туради. Бошқа меҳмонлар донг қотиб қолган. Бир ярим минутгача шу аҳволда қотиб қолади.

П А Р Д А



На узбекском языке

Школьная библиотека
НИКОЛАЙ ВАСИЛЬЕВИЧ ГОГОЛЬ

РЕВИЗОР

Издательство «Уқитувчи»
Ташкент — 1974

Редактор Х. Ҳайитмегов
Бадний редактор П. Бродский
Техн. редактор Т. Ананина
Корректор Р. Мирхолиқов.

Теринга берилди 10/1-1974 й. Босишга рухсат этилди 11/IX-1974 й. Қоғоз № 70Х90 ^{1/16} Физ. 6. л. 65. Шартли босма л. 7,6 Нашр. л. 4,46. Тиражи 30000 «Уқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 244-73. Баҳоси 13 т.

~~Ҳазрат~~ Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг 2-босмаҳонаси. Янгийул, Чехов кўчаси, 3. 1974 й. Зак. № 43.

Типография № 2 Государственного Комитета ~~УзССР~~ Министров ~~УзССР~~ по делам издательств, полиграфии и книжной торговли. Янгийул, Чехова, 3.